www.ziyouz.com kutubxonasi



www.ziyouz.com kutubxonasi

ЎТКИР ҲОШИМОВ

НИМАДИР БЎЛДИ...

ҲИКОЯЛАР

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти
Тошкент — 1976

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўз
Ҳ 71

Ҳошимов Ў.
Нимадир бўлди... Ҳикоялар. Т., Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976
112 б.

Ёзувчи Ўткир Ҳошимов ўзининг «Чўл ҳавоси», «Шамол эсаверади», «Баҳор қайтмайди», «Қалбингга қулоқ сол» қиссалари, қатор ҳикоялари билан китобхонлар меҳрини қозонган. «Нимадир бўлди...» тўпламига ёзувчининг энг яхши ҳикоялари киритилган.

«Нимадир бўлди...» ҳикоясида ёзувчи икки тоифа одамлар ўртасидаги кескин зиддиятни кўрсатади. Тўпламдаги бошқа ҳикояларда ҳам одамлар орасидаги мураккаб муносабатлар, турли тақдирлар қаламга олинади. Ҳажвий ҳикояларда эса ёзувчи турмушимиздаги айрим камчиликлар устидан кулади.

Хашимов У. Что-то случилось... Рассказы.

Уз2

Х $\frac{70303-14}{352\ (06)-76}$ 16—76

© Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976 й.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЯНГА

Акмал қўнғироқ тугмасини босиши билан ичкаридан овоз эшитилди.

— Ана, Акмалхон келдилар.

«Келинойим», деб ўйлади у янгасининг овозидан таниб.

Янгаси негадир унинг номига «хон» қўшиб гапирарди. Акмал янгасининг келганидан қувонди. Ҳар сафар уни кўрса онасини кўргандек бўларди.

Эшикни янгасининг ўзи очди. Акмалнинг елкасидан қучоқлаб кўришди. У яшил жемпер кийган, штапель дурра ўраб олган, қорача, озғин юзида ийманувчан табассум бор эди. Акмал унинг қўлидаги оддий хўжалик сумкасини кўриб, кетишга ҳозирланаётганини пайқади.

— Нега отланиб олдингиз?— деди астойдил ранжиб.

— Болалар ёлғиз,— деди янгаси туфлисини кияркан.— Қоронғи тушмасдан бора қолай.

— Акам бор-ку,— деди Акмал ҳамон унинг кетишини хоҳламай.

Янгаси яна ийманган қиёфада жилмайди:

— Чойхонага чиқадилар, биласиз-ку.

Ёнбош томондаги ошхонадан парча гулли халат кийган, олдига клеёнка фартук тутган Клара чиқди.

— Овқатга туринг десам, кўнмаяптилар,— деди у гоҳ эрига, гоҳ овсинига қараб.

— Майли, ўзинглар боринглар,— янгаси эшик тутқичидан оҳиста тутиб, ташқари чиқди.

Акмал уни зинадан кузатиб қайтиб кирганида ошхонада жаз-буз эшитилар, уйни пиёздоғ ҳиди тутиб кетган эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Келинойим қачон келувди?— сўради у гўшт қовураётган хотинидан.

Клара ачишган кўзини кафтининг орқаси билан артиб, унга юзланди.

— Яқинда.

— Бирон юмуши бор эканми?

— Нима юмуши бўларди, пул сўрайди-да...

Акмал хотинининг овозидаги пичингни пайқаб, кўнгли ранжиди.

— Неча марта пул сўради сиздан?— деди зарда билан.

Клара капгирни тарақлатиб столга ташлади.

— Сўрамаса энди сўрайди. Бир марта берсангиз, келаверади. Нима, бизнинг пул заводимиз борми?!

Клара оиласида ёлғиз қизлиги учунми, келин бўлиб тушгандаёқ овсинини хуш кўрмаган эди. Секция олиб бу ёққа кўчиб келишгунча анча майда-чуйда гаплар ўтган, уларнинг кўпига хотини сабабчи бўлганини Акмал биларди, аммо индамаган эди. Ҳозир ғаши келди.

— Бизнинг пулимизга зор қақшаб қолган жойи йўқдир,— деди овози бўғилиб. — Бир нарсага керак бўлиб қолгандирки, сўрагандир.

— Нега қоқилади?! Эри ишлайди, ўзи ишлайди. Режаси билан ишлатсин! — Клара гап тамом, дегандек, индамай бурилиб қозонини ковлашга тушди.

Акмал хотинининг халат остидан тирсиллаб турган бўлиқ елкаларига, капгирни чаққон айлантираётган тилла узукли қўлига бирпас қараб турди-да, бурилиб, хонага кириб кетди. Ҳали уйга кирганида янгаси нимагадир ийманиб жилмайиб турганини, нима учун шошилиб кетиб қолганини энди тушунди. Хотинининг мих қоққандек қарсиллатиб муомала қилишидан, ўзи бўлса жиловини шунчалик бериб қўйганидан ғаши келди. «Бўйнини эгиб пул сўраб келиш осонми? Қиш келяпти. Болалардан бирортасига қишлик кийим олмоқчидир. Топгани етишмаётгандир. Бунинг устига акамнинг ичиши бор...» У диванга

www.ziyouz.com kutubxonasi

чалқанча ётганча шуларни ўйлар, ўйлаган сайин кўнгли ғаш бўлар эди.

Ўртадаги эшик очилди. Акмал хотини ўзига қараб турганини пайқаб, индамай ётаверди.

— Яна қанча ётасиз,— деди Клара тағин ўша ўйиб олувчи оҳангда.— Лолани ким олиб келади?

— Билмайман,— деди Акмал каравот тепасига илинган арабий гилам гулларини томоша қилган бўлиб.— Боғчага ҳар куни мен боришим шарт эмас.

— Бўлмаса овқатни қилинг!

Акмал гилам томонга бутунлай ўгирилиб олди.

— Масалан, мен овқат емайман,— деди совуққонлик билан.

— Қаранг-а, мен сизнинг тўйиб келишингизни билмабман.— Клара эшикни қарсиллатиб чиқиб кетди. Зум ўтмай эшикнинг калити шиқирлади.

Акмал ўша алфозда ётганича хотинини ҳам, қизини ҳам эмас, негадир янгасини ўйларди.

Адҳам акаси уйланганда Акмал учинчи курсга ўтган эди. Механика-математика факультетида фанлар оғир бўлгани учунми, ё ўзининг қобилияти сустроқмиди, хуллас, у стипендияга илинмади. Онаси мактабда йигирма беш йил фаррошлик қилиб, пенсияга чиққан, унинг нафақаси Акмалнинг жонига ора кириб турарди.

Янгаси келин бўлиб тушганида ҳам қоп-қора, озғин қиз эди. Акмал ўзидан нари борса икки ёш катта бу қизга аввалига унчалик кўниколмай юрди. Негадир ундан ўзини олиб қочар, янгаси пайпоғинини, майкасинини ювaётганини кўриб қолса, ийманар, онасига «ўзингиз ювмабсиз-да» дерди. Аммо онасининг кун сайин нари кетаётганини, оёқ-қўллари шишиб, ётиб қолганини Акмал биларди. У ҳар куни ўқишга кетаётганида онаси ётган хонага кириб, ундан аҳвол сўраб ўтарди. Шунақа пайтларда ҳар доим онасининг тепасида янгаси ўтирганини кўрарди.

Худди шунақа эрта куз кунларидан бирида у ўқиш-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дан қайтганида, эшик тагида тўпланиб турган одамларни кўриб ҳаммасига тушунди. У қачондир шу ҳодиса рўй бериши муқаррар эканини биларди. Аммо назарида бу нарса ҳеч кутилмаганда рўй бергандек, аллақандай адолатсизлик бўлгандек туюлди. У бир ҳовли хотинлар орасидан ўтиб, онаси ётган хонага отилиб кирди. Қизиқ, ўшанда у йиғламади. Йиғлай олмади. Фақат тонг саҳарда ўқишга кетаётганида онасининг қилган дуосини эслади. «Тупроқ олсанг, олтин бўлсин, болам. Умринг узоқ бўлсин...»

Ўша кундан бошлаб Акмал энг катта таянчи йўқолганини тушунди. Энди унинг ҳаёти чалкашиб кетгандек, алланима ўзгариши керакдек туюларди. Ўқишдан кўнгли совий бошлади. Стипендия олмаса, кап-катта йигит бировга тирик товон бўлиб ўтирса...

Уйдаги ҳаёт ўша-ўша давом этарди. Худди онаси бор вақтдагидай ҳар куни каравотининг бошидаги стул суянчиғида дазмолланган шим, оппоқ рўмолча, ёқаси қордек тоза кўйлак, чўнтагида ҳар куни бир сўм пул...

Акмал буларнинг ҳаммасини янгаси қилаётганини биларди. Акасининг топгани ўзидан ортмайди. Янгаси қурилишда ишлайди. Ўз эрининг ташвиши етмагандай, тонг саҳарлаб туради. Акмалнинг кир-чирига қарайди.

Янгаси оғироёқ бўлганидан кейин отпускага чиқди. Ҳамон Акмалнинг ёнидан пул аримасди. Лекин ўзи энди ортиқ бу аҳволда юриш мумкин эмаслигини тушунди. Ўқишдан бутунлай айниди. Бир куни акасига қатъий қарорини айтди.

— Мен заводга ишга кираман.

Акаси тайинли бир гап айтмаса ҳам, Акмал унинг қарши эмаслигини билди. Эртасига у кеч уйғонди. Ўша қиш тонгги асло эсидан чиқмайди. Акмал уйғонганида чўян печкада ўт гувиллаб ёнар, янгаси печка олдида чўнқайиб ўтирганча хаёлга толган, гўё ухлаб қолганга ўхшарди. Акмал печка ғирасидан тушаётган ёғдуда

www.ziyouz.com kutubxonasi

янгасининг доғ босган юзини кўриб, янаям озиб кетганини, чеҳраси ғамгин эканини сезди.

Каравот ғирчиллаганини эшитиб, янгаси ярқ этиб, унга қаради. Аммо ўрнидан жилмади.

— Акмалхон, мен эшитдим,— деди у паст товушда. Кейин бир зум жим қолди-да, уф тортди.— Майли, бизни ўйламай қўя қолинг. Ойимнинг арвоҳини чирқиллатганга қўрқмайсизми? Ойим сизни менга топшириб кетганлар. Тушундингизми?

Акмал янгасига қаради-ю, кўзларида ёш айланаётганини, бу гапларни юракдан эзилиб айтаётганини сезди. Сезди-ю ўзининг ҳам юраги орзиқиб кетди. Шу тобда янгасининг кўксига бошини қўйгиси, доғ босган юзларини силагиси, нимадир деб узр сўрагиси келиб кетди. Ўшанда у, мана шу янгаси ўз онасидай азиз бир одам эканини ҳис қилди. Мана, у ўқишни ҳам битирди. Болачақалик, бўлиб, янгасидан кўпда хабар ҳам ололмайдиган бўлиб қолди...

Эшик калити шиқирлаганини эшитиб, Акмал қаддини ростлади. Йўлакда Кларанинг товуши эшитилди:

— Телевизор кўрасанми, Лола? Ҳозир мультик бўлади.

— Йўқ, дадамга бораман..

Эшик очилиб, жамалак сочига оппоқ лента тақиб олган Лола чопқиллаб кирди-да, Акмални қучоқлади. Ўша томондан яна Кларанинг овози келди:

— Қўй, Лола, дадангга тегма, чақиб оласан.

Акмал қизини етаклаб йўлакка чиқди.

— Келинойим неча сўм сўради?

Ошхонага кириб кетаётган Клара, ҳалиям ўша гапми дегандек, бурилиб қаради.

— Эллик сўм, нимайди?

Акмал индамай ётоққа кирди-да, Кларанинг пардоз қутисини очди. Уларнинг пули одатда шу қутида турарди. Иккита йигирма беш сўмликни ажратиб олаётганида ошхона томондан тағин Кларанинг овози эшитилди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— У пулга тегманг. Лолага шуба олишим керак.

Акмал индамай йўлакка чиқди. Туфлисининг боғичини боғлаётганида тепасига хотини келганини кўриб, қаддини ростлади. Қларанинг ранги ўчиб кетган, нафис бўёқ юргизилган бежирим лаблари пирпираб турарди.

— Уларнинг боласи бола бўлганида мени бола эмасми,— деди у овози титраб.— Нега боланинг насибасини қиясиз, ё ўтқазиб қўйгани борми?

— Овозингни ўчирасанми, йўқми?!— деди Акмал бақириб.

Қлара ҳайрон бўлганидан эрига тикилиб қотиб қолди. Улар лабораторияда бирга ишлашар, севишиб турмуш қуришган, тўрт йилдан буён бирон марта эри унга сан демаган, бақирмаган эди.

— Обора қолинг,— деди Клара йиғламсираб.— Бор-йўғингизни оборib бера қолинг, ўша гадойваччаларга!

Акмал яна бир дам турса катта жанжал чиқишини билиб, эшикни қарс этиб ёпиб, чиқиб кетди.

...Акмал шаҳар чеккасидаги ҳовлиларининг темир дарвозасини тақиллатганда вақт алламаҳал бўлиб қолган, сутдай тўлин ой пастак уй рўпарасидаги олчаларнинг сарғая бошлаган япроқларини аллалар, майин шабада эсиб турарди.

Эшикни нимча кийиб олган янгаси очди.

— Тинчликми, Акмалхон? — деди хавотирли оҳангда. Чамаси Акмалнинг важоҳатидан жаҳли чиқиб турганини пайқаган бўлса керак.

— Ўзим,— Акмал ичкари кириб, гапни атайлаб бошқа ёққа бурди.— Акам келдилармн?

— Э, ҳали келмайдилар. Болаларни энди ухлатувдим. Юринг.

— Сўрида ўтира қолайлик,— деди Акмал олма тагидаги темир панжарали сўрига имо қилиб.

Янгаси уйдан дарров кўрпача олиб чиқди. Акмал чиннидай қилиб супурилган ҳовлидан юриб бораркан,

www.ziyouz.com kutubxonasi

димоғига гуп этиб райҳон иси урилди. Бу ҳид унга алланечук қадрдон, аллаловчи туйғуларни эслатди. Онаси ҳар йили райҳон экар, «райҳон файзли бўлади, болам» деб қайта-қайта такрорлар эди. Чиндан ҳам мана шу ҳид бутун ҳовлига қандайдир осойишталик бахш этгандай бўларди.

Акмал сўридаги кўрпачада ёнбошлаб атрофни кузатди. Лой том устидан шифер қоплаб, уйнинг замонавийлаштирилганини айтмаса, ҳеч нима ўзгармаган эди. Ўша икки уй, бир айвон, устундаги узун михга бир тутам исириқ илиб қўйилибди. Ўша кафтдеккина, озода ҳовли, бўйра бўйи жойга экилган райҳон. Олма шохига илинган лампочка. Ўша сўри... Сўрининг шундоқ ёнига икки дона олма тушибди. Сап-сариқ...

Ошхона томондан янгасининг ўтин ёраётгани эшитилди.

Акмал ўгирилиб қаради. Янгаси ҳовли этагидаги ошхона эшиги олдида чўнқайиб ўтирганча ўтин ёрарди.

— Қўйинг, келинойи, мен кетаман,— деди Акмал.

Янгаси ҳозир, деди-ю, ишини қилаверди.

Қизиқ, ошхона ҳам, унинг ёнбошида деворга тираб тикланган тандир ҳам ўша-ўша ўзгармаган, тандир остига худди ўша кезлардагидай ўтин тахлаб қўйилган эди.

Бир маҳаллар, Акмал болалик чоғида, онаси шу тандирда зоғора нон ёпар эди. Тандирдан чиққан биринчи зоғоранинг ярмисини ушатиб, сопол пиёладаги сутга тўғраб берарди. Акмалга дунёда ивитилган зоғорадан лаззатлироқ таом йўқдек туюларди.

У ҳозир ҳам ўша лаззатли нон таъмини сезгандай ютиниб қўйди-да, секин энтикди.

Эрта куз кечасига хос чуқур сукунат чўкди. Фақат онда-сонда бир шамол келиб, олма япроқларини дув тўкиб кетади. Кейин яна сукут қуйилади. Олисдан тепловоз товуши келди. Гулдираб ўтаётган поезднинг бир меъёрда гувиллаши эшитилди. Овоз пасая-пасая тиниб қол-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди. Бу товуш Акмалга яна ўша болалик дамларини эслатди.

Бир вақтлар мана шу сўри ўрнида супа бўларди. Онаси ётар чоғида кўлоблатиб сув сепар, бутун ҳовлини райҳон ҳиди тутиб кетарди. Акмал онаси билан Адҳам акасининг ўртасида кўрпадан бошини чиқариб, осмонга тикилиб ётар, узоқ вақт ухлай олмай хаёл сурарди. Акмал, ишчи батальонига кетиб, ўша ерда вафот этган отасини эслай олмас, аммо онасининг бир гапи гўдак хотирасига ўрнашиб қолган эди.

«Ўлган одамнинг жони осмонга чиқиб, юлдузга айланиб қолармиш». Акмалнинг назарида осмондаги энг ёрқин юлдуз отасининг жони бўлиб туюлар, ўша юлдузга учиб кетгиси келарди. Шунақа ойдин кечаларда паровоз овози, узоқлашиб бораётган поезд садосини эшитса, олис жойларга кетиб қолгиси келар, юраги орзиқиб-орзиқиб қўярди. Ҳозир ҳам негадир худди ўша туйғу юрагини қамраб олди. Ўша болалик дамларга бир зум қайтгиси келди. Лабораториядаги мураккаб тажрибалару Кларанинг инжиқликлари ҳам, бугунги дилсиёҳлик ҳам, ҳаммаси бачкана, майда нарсалар бўлиб кўринди. Қанийди онаси тирилиб келса-ю, бир кеча мана шу сўрида осмонга, юлдузларга, тўлин ойга тикилиб ётса.

Бир қўлида чойнак, бир қўлида қовурилган тухум кўтарган янгаси темир зиналардан чиқиб келди. Акмал қаддини ростлаб ўтирди. Янгаси нон ушатди, чой қуйди.

Акмал иштаҳасиз бир тарзда нон кавшаркан, гапни нимадан бошлашни билмай тараддудланарди. Тайин гапки, Клара пулимиз йўқ деган, энди нима дейди? Хотиним сизни алдаган экан, дейдими?

— Асқар катта бўпқолгандир,— деди у анчадан кейин. Янгасининг юзига табассум югурди.

— Ҳа, беш билан ўқийди. Дастёр бўпқолди.— У бир лаҳза жимиб қолди-да, яна жилмайди.— Бу йил Лайло ҳам мактабга боради.

Акмал бирдан баҳона топилганига суюниб кетди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Шунақами? Қаранг, дарров мактабга борадиган қиз бўлиб қолдими?— У ҳамон кулганча асосий мақсадга кўчди.— Лайлога бирорта совға олмоқчи бўлиб юрувдим. Ҳали дурустроқ гаплаша олмадик. Қларанинг хабари йўқ, бугун мен ойлик олувдим.— У чўнтагидан пул чиқариб, дастурхон четига қўйди.— Ўзингиз бирорта қишлик кийим олиб берарсиз, келинойи...

Акмал ёлғон гапираётганини, гаплари сунъий чиқаётганини билиб, тўхтаб қолди.

Янгаси ярқ этиб, унинг юзига қаради.

— Раҳмат, Акмалхон,— деди янгаси оҳиста товушда. Унинг овозида зарда ҳам, ўкинч ҳам йўқ эди.— Болаларнинг кийими етарли,— деди у дастурхон попугини ўйнаб.— Бошқа нарсага зарур бўлиб қолувди... Биласиз, индинга ойим вафот этган кунларига ўн йил тўлади. Шунга узоқ-яқин қариндошларни чақирмоқчийдик. Озроқ етмай турувди...

Акмал сесканиб янгасига қаради-ю, ҳайкалдай қотиб қолди. Янгаси ҳамон дастурхон попугини ўйнаб ўтирар, чамаси ҳозир ҳамма нарсани унутиб, қайнанасининг хотирасини ўйлар эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тасодиф — ҳақиқат тўлқини демакдир.
СТАНИСЛАВСКИЙ

ТАСОДИФ

Очилни мажлисда роса «дўппослашди». Уларнинг цехидан чиқаётган эшиклар икки пулга қимматмиш. Район халқ контроли шуни аниқлабди. Очил Худойқулов инженер бўла туриб шу аҳволга чидаб келаётганмиш. Бунақа тепса-тебранмас инженерни кундузи чироқ ёқиб топиб бўлмасмиш...

Мажлис охирида Очилнинг ўзи сўз олди.

— Эшикларнинг икки пулга қимматлигини ўзим ҳам биламан,— деди ўзини босишга уриниб.— Тахта қуритадиган жиҳозлар бундан йигирма йил илгари қурилган. Ўшандан буён цехда ишлаб чиқариш ҳажми ўн марта ошди. Қуритиш жиҳозларини бўлса ҳеч ким ўзгартиргани йўқ. Йигирма йил илгари қанақа ишланган бўлса ҳозир ҳам шунақа ишлаяпти. Сушилкаларни янгилашга саксон минг сўм пул керак. Уни мен чўнтагимдан ололмайман.

Президиумда ўтирган район халқ контролининг вакили — жингалак соч йигит луқма ташлади:

— Менга қаранг, ўртоқ Худойқулов, ростини айтингчи, ўзингиз уйингизда ҳамма ёғи дарз кетган эшик қуриб ўтирармидингиз?

Очил энди оғиз жуфтлаган эди, жингалак соч вакил гапиртирмади.

— Кўрдингизми, ўзингизга раво кўрмаган нарсани бошқаларга раво кўряпсиз. Кам харажат сарфлаб, кўплаб сифатли маҳсулот ишлаб чиқарайлик, деган шиорни биласизми?! Биласиз! Аммо амал қилмаяпсиз.

Мажлисдан Очилнинг таъби тирриқ бўлиб чиқди. Қарнайгуллар очилиб ётган доирасимон гулзорни четлаб ўтди-да, ёнига сурилиб очиладиган темир дарвоза олдига

www.ziyouz.com kutubxonasi

келди. Энди қоровулхонадан ўтиб кетмоқчи эди, орқадан овоз келди.

— Майлисларингам жа чўзилди-да, Очилбой!

Очил бурилиб қаради-ю, ўзи томонга лўмбиллаб келаётган бош мастер Ҳайдар акани кўрди. Уни кўриши билан бугун ошга бориши кераклиги, толзордаги чойхонага ош буюриб қўйишганини эслади. Цехдагилар Ҳайдар семиз деб чақирадиган, улфат деса жонини берадиган мана шу киши ҳали маош олишганда уч сўмдан йиғиб олиб, ош ташкил қилган эди.

— Кетдикми?— деди у иссиқдан терлаб кетган йўғон бўйнини каттакон, кир рўмолчаси билан артаркан.— Болалар кутиб қолди, соат еттига деганмиз.

Очил темир дарвоза тепасидаги думалоқ соатга қараб қўйди: еттидан ўн минут ўтибди.

— Энди, менга узр,— деди чайналиб.

— Ҳа, энди испарапка ёзиб берармиз...

Очил Ҳайдар аканинг «хотинингдан қўрқасанми» деган маънода гапирганини билиб, ғаши келди.

— Иш чиқиб қолди,—деди қовоғини солиб. Ҳайдар аканинг жавобини ҳам кутмай, дарвозахонадан тез ўтдида, троллейбус бекатига йўл олди.

Аксига олиб, троллейбус ҳам тиқилиб келди. Очил амаллаб чиқиб олди-да, ўртароққа сурилди. Иссиқ кунда тиқилинчда юришдан азоб нарса йўқ. Бир зумда бўғилиб кетди. Аллақайси муюлишда троллейбуснинг дугаси чиқиб кетди-ю, қалқиб тўхтади. Ҳамма бир-бирига урилди. Очил олдида турган хотинни қаттиқ туртиб юборди шекилли, хотин нафрат билан вишиллади:

— Кўзингга қарасанг ўласанми, ҳўкиздай йигит!

Очил минғиллаб кечирим сўради. Анчадан кейин троллейбус яна силкиниб йўлга тушди. Яна ўша тиқилинч азоби бошланди.

У бекатга келиб тушганида сув бўлиб кетганди. Кўйлагининг ёқасини ечиб, елпинди. Юраги санчди. «Зиёни йўқ,— деб ўйлади у уйи томон юраркан,— ҳозир муздай

www.ziyouz.com kutubxonasi

душга тушсам ўтиб кетади». Узоқдан Лолани кўриб қадамини тезлатди. Хотини подъезд олдида қўшни аёллар билан гаплашиб турар, енгил гулдор халат кийиб олган, бошини ювган бўлса керак, сочи елкасига тушиб ёйилиб ётарди. «Нега шу аҳволда кўчага чиқибди» деб ўйлади Очил яқин келиб.

Очилга кўзи тушиб, Лола гапидан тўхтади.

— Умид қани?— сўради Очил зинадан чиқиб борар экан. У талпинчоқ бўлиб қолган ўғилчасини бир кундаёқ соғиниб қолар, ишдан келиши билан уни кўтариб ўйнатар, шу билан бутун ҳордиғи чиқиб кетарди.

— Ухлаб ётибди,— деди Лола қовоғини солиб. Негадир бирдан унинг руҳи тушиб кетди.— Ойлик олдингизми?— сўради у эшикни очиб киришлари билан.

Очил индамасдан пулини узатди.

— Қанча?

— Олтмиш етти сўм,— деди Очил туфлисини ечаркан.

— Қуриб кетсин!— Лола пулни зарда билан стол устига ташлади. Ўн сўмлик, беш сўмликлар клеёнка дастурхон устида ҳар ёққа сирғалиб кетди.—Номингиз улуғ, супрангиз қуруқ. Инженерман дейсизу, қоровулнинг пулини топмайсиз!

— Нима қилай энди?— деди Очил тўнғиллаб.

— Мен нима қилай?— Лола кескин бурилиб қаради.— Қачондан бери битта кўйлак ололмайман.

— Яна қанақа кўйлак?

— Айтганим билан олиб бериш қўлингиздан келармиди?— Лола «сенга гапирдим нима-ю, гапирмадим нима» дегандай яна тескари қараб олди.

— Ҳозир уборшица ҳам гулдор кремплин кийяпти. Битта менда йўқ.

Очил уф тортди. Бу қандоқ гап? Қачон кийинмга тўяди бу хотин! Шунча кўйлаги бўла туриб яна харҳаша қилиб ўтирибди-я. Ҳар гал ойлик олган куни уйда тўполон бошланади. Лола унинг маош олиб келишини кутмасданоқ бирон нарса олиб қўйган бўлади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Очил наридан-бери қўлини ювиб чиқди-да, бориб стол олдига ўтирди. Лола нариги хонага кириб кетган, стол устида бояги пуллар ҳамон сочилиб ётарди. Очил пулларни йиғди, тахлади, стол четига суриб қўйди. У бугун мажлисга тайёрланиб тушлик ҳам қилолмаган, пешинда иккита пирожки еб олган эди. Ҳозир қаттиқ толиққанини, қорни очганини сезди.

— Овқатингни олиб кел,— деди бўғиқ овоз билан.

Ичкаридан Лоланинг асабий товуши эшитилди.

— Қозонда турибди, ўзингиз сузиб ола қолинг.

— Қанақа овқат?— деди Очил ўрнидан туриб.

— Нон қовурдоқ.

Очилнинг қони қайнаб кетди.

— Бу қанақа гап!— деди бақириб.— Бир кун нон қовурдоқ, бир кун макарон қовурдоқ! Дурустроқ овқат қилиш ҳам қўлингдан келадими-йўқми?

Лола худди шуни кутиб тургандек, югуриб унинг олдига чиқди. У сочини ҳамон турмакламаган, елкаси билан битта бўлиб ёйилиб ётарди.

— Аввал бу ёғини қойил қилиб қўйинг!— деди у ўйиб-ўйиб оладиган оҳангда.— Қайси қоплаб тираб қўйган нарсаларингизга яхши овқат пишираман?

— Нима, юз эллик сўм пул эмасми? Расамади билан тақсимласанг ҳаммасига етади!

— Мен етказа олмайман,— деди Лола ниҳоятда хотиржам қиёфада.— Одам фақат ейиш учун яшамайди. Одамлар кремлевский атлас кийяпти, космос кийяпти, парча кийяпти!— Унинг чиройли, бўлиқ лаблари бурилиб, овози бирдан титраб кетди.— Дунёга келиб нима кўрдим! Ўзингиз айтинг, нима кўрдим! Хумайрадан нимам кам?

— Хумайрадан сенинг каминг йўқ,— Очил ҳазил билан қутилмоқчи бўлди,— фақат унинг эри билан менинг фарқим бор. Унинг эри савдогар...

— Шунинг учун сиз бир ойда топган юз эллик сўмни у бир кунда топади,— деди Лола унинг гапини бўлиб.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Лекин унинг ҳаловати йўқ, нотинч ухлайди. Мен бўлсам тинч ухлайман.

— Лекин унинг хотини тинч ухлайди, осмону фалакда юради, мен бўлсам нотинч ухлайман,— деди Лола ҳозиржавоблик билан. Энди унинг лаблари бурилмас, овозида ранжиш эмас, ғазаб оҳанги бор эди.

— Қани айт,— деди Очил бўғилиб,— нима қилай? Ўғирлик қилайми? Ўзимни осайми ё бозорга обчиқиб сотайми?

— Қўйсангиз-чи, сиз кимга кераксиз?!

Очилнинг кўнглида ожизгина бир нур йилт этди. У хотинини ҳазиллашяпти деб ўйлаб, унинг кўзига қаради. Лекин Лола ҳазиллашмаётган эди. Унинг лаблари гезариб кетган, кўзларида совуқ ғазаб ялтирарди.

— Рост-да,— деди Лола ҳамон ўша оҳангда.— Биров сизни бошига урадими? Турқингизни қаранг, ҳазиллашиб елпиғич билан елписа борми, ростдан йиқилиб тушасиз.

Лола яхши мерганлардек эрининг юрагига найза санчишга уста эди. Ҳозир ҳам мўлжалга бехато урди. Очилнинг бошига қон гупиллаб урилди. Тегиб олгунча йўлига кўз тиккан, паркнинг қоронғи бурчакларида унинг қошини силаб, «қошингиз бунча қуюқ» деб эркалаган, сочини сийпалаб, «сочингиз мунча қайсар» деб эркалатган қиз шу эмасмиди! Очил энди керак бўлмай қолдими?

Очил шиддат билан бошини кўтарди. Мушти бир тугилди-ю, шайтонга ҳай берди. Имиллаб бориб телевизорни қўйди. Бугун футбол борлиги эсига тушиб, кўнглининг бир чеккасида таскинга ўхшаш туйғу пайдо бўлди. Ҳали экран ёришмасданоқ Озеровнинг таниш, янгроқ овози эшитилди. Очил қайтиб келиб стулга ўтирган эди, экранда яшил майдон, гувиллаб шовқин солаётган одамлар кўринди. Бугун халқаро ўйин бўлаётгани учун диктор, айниқса, тантанавор овозда гапирар, стадион ҳаяжонли шовқинга тўлган эди. Энди Очилнинг иштаҳаси

www.ziyouz.com kutubxonasi

инига кириб кетганди. Шунинг учун стул суянчиғига елкасини ташлади-да, бемалол томоша қила бошлади.

Лола бир эрига, бир телевизорга қараб қўйди-да, зипиллаб телевизор олдига борди. Шарақ-шуруқ қилиб иккинчи программани олди. Силос бостириш ҳақида эшиттириш берилаётган экан.

— Мен футбол кўрмоқчиман!— деди Очил бақириб.

— Бақирманг! Мен сизга қул эмасман.— Лола Очилнинг кўз ўнгини тўсиб телевизор рўпарасига ўтириб олди.— Мен силос кўрмоқчиман!

Очил алам билан ўрнидан турди. Нариги уйга кириб кетди. Диванга ўзини ташлаганча шифтга тикилиб узоқ ётди. Бу қанақа турмуш, деб ўйлади ғижиниб. На ишда ҳаловати бор, на уйда. Лола аввалларн ҳам шунақамиди ёки бунақа одати кейин чиқдими, ҳалиям яхши билмайди. Беш-олти ой иноқ яшашди. Кейин майда-чуйда жанжаллар кўпая бошлади. У Лоланинг бунчалик латтапарастлигини билмаган экан. Тўғри, уйланмасдан илгари ҳам, учрашувларга борганида Лола иложи борича ҳар сафар янги кийим кийиб келишга ҳаракат қиларди. Очил бунга чандон эътибор бермасди. Лоланинг бундай ясан-тусанлари ота-онасига қанчалик қимматга тушганини билмаган экан. Қизиқ, хотини шунақа нарсаларни топадики, уларни айтишга Очилнинг тили ҳам келишмайди. Тағин улар ўз нархига топила қолса гўрга-я, уч баҳосига олиш керак. Одамлар пул йиғиб чет элларга саёҳат қилади, курортларга бориб дам олади. Буларнинг топгани қаёққа кетаётганини ҳеч ким билмайди.

У Ҳайдар аканинг бояги гапини эслади. Асли ошга бора қолса бўларкан. Шунча гап-сўз йўқ эди. «Ростданам хотиннинг измидан чиқмайдиган бўпқопман,— деб ўйлади у.—Жанжал чиқмай қўя қолсин деб, тамом бўлдим...»

Очил шу ондаёқ бир нарсани эслади. Баҳорда мана шу Ҳайдар ака туристик йўлланма билан Ҳиндистонга борадиган бўлиб қолди. Ўшанда Очил ярим ҳазил, ярим

www.ziyouz.com kutubxonasi

чин қилиб «Келинойимни ташлаб бир ўзингиз борсангиз хафа бўлмайдиларми», деганида Ҳайдар ака ҳайрон бўлган эди. «Нега хафа бўлсин, мен ўйнаб келсам, хурсанд бўлмайдими?» деган эди.

«Шунақа хотинлар ҳам бор» деб ўйлади Очил уф тортиб. Унинг юраги тағин санчди. Кейинги пайтларда тез-тез шунақа санчадиган бўпқолди. У кўксини чангаллаганича, йўлакка чиқди. Чироқ ўчган, Лола телевизорнинг шундоққина тагига ўрин солиб, Умидни қучоқлаганча ётиб олган эди. Очил эшикни оҳиста очиб зинага чиқди. Ундан кўчага йўл олди. Қўшни уйларда чироқлар чарақлаб турар, боғча ўртасидаги айвонча олдида қўни-қўшнилар домино ўйнаб ўтиришарди. Очил биров кўриб, сирини билиб қоладигандек шошилиб нари кетди. Кўчанинг нариги юзига ўтди. Бекат ёнидаги уйнинг биринчи қаватидан музика садоси эшитилиб турар, бир тўда ёшяланглар танца тушишарди. Очил беихтиёр бир зум қараб қолди. Йигит-қизлар бир-бирига яқинлашиб, узоқлашиб сакраб-сакраб рақс тушишарди. Бунақа танцани Очил илгари ҳам кўрган, лекин унга ёқмаган эди. Ҳозир бўлса, негадир ёшларнинг ҳаракати жуда чиройли кўринди. Тўғри-да, ёш бўлгандан кейин нима учун ўйнаб-кулмаслик керак, нима учун дам олмаслик керак? У эллик қадамча юрган эди, кўчани тўлдириб келаётган бир тўда улфатлар унинг ёнидан ўтди. Мўйловли бир киши гармон чалар, бола кўтарган, бола етаклаган эркак-аёл ҳаммаси бараварига ашула айтишар, уларнинг хушчақчақ қўшиғи тун сукунати чўка бошлаган кўчага жон бағишлаб, олисларга таралар эди.

«Одамлар мана бундоқ яшайди.— деб ўйлади Очил маъюслик билан.—Шуларнинг ташвиши йўқмикин? Ўзига яраша каттами, кичикми ғами йўқмикин? Арзимаган нарса деб бир-бирини еб қўйгудек бўлишмаса керак». Шуларни ўйлади-ю, Лола кўзига жуда хунук кўриниб кетди. Нима қилсин? Ажрашиб қўя қолсинми? Бу фикр унинг хаёлига энди келаётгани йўқ. Кейинги пайтларда

www.ziyouz.com kutubxonasi

хотини майда-чуйда нарсаларга ҳадеб жанжаллашаверіб жонидан тўйдириб юборганида, кўнглининг бир чеккасидан шу хаёл лип этиб ўтар, аммо Умидни ўйлаши билан ўзининг худбинлигидан нафратланиб кетарди. Ҳозир ҳам кўнглига келган хаёлни шошилиб қувди. «Йўқ, йўқ, номардлик бўлади!»

Қизиқ, бояги ёшларнинг рақси, бояги хушчақчақ одамларнинг қўшиғи унинг кўнглидаги ғашликни ҳайдагандек бўлди. У анча енгил тортиб, уйига қайтиб кирди. Сервант устида турган «Спидолани» олиб, секин нариги уйга кирди-да, диванга ёнбошлади. Радио қулоғини оҳиста бураган эди, олис-олислардан келаётган нафис, кўнгилга яқин ҳинд куйи янгради. Очил бармоқларини чалкаштириб, боши тагига қўйганча шифтга тикилиб ётди.

Тўй қилмасларидан олдин икковлари тез-тез кинога тушишар, Лола, айниқса, ҳинд фильмларини яхши кўрарди. Ҳозир Очил ўша самимий, эрка дамларни эслаб, хаёлан жилмайди. «Ўзинг ҳам майдакаш одам бўпқопсан,— деб ўйлади ўзини сўкиб.— Ожиз одам айбни бошқалардан қидиради. Лолага нима каромат кўрсатдинг ўзинг! Тўйни-ку амаллаб қарз-ҳавола қилиб ўтказдинг. Осмондаги ойни узиб бердингми, саёҳатга обчиқдингми? Ёш бўлганидан кейин чиройли кийингиси келади-да, нима қилсин!»

Бир оздан кейин нариги уйдан Умиднинг йиғлагани эшитилди. Зум ўтмай эшик шиддат билан очилди-да, ғира-ширада ич кўйлакдаги Лоланинг сочлари тўзғиган боши кўринди.

— Ўчиринг, анави мутил-мутилингизни!— деди у бақириб.

Очил беихтиёр радиони ўчирди. Лола эшикни очиқ қолдириб нари кетди. Ўша ёқдан унинг атайлаб қаттиқ гапиргани эшитилди.

— Ўчир овозингни, итвачча! Ҳозир деразадан улоқтириб юбораман. Ҳаммаларинг қўшилиб қўшмозор бўлларинг!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Очилнинг юраги яна санчди. Негадир ўтган умрини ўйлади. Очил болалигидаёқ отаси ўлиб кетган, ўнинчи синфга ўтганида онаси ҳам қазо қилган эди. Очил опасининг қўлида қолди. Аммо институтга кириши билан ҳеч кимга оғирлигини туширмаслик учун ўз аравасини ўзи тортишга ҳаракат қилди. Каникул пайтларида ғишт қуйди, қурилишга кириб ишлади. Пахтага борганида ҳаммадан кўпроқ териб, пул топди. Болалар касалхонасида ҳамшира бўлиб ишлайдиган Лола билан танишганида, бу қиз ўзининг ҳамма ташвишларига шерик бўлишига ишонган эди.

«Одам шундай қилиб қариса керак-да»,— деб ўйлади у ёнбошига ағдарилиб. Бир вақтлар у аллақайси журналда қайсидир профессорнинг мақоласини ўқиган эди. Ҳозир кимлиги аниқ ёдида йўқ. Лекин унинг айтган фикрлари хотирасида маҳкам ўрнашиб қолган. «Бизнинг замонамизда асаб касалликлари кўпайиб кетяпти. Баъзилар ҳаёт суръатининг тезлиги, бошқалар шовқин-сурон кўплиги туфайли шунақа бўляпти, деб айтишади. Лекин одамларнинг асаби кўчада эмас, уйда, эр-хотин ўртасидаги жанжалда кўпроқ бузилади». Очил профессорнинг шу сўзларини яна эслади-ю, Лоладан тағин кўнгли оғриди. Наҳот, куни кеча бир-бирини еру кўкка ишонмаган одамлар бугун бир-бирига чоҳ қазиса? Шусиз ҳам одам узоқ яшамайди-ку. Бир-бирини тушуниб, ўйнаб-кулиб яшаса бўлмайдими? Падарига лаънат пулниям, латта-путтаниям!

Очил ўйлай-ўйлай ухлаб қолди. Қизиқ, тушида ўлиб қолганмиш. Шунда ҳам юраги санчаётган эмиш. Аллақандай нотаниш бир эркак Умидни кўтариб олганмиш. Умид Очилга талпиниб ҳадеб йиғлармиш. Лола бўлса бир чеккада туриб, ҳиринг-ҳиринг кулармиш...

Очил ланж бўлиб уйғонди. Унинг кўзлари ачишар, томоғига бир нима тиқилиб турганга ўхшарди. Девордаги соатга қаради-ю, сапчиб туриб кетди. Саккиз бўлай деб қопти.

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Оббо, кеч қоламан шекилли» деб ўйлади у апил-тапил ювинаркан. Лола ҳамон ўртада чўзилиб ётарди. Хотинининг бошигача бурканиб ётишидан, Умидни ҳам кўрпага ўраб олганидан, Очил, унинг уйғоқлигини, атайлаб шундоқ қилаётганини билди. Кечаги гап-сўзлар яна бир бошдан тасаввурида жонланди, кўнгли яна ғаш тортди.

У ошхонага кириб қозонни қопқоғини кўтарди. Нон қовурдоқ димланиб қолган бўлса керак, қопқоқнинг остига сув томчилари йиғилиб қолган эди. Бир томчи сув помидор аралаш нон устига томди. Очил бир бўлак нонни оғзига солди. Қорни очгани учунми, нордон таъмданми, жағлари зирқираб кетди. Чой қайнатиб, бир-икки пиёлани апил-тапил ичди-ю, кўчага отилди.

Ишхонага келиши билан кечаги мажлис тафсилотларини эслади.

«Ишни пилорамадан бошлаш керак,— деб ўйлади темир дарвозадан кириб келаркан.— Ҳамма иш шулардан бошланади. Шулар ишни пухта қилса, у ёғи кетаверади».

У тахта тиладиган участкага келганида иш қизиб кетган, электр арралар шовқини қулоқни қоматга келтирар, қипиқ чанги ҳавони тўлдириб юборган эди. Бир лаҳзада Очилнинг боши ғовлаб кетди. Яна юраги санча бошлади. Томоғига бир нарса тиқилиб қолгандек бўлаверди. У гандираклаб гоҳ у, гоҳ бу ишчининг олдига борар, аррадан тилиниб чиқаётган тахталарни олиб кўрар, аммо нима қилаётганини ўзиям яхши билмас, боши ғувиллар эди. Кейин нима бўлганини ўзи ҳам англай олмай қолди. Электр аррага жуда яқин келиб қолганини, биров чап қўлини юлқиб олгандай бўлганидагина билиб қолди. У даҳшат ичида ўзини орқага ташлади. Қизиқ, ҳеч қанақа оғриқ сезмади. Фақат билаги қаттиқ силкиниб кетгандек бўлди. Кўзидан ўт чақнаб кетди-ю, негадир кўнгли айниб, ҳамма ёқни зулмат босди.

«Тез ёрдам» машинаси фарёд солиб Очилни касалхонага олиб кетди. Уни операцияга олиб кириб кетишгани-

www.ziyouz.com kutubxonasi

да машинада бирга келган Ҳайдар ака эшик олдида мўлтираб қолди.

— Фалокатни қаранг, синглим,—дерди у олдидан ўтиб турган ҳамшираларга йиғламсираб.— Шундоқ Очилбойнинг қўлини арра обкетди-я! Қандоқ йигит эди-я! Фалокат қош билан қовоқ ўртасида тураркан-да, а?!

Ҳамшираларнинг бири индамай елка қисиб ўтар, бошқаси худди Очилни танийдигандек Ҳайдар акага ҳамдардлик билдирарди.

— Тасодиф-да, амаки тасодиф.

Ҳайдар ака алам билан бош чайқарди.

— Хотинига нима деб жавоб берамиз энди. Гулдай эри шундоқ бўлиб ўтирса қандоқ чидайди?!

Заводдагилар ҳам шуни ўйлашарди. Бу совуқ хабарни Лолага етказиш учун борган одамлар уни уйдан тополмай қайтиб келишди. Лола кеча Хумайрадан уч баҳосига олган кремплин кўйлагини тиктириш учун ателье кетган эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

УЧ ХИЛ ОДАМ

Байрам ҳамма ерда бирдек тантана қилинади. Аммо байрамни ҳамма бирдек тантана қилавермайди.

Биринчи Май куни Искандар касалхонада эди. У иккинчи қават бурчагидаги торгина палата деразасининг ипи осилиб қолган пардасини бир чеккага суриб қўйганча, ташқарини томоша қилиб турарди. Касалхона ҳовлиси гавжум. Икки четига хонаки арчалар экилган йўлкадан ола халат кийган беморлар, башанг кийинган кишилар тинмай ўтишади. Рўпарадаги тўрт қаватли бинонинг аллақайси деразасидан рубоб товуши эшитилади. Қаердадир биринчи қаватда, телевизор қўйилган вестибюлда бўлса керак, марш янграйди. Икки бино оралиғидаги гулзор атрофига қўйилган скамейкалар тирбанд. Ҳов чеккада, касалхона атрофини ўраган бетон девор ёнидаги бир туп ёнғоқ соясида, шундоққина майсалар устига газета ёзиб эр-хотин ўтиришибди. Эркакнинг эгнида касалхона халати. Хотин атлас кўйлак кийиб олган. Тўрт-беш ёшлардаги болакай қип-қизил пуфагини ҳавода ҳилпиратганча, уларнинг атрофида пилдираб юрибди. Эр-хотин унга кўпда эътибор беришмайди ҳам: ўзлари билан овора.

«Соғинишиб қолган бўлса керак,— деб ўйлади Искандар хаёлан жилмайиб.— Бугун шунақа кун. Хотинлар эридан, эрлар хотинидан хабар олади».

Шу тобда у ўзининг ёлғизлигини, бугун ҳам, эртага ҳам ҳеч ким йўқламаслигини ўйлаб кўнгли чўкди.

Хабар оладиган хотини йўқ. Чол-кампирларга бўлса касалхонага тушганини ёзгиси келмади. Нима қилади кекса одамларни ваҳимага солиб?! Дашнободдан Тошкентга келиб-кетиш осонми!

www.ziyouz.com kutubxonasi

У миясида ўралашаётган нохуш хаёлларни қувиш учун ишхонадаги ўртоқларини ўйлади. «Тўлқин ҳам келмади. Ким билади, балки кеча навбатчи бўлгандир. Тонг отгунча саҳифа ўқиб, ҳозир ухлаб ётгандир».

Ўша куни унинг ўзи ҳам навбатчилик қилаётган эди. Энди саҳифа ўқиётганида, эски дарди қўзиб қолди. Ошқозон яраси шундай чангак қилиб қўйдики, ишхонадан тўппа-тўғри шу ерга олиб келишди. Уни профессор Наримоновнинг ўзи қабул қилди. «Сизни ўзим операция қиламан» деб, мана шу тинчроқ палатага жойлаштирди. Энди уни операцияга тайёрлашяпти. Искандар аввалига қонли бинтларга, муттасил эфир ҳиди анқиб турадиган касалхона ҳовлисига кўника олмай юрди. Лекин бора-бора ўрганиб кетди. Кун бўйи палатадан чиқмасдан ўтириб китоб ўқийдиган бўлди. Мана, ҳозир ҳам кўп беморлар биринчи қаватга тушиб, телевизордан парад кўришяпти. Искандар тушмади.

«Ҳовлидаги одамларнинг ўзи бир парад эмасми!..»

Бояги ёнғоқ остида ҳамон эр-хотин ўтиришар, хотин олдидаги сумкасидан тухум олиб, эрига арчиб берар, болакай эса пуфагини ўйнар эди. Йўлакдан оқ халат кийган уч ҳамшира қиз ўтди. Ҳар қайсисининг қўлида шода-шода сирень. Қизлар нима ҳақдадир қаттиқ-қаттиқ гаплашишар, хандон отиб кулишарди. «Бу йил сирень кўп бўлибди,— деб ўйлади у қизлардан кўз узмай.— Редакция хонасида биқиниб ўтириб гулниям унутиб юборади одам».

Искандар яна ўша томонга қаради-ю, йўлакдан бир-бирига суянишиб келаётган икки йигитни кўрди. Уларни бири маст бўлса керак. Кўксига лолақизғалдоқ босганча гандираклаб қадам ташлар, шериги унинг билагидан маҳкам ушлаб олган эди. «Шунақа жойгаям маст бўлиб келадими, одам!» Искандар энсаси қотиб юзини ўгирди. Ўгирди-ю, бирдан ўша томонга қараганча сесканиб кетди. Йигитнинг кўксидаги лолақизғалдоқ эмас, қон эди. Унинг оппоқ кўйлаги қизариб, ёқавайрон бўлиб кет-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ганди. «Биров пичоқ урибди!»— деб ўйлади Искандар вужуди музлаб. Шу ондаёқ илдам бурилди-да, йўлакка отилди. Цемент зиналардан югуриб тушганча биринчи қаватдаги врач қабулхонасининг эшигига бориб қолди. Остонасига ҳўл латта ташланган эшик олдида тўхтаб, ичкарига разм солди.

Бояги оқ кўйлакли бола девор тагидаги кушеткада икки букилиб ўтирар, негадир, ҳадеб сўкинар эди. Қалта енгли катак кўйлак кийган иккинчи йигит эса нима қилишини билмай унинг тепасида турар, ранги ўчиб кетганди.

— Нега ўзидан-ўзи сенларга шиша отади!

Искандар ичкарига мўралаб, девор тагидаги стол қаршисида ўтирган врачни энди кўрди. Бу — доим кўзойнак тақиб юрадиган рангсиз хирургнинг фамилияси Олимбоев эканини Искандар кеча билиб олган, беморлар ундан негадир чўчишини кўриб, ғаши келган эди. Ўзи ёшу негадир ҳамма ундан қўрқади. Искандар яна беморга ўгирилиб қаради-да, унинг бошидан қон оқаётганини пайқади.

— Билмадим,— деди катак кўйлакли йигит киприкларини гуноҳкорона пирпиратиб.— Биз кўчада кетаётгандик. Биров автобус деразасидан шиша отди. Шиша Анварнинг бошига тегди.— У чиндан ҳам шиша Анварнинг бошига текканини таъкидламоқчи бўлгандай беморни бармоғи билан кўрсатиб қўйди.

Яраланган Анвар маъюс кўзларини врачга қадаб, бошини чангаллаганча яна сўкинди.

— Шундай қилиб, шиша отди денг!— хирург ўрнида хотиржам ўтирганча кўзойнагини йилтиллатиб беморга қараб қўйди.— Қизиқ,— деди у ингичка бармоқлари билан столни чертиб,— битта шиша шунча иш қилдими, а! Аввал бошингга тегса, кейин ёқангни йиртса, кўйлагингни дабдала қилиб юборса. Қўлли, оёқли шиша эканда!

Анвар лабини яна ҳам қаттиқроқ тишлаб, йиғлаб юборди. У елкалари силкиниб барала йиғлар, овози энди раста бўлгани учунми, хунук эшитилар эди. Катак кўй-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лакли йигитча эса нима қилишини билмай, бир унга, бир врачга қараб жавдирарди.

— Хўш, сизга нима керак!— деди хирург бирдан бошини буриб. Искандар беихтиёр ичкарига кириб қолганини, хирургнинг кўзойнак ортидаги тикандек ўткир кўзлари ўзига тикилиб турганини энди пайқади.

— Нима сиз ҳам шиша билан уришдингизми?

Искандар унинг овозидаги заҳарли, ҳақоратли оҳангни пайқади-ю, ёниб кетди.

— Нега майнавозчилик қиласиз! Аҳволини кўряпсизку!— деди у бармоғи билан беморни кўрсатиб.— Биров сизни одам деб, нажот сўраб келса-ю, сиз сўроқ қилсангиз? Қанақа врачсиз ўзи?

— Ўзингиз кимсиз!— Олимбоев оҳиста ўрнидан турди. Искандар унинг рангсиз юзи яна ҳам оқариб, қирра бурнининг катаклари қисилиб кетганини пайқади.— Кимсиз ўзи?!— Олимбоев шундоққина унинг рўпарасига келиб, кўзойнак ортидаги митти кўзларини чақчайтирди.

— Бу бола кимингиз бўлади! Танийсизми ўзи?

— Танишим шартми?— деди Искандар бу қадар адолатсизликдан бўғилиб.— Ким бўлсаям, одам-ку ахир!

Олимбоев ҳар бир сўзини чертиб таъкидлади:

— Қани, туёғингизни шиқиллатиб қолинг!

Искандар эсанкираб қолди. У ҳали ҳеч кимдан бунчалик қўпол гап эшитмаган эди. Бир зум гарангсиб турдида, аламдан қалтираб кетди.

— Кетмайман!— деди овози титраб.— Агар беморни ҳозироқ кўрмас экансиз, мен...— У, фельетон ёзаман демоқчи бўлди-ю, айтмади. Искандар ҳеч қачон фельетон ёзмаган, энди ҳам ёзмаслигини биларди. Шундай бўлса ҳам бўш келгиси келмади.— Мен кетмайман,— деди бўғиқ овозда.— Биров сиздан нажот кутса-ю, сиз прокурорга ўхшаб сўроқ қилсангиз. Нима ҳақингиз бор?

— Мени ишимга аралашманг!— деди Олимбоев ҳамон ўша таҳдид билан. Кейин йигитлар томон истеҳзоли назар ташлаб қўйди.— Ўлмайди, яраси ўладиган даражада

www.ziyouz.com kutubxonasi

эмас. Бирпас азобини тортсин. Безорилик қилмайдиган бўлади.

— Барибир,— Искандар тағин бўш келмай таъкидлади.— Диплом олаётганингизда ичган қасамингизни унутманг. Ҳар қандай вазиятда ҳар қандай беморга ёрдам беришга мажбурсиз!

— Менга даллол керакмас, чиқиб кетинг бу ердан! Гуманистлигингизни уйингизга бориб қиласиз.— Хирург кескин бурилди-да, беморнинг тепасига борди.— Инқилламай ўтир!

Искандар кетишини ҳам, қолишини ҳам билмай бир зум иккиланиб турди-да, эшик олдига борди.

— Ўн саккизинчи палатада бўш койка бор,— деди у атайлаб тўхтаб.— Менинг ёнимдаги чолга кеча профессор рухсат бериб юборган.

Олимбоев хотиржам бурилиб қаради. Ингичка қошини чимирди. «Ҳалиям шу ердамисан!— дегандай юпқа лабларини пирпиратиб пичирлади:

— Кетинг деяпман!

* *
*

... Искандар аллакимнинг йиғи товушидан уйғониб кетди. Бошини кўтариб, Анварнинг каравотида, оёқ томонда ўтирган хотинни кўрди.

Ўша куни Анварни бу палатага жойлаштиришганида, Искандар ҳайрон қолган, гапим Олимбоевга таъсир қилибди, деб ўйлаган эди. Кейин билса, бошқа палатада жой йўқлиги учун шу ерга киритишган экан. Ўшандан буён чигирткадай озғин, қоп-қора хотин Анварнинг олдига ҳар куни келар, йиғлаб-йиғлаб кетар эди. У ҳозир ҳам томирлари бўртиб чиққан озғин қўллари билан юзини тўсганча йиғлар, ўғлини койир эди.

— Отангнинг куйдирганн етмасмиди, жувонмарг! —

www.ziyouz.com kutubxonasi

деди у ҳамон юзидан кафтини олмай.— Энди сен бормидинг, ер ютгур! Ишламасанг, ўқимасанг! Отанг бўлса топганини ичса... Ҳаҳ... пешанам қурсин.

Искандар унинг халат остида титраб турган озғин елкаларига, ингичка қўлларига қараб раҳми келди. Балки ягона умиди шу ўғлидандир!

Анвар саллага ўхшатиб бинт билан боғлаб ташланган бошини девор томонга ўгириб ётар, индамас эди.

— Ҳаҳ, пешанагинам қурсин! — деди аёл яна изтироб билан.

Анвар ётган жойида жеркиб берди:

— Кўп вайсайверманг!

Искандар уҳ тортиб ўрнидан турди. Аёл кафтини туширди-ю, ёшли кўзларини унга тикди:

— Сизни уйғотиб юбордикми?

— Зиёни йўқ,— деди Искандар каравот тепасидаги сочиқни олиб ташқарига чиқаркан. У бировнинг бахтсизлигига томошабин бўлмаслик учун Анварнинг олдига онаси келиши билан дарров чиқиб кетар эди. Ҳозир ҳам индамай йўлакка чиқди. Унинг кетидан Анварнинг онаси ҳам чиқди. Уч-тўрт қадам юрмасданоқ етиб олиб, Искандарнинг қўлидан ушлади.

— Насиҳат қилинг, ўргилай,— деди муҳим бир сирни айтаётгандай пичирлаб.— Ўртоқлари ўлгур ёмон... Учтасини ерга қўйиб, топган болам шу. Кечқурунги мактабда бинойидай ўқиб юрувди. Бозор-ўчаримни бирпасда қилиб келади. Оёғидан ўт чақнайди. Отасининг ичишини мактабдаги ўртоқлари юзига солишган экан, ўқишни ташлаб кетди... Шу одам бўлсин деб ўн етти йилдан бери кўча супураман.— Аёл елкасига ташлаб олган халатининг этагини қайириб, бурнини артди.

Искандар, умуман, бировларнинг кўз ёшига тоқат қилолмасди. Ҳозир ҳам томоғига илиқ бир нарса тиқилиб, кўнгли вайрон бўлиб кетди.

— Куйинманг, холажон,— деди хўрсиниб.— Анвар ҳали ёш. Йўлини топиб кетади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Эсли йигит кўринасиз,— аёл яна йиғламсиради.— Насиҳат қилинг, худоё барака топинг.

— Хўп,— деди Искандар ютиниб.— Албатта, айтаман. Иложи бўлса, ўзим ишга жойлаб қўяман...

Искандар ювиниб келганда, Анвар тумбочка устида турган стакандаги чойга қанд солиб, қошиқ билан айлантириб ўтирарди.

— Чой ичинг,— деди у, энди дўриллай бошлаган овоз билан.

«Ёш бола,— деб ўйлади Искандар унинг ёниб турган кўзларига, ҳали устара тегмаган мўйловига қараб.— Ҳали гўдак-ку, бу! Йўлга солиш керак».

— Раҳмат, бугун мен операцияга киришим керак,— у бир зум ўйланиб турди-да, сўради.— Нега уришдинг?

— Қиз талашдик,— деди Анвар ҳамон қошиқни айлантираркан, аҳмоқларча илжайиб.

Искандар бу ёшдаги болаларга насиҳат қилиш ёқмаслигини билар, шунинг учун бир ҳафтадан буён бошқа гапларни гаплашса ҳам нима воқеа рўй берганини суриштирмаган эди.

— Қиз сени яхши кўрса, талашишнинг нима кераги бор!— деди у иложи борича табиий гапиришга уриниб.

Анвар яна боягидай илжайди:

— Танимайман ўзи у қизни.

— Танимасанг нега талашасан?

— Ие, қиз бўлгандан кейин талашади-да.

— Эндиям талашсанг, калтакнинг бундан каттароғини ейсан.— Искандар унинг бошидаги йод доғи кўриниб турган бинтга имо қилди:— Бу гал осон қутулибсан.

Анварнинг қошиқ айлантираётган қўли бирдан ҳаракатдан тўхтади. У қошиқни қўйиб, тумбочкани шундай зарб билан урдики, стакандаги қошиқ зириллаб кетди. Муштини кучи борича қисганиданми, бош бармоғининг тирноғигача титраб, оқариб кетди.

— Энди калтакни бошқа одам ейди!— деди лаби титраб.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Искандар унинг кўзларида совуқ ўт ёниб кетганини пайқади.

— Менга қара, Анвар,— деди у яна ўша табиий оҳангда.— Ойингни нега хафа қиласан?

— Ўзлари ҳадеб қарғайверадилар,— Анвар яна қошиқни айлантира бошлади.

— Мен бу ердан чиққанимдан кейин сени бир жойга олиб бораман. Ишлайсан, хўпми?—деди Искандар унинг қошиқ айлантираётган қўлидан кўз узмай.

— Ойлиги яхшими?

— Яхши,— деди Искандар беихтиёр ваъда бериб юборганидан афсусланиб. Аммо энди иккиланиб ўтиришнинг кераги йўқлигини билиб, қўшиб қўйди,— борасан-а?

— Мен бугун кетаман-ку, доктор айтди. — Анвар бир кўтаришда стаканни яримлатиб, кафтининг орқаси билан лабларини артди.

— Зиёни йўқ, мен беш-ўн кун шу ерда бўламан-ку. Келасан, гаплашамиз.

Искандар яна ниманидир айтиши кераклигини ўйлаб, жим қолди. Лекин эшик олдида ҳамшира пайдо бўлганини сезди. Тескари қараб ўтирган бўлса ҳам, негадир ҳис қилди-ю, бурилиб қаради. Чиндан ҳам остонада нозиккина рус қиз жилмайиб турарди. «Операцияга!» деб ўйлади у, қизнинг жилмайишидан воқеани тушуниб.

У бугун операция бўлишини билар, шунга ўзини тайёрлаб ўтирар, кечадан буён бу ҳақда ўйламасликка атайлаб ҳаракат қилаётган эди. Лекин ҳамширани кўриши билан юраги ҳовлиқиб, оёқларидан бир лаҳза мадор кетганини сезди. «Ҳар ҳолда қишлоққа хабар қилсам бўлар экан». Шу фикр хаёлига келди-ю, индамай ўрнидан турди. Ҳамшира қиз уни поллари ярақлатиб ювилган йўлакдан бошлаб кетаркан, бир нималар деб далда берди. Аммо Искандарнинг қулоғига ҳеч нима кирмади. Тепасига «Операция хонаси» деб ёзилган эшик тагига етганидагина ҳамшира қиз ҳамон билагидан ушлаб тур-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ганини пайқади. «Нима, қочиб кетармидим» деб ўйлади юраги гупиллаб.

Кенг, ёруғ залга киришганида нариги бурчакда тўдалашиб турган оқ халатли одамларни кўрди. Чамаси, кимнидир операция қилишарди. У кўзлари билан излаб, врачлар орасидан профессор Наримоновнинг пастак, думалоқ гавдасини кўрди. «Стол бўшагандан кейин мени олиб боришади», деган хаёл лип этиб миясига урилди. Лекин ҳамшира уни етаклаганча, бошқа бурчакка олиб борди.

Искандарни операция столига ётқизишлари билан тепасида Олимбоев пайдо бўлди. У оғиз-бурнини дока ниқоб билан тўсиб олган, фақат кўзойнагининг ўзи қолгандек эди. Искандарнинг назарида, унинг кичик, ўткир кўзлари янаям кичрайиб кетгандай туюлди. Ўзининг шу одамга бўйсуниши, бир қошиқ қонидан кечишини илтижо қилиши керакдай аянчли бир аҳволда қолганини ўйлади-ю, бояги қўрқув аллақаёққа йўқолди.

— Мени профессор операция қилмоқчи эди,— деди у ложи борича хотиржам гапиришга уринib.

— Зиёни йўқ,— Олимбоев унинг тепасига эгилди.— Азиз Наримоновичнинг сизникидан мураккаброқ операциялари бор.— Дока ниқоб ортидан ҳам унинг овози кескин эшитиларди.

Искандар унинг ялтироқ кўзойнагини, рангсиз юзини кўрмаслик учун кўзини юмди. Шу онда ҳамширалар оёқларини боғлашди. Қимдир патнисга ўхшаган алюмин тутқични кўксига кўндаланг тиклаб қўйди.

— Биласизми, дўстим,— деди Олимбоев яна унинг устига эгилиб,— ортиқча гуманизм бизнинг касбимизга халақит беради. Мана, сиз гуманист бўлишингиз керак. Нега деганда, қаламкаш одамсиз... Шприц!

Искандар унинг ялтироқ кўзойнагини кўрмаслик учун кўзини юмди. Кейин шундай жимжитлик чўкдики, ўзининг юраги гупиллаб ураётганини аниқ эшита бошлади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* *
*

... Агар инсоннинг доимий ҳамроҳи — хаёллар бўлмаганида одам ниҳоятда қашшоқ бўлиб қолармиди... Искандар оппоқ шифтга муттасил тикилиб ётган ўн кун мобайнида ўша бесадад хаёллар уни тарк этмади. Операциядан кейин қорнида пайдо бўлган оғриқ чидаб бўлмас азоб берганида ҳам, икки кун туз тотмаганида ҳам ўша хаёллар билан овунди. Ўзларининг қишлоқдаги чорбогида бўлган қарс-бадабанг тўйни эслади. Ҳар гал қишлоққа борса, унинг ҳузурига ийманибгина чиқадиган, соғиниб кетганини қулоғига шивирлаб айтиб, унсиз йиғлайдиган хотини Шоҳиданинг рангпаргина, аммо кўркам юзи, қуралай кўзлари тасаввурида жонланди.

Искандар учинчи курсни битиргандан кейин ота-онаси кўзимиз тириклигида кўриб қолайлик, деб унинг тўйини ўтказишган эди. У Тошкентда юрганида ҳеч кимни чандон яхши кўрмагани учун, қўшни қишлоқнинг энг сара қизини олиб берамиз, дейишганларида кўниб қўя қолганди. Аввалига Шоҳидани яхши кўрадими, йўқми ўзи ҳам билмай юрди. Фақат хотини вафот этганидан кейин уни яхши кўришини, жонидан ортиқ севишини ҳис қилди. Шоҳиданинг юраги касал экан, ҳеч кимга айтмабди. Район докторлари унинг тугиши мумкин эмаслигини айтишганида ҳам Искандардан яшириб юраверибди... Искандар унинг азасига етиб борди.

Шундан кейин Искандар қишлоққа қайтиб боргиси келмади. Бешинчи курс практикасини пойтахтдаги газеталардан бирида ўтаган эди. Уни шу газетада ишга олиб қолишди... Аввалига ишга шунчалик берилиб кетдики, жаҳонда ўзидан бахтиёр одам йўқдек эди. У иш билан овунар, чарчаш нималигини билмасди. Аммо баробара журналистлик ниҳоятда машаққатли касб эканини билди...

Кеча редакциядан йигитлар уни кўргани келишди. Шунда Искандар ўзининг беҳаловат ишини тағин соғин-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ганини, летучкадаги баҳслашувларни ҳам, кечалари мижжа қоқмай ёзадиган мақолаларини ҳам қўмсаётганини ҳис қилди.

Кейин яна Анварни эслади. Анвар у операциядан чиқмасданоқ кетиб қолган экан. Искандар бир вақтлар темирйўлчилар ҳунар-техника билим юрти ҳақида очерк ёзган эди. Ўша ёдига тушди-ю, ишга тушганидан кейин билим юртига учрашиб, Анварни жойлаб қўйишга аҳд қилди. Анварнинг адресини ҳамширадан билиб олди.

... Искандар ўн беш кундан кейин оёққа туриб кетди. Оқшомлари касалхона ҳовлисини секин-секин айланадиган бўлди.

Бугун ҳам шундай қилди. Зиналардан амаллаб тушдида, икки четига арчалар экилган йўлкадан оҳиста юриб кетди. Қуёш ҳали ботмаган, аммо ҳаво тунд, кишининг кўнглини ғаш қиладиган булутли оқшом эди. Ҳовлида одам сийрак, афтидан, ёмғир ёғса керак, намхуш шамол эсиб турарди. У йўлканинг охирига бориб, энди орқасига бурилган эди, аллақандай таниш овозни эшитиб тўхтаб қолди.

— Қўй дейман, жойинга!— деди ўша таниш овоз. Кейин қўпол қилиб сўкинди. — Қўй, бўлмаса ҳозир абжағингни чиқариб ташлайман!

Искандар овоз чиққан томонга — касалхона девори ёнидаги ёнғоқ тагига қаради-ю, давра қуриб ўтирган бир тўда одамларни кўрди. Йўқ, булар беморлар эмасди. Искандар синчиклаб қаради-ю, майкачан бўлиб олган Анварни кўрди. У ўтирган жойида ёнидаги йигитнинг қизил кўйлагига ёпишиб олган, йигит ўрнидан турмоқчи бўлар, Анвар қўймай юбормас эди.

«Қаёқдан киришибди булар! — деб ўйлади Искандар ўша томонга юраркан. Кейин тушунди.— Девордан ошиб тушишган».

У етиб боргунча қизил кўйлакли йигит ўрнидан турди. Анвар ҳам унинг ёқасига ёпишганча туриб кетди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Аҳмоқ! — деб ўйлади Искандар ичида Анварни койиб.— Яна жанжал бошлаяптими?»

У яқин келди-да, майса устида сочилиб ётган карталарни, беш сўмлик, уч сўмлик пулларни кўрди. Давра қурган тўрт йигит бемалол сигарет тутатиб ўтирар, Анвар билан қизил кўйлакли боланинг жанжалини томоша қилар, аммо аралашмас эди.

«Аблаҳлар! Қап-катта одамлар ёш болаларни уришгириб томоша қилиб ўтирса!» У қорнининг оғрий бошлаганига қарамай, қадамини тезлатиб келди-да, Анварнинг билагидан ушлади.

— Қўйиб юбор! — деди секин, аммо қатъий қилиб.

Анвар ярқ этиб қаради. Унинг ранги ўчиб кетган, ҳарсиллар, аммо рақибини қўйиб юбормас эди. Қизил кўйлакли, новча йигитнинг ҳам ранги гезариб кетган, бир оғиз ҳам гапирмай юлқинар, Анварнинг чангалидан чиқмоқчи бўлар эди.

— Ҳамма пулни ютиб олиб энди қочадими? — қичқирди Анвар туфук сачратиб.

— Қўйиб юбор! — деди Искандар қатъий қилиб.— Ким сенга карта ўйнасин деди!

Искандар бир қарашдаёқ Анварнинг кўзларида ўша таниш совуқ ўт ёниб кетганини сезди. Лекин эътибор бермади. У ҳеч қачон қимор ўйнамаган, поезддами, бошқа жойдами, шундай даврани кўрса хавотирланиб четлаб ўтар, бу ўйиннинг қоидаларини ҳам, ёввойи завқини ҳам билмас, тан олишни хоҳламас эди.

Ёрда ўтирганлардан бири, маст бўлса керак, қийқириб кулди.

— Ўқитувчинг зўр-ку, Анвар!

Анвар худди шуни кутиб тургандай Искандарга ўшқирди.

— Хўжайинмисан менга?!

Искандарга унинг сенсираши алам қилди. Чигиртқадай озғин аёл кўз олдига келди-ю, юраги эзилиб кетди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Виждонинг борми, аблаҳ! — деди йиғлагудек бўлиб.— Нимага келишгандик сен билан?!

Анвар ҳамон рақибини қўйиб юбормай яна оғзидан туфук сачратди .

— Бор-е, тошингни тер!

Искандар ўзини тутолмай қолди. Қулочкашлаб туриб кучи борича Анварнинг юзига тарсаки туширди. Аммо шу ондаёқ кўзидан ўт чақнаб кетганини, қорнида аллақандай даҳшатли оғриқ уйғониб, ҳамма ёқни зимистон қоплаганини пайқади. Анвар аввал уни тепиб, кейин мушт туширдими, ё аввал уриб, кейин тепиб юбордими, Искандар билолмай қолди. Ҳуши учиб бораётганини, нафаси чиқмай қолганини ҳис қилиб, ёнғоқ танасига суянганча гурсиллаб ерга йиқилди.

... У кўзини очганида энг аввал бир жуфт ялтироқ нарсани кўрди. Синчиклаб қараб, бу кўзойнак эканини, тепасида Олимбоев энгашиб турганини пайқади. Кейин операция столида ётганини, атрофини оқ халатли одамлар ўраб олганини кўрди.

Олимбоевнинг юпқа лаблари қимирлади. Искандарнинг ғувиллаб турган қулоқларига унинг овози жуда узоқдан эшитилди:

— Қўрқманг... Ҳеч нима қилмайди. Фақат бу гал сал узоқроқ ётасиз.

Искандар ҳушсиз бир тарзда тикилиб ётаркан, кўзойнак ортидаги митти кўзлар бир зум меҳр билан ёниб кетганини сезди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

НИМАДИР БЎЛДИ...

Азимжон ишдан келса, Гулчеҳра газ плита духовкасида печенье пишираётган экан. Азимжон терлаб-пишиб куйманаётган хотинининг тепасига борди.

— Нима ҳаракат?

— Ҳали Нозима телефон қилувди,— деди Гулчеҳра бошини кўтариб. Лўппи юзи иссиқдан анордай қизариб кетган эди.— Эртага загород чиқарканмиз. Файзулла ака айтибди.

Азимжон индамай ётоққа кирди. Шошилмасдан ечинди.

Нозима — Гулчеҳранинг қиз ўртоғи, мактабдоши. Азимжон Нозима билан ҳам, унинг қишлоқ хўжалик институтида ишлайдиган эри билан ҳам хотини орқали танишган эди.

Гулчеҳра, «Ўртоғимнинг бахти бор экан, эри ақлли одам, ишнинг кўзини билади» деб кўп гапирар, аммо Азимжон Файзуллани давраларда уч-тўрт бор кўрган бўлса ҳам, дурустроқ гаплашмаган эди. Эртага далага чиқиш баҳонасида Файзулла билан ҳамсуҳбат бўлишидан қувонди. Пижамасини кияркан, ошхона томонга қараб қичқирди:

— Далага чиқсак, нимада борамиз, Гули!

Ошхонада алланима тарақлади. Гулчеҳра қўлини куйдириб олди шекилли, «хаҳ ўлгур-эй!», деб қўйди. Кейин асабий товуши эшитилди:

— Нима дедингиз?

— Транспорт масаласи нима бўлади, дейман!

— Файзулла ака машина олибди,— бу гал Гулчеҳранинг овози хотиржам, ҳатто хийла тантанали эшитилди.— «Жигули» олишибди!

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Шунақами? Зўр-ку!

Азимжон ўзига таниш одамларнинг машинали бўлганига қувонди. Баъзилар машинани ортиқча зийнат деб ҳисоблайдилар. Йўқ, ҳар қалай бўлгани дуруст. У зийнат эмас, ҳожатга яраши керак. «Умуман, ишнинг кўзини билиш ҳам ёмон эмас шекилли-да,— деб қўйди ўзича Азимжон ваннахонада юзинаркан.— Файзулла яқиндагина фалсафадан кандидатликни ёқлаган эди. Энди машинали бўпти».

Чамаси худди шу фикр Гулчеҳранинг ҳам хаёлида чарх ураётган бўлса керак, овқат устида гап айланиб шунга тақалди.

— Одамлар машина оляпти,— деди Гулчеҳра ўйчан бир тарзда,— сиз Нилуга велосипед ваъда қилганингизга тўрт ойдан ошди.

Эрта баҳорда қизчаси уч ёшга тўлганида, Азимжон чиндан ҳам жажжи велосипед олиб беришга ваъда қилган эди. Ана-мана деб, шу пайтгача олиб беролмади.

Азимжон ҳазил билан қутулмоқчи бўлиб, хотинига тегишди.

— Зарари йўқ, Гули, биз ҳам «Жигули» оламиз. Ҳисоблаб кўрдим. Аптекачилигимга оладиган бир юз қирқ сўм маошим билан ҳам машина олса бўларкан. Бировнинг қозонидан овқат еб, бировнинг кийимини кийиб роппа-роса беш йил пул йиғсак, «Жигули» тайёрда!

Гулчеҳра бир оз ён берди шекилли, ясама жиддий қиёфада сўради:

— Оз-оздан йиғиб борсак-чи?

— Унда ўттиз йил,— деди Азимжон ҳозиржавоблик билан.— Ўшанда ҳам қишда саксон сўмлик этик кийсиз.

— Сизга гап бўлса!— бўшаган лаганни олиб кетаркан, Гулчеҳра бамайлихотир чекиб ўтирган Азимжоннинг гарданига тирсаги билан туртиб ўтди. Азимжон

www.ziyouz.com kutubxonasi

хотинининг кўнглидан ғубор кўтарилганлигидан қувониб, унинг кетидан эргашди.

* *
*

Эрталаб Азимжон хотинининг иссиқ нафасидан уйғонди. Гулчеҳра унинг қулоғига шивирлаб гапирарди. Азимжон аввалига уйқусираб ҳеч нарса тушунмади.

— Нима?— деди кўзларини аранг очиб.

Гулдор халат кийиб олган Гулчеҳра яна Азимжонга эгилди. Нафаси унинг қулоғига урилди.

— Бўлинг, пастда Нозималар кутиб туришибди.

Янги келин-куёвлик пайтларида Гулчеҳра ҳар куни уни шунақа — қулоғига шивирлаб уйғотар, иссиқ нафасидан Азимжоннинг қитиғи келар, бутун вужуди жимирлашиб кетар эди. Ҳозир ҳам Азимжон хотинининг халат ичида бўлак-бўлак бўлиб турган тиқмачоқдек гавдасига қараб туриб, шўхлиги тутди.

— Намунча вақтли?— деди илжайиб.— Одамни мундоқ...

— Суюлманг!— Гулчеҳра шўх бурилиб нари кетди.— Устингиздан совуқ сув қуйиб юбормай тағин!..

Азимжон сапчиб туриб, майкачан балконга чиқди. Тонг ёришган, аммо кўчада одамлар кўринмас, рўпарадаги магазин олдида нон машинаси эшикка орқасини ўгириб турар эди. Азимжон балкон панжарасини ушлаб пастга қаради-ю, подъездга кираверишда турган садаф ранг «Жигули»га кўзи тушди. Енги калта йўл-йўл кўйлак кийган Файзулла дока билан машинани артар, негадир ялпоқ қора кўзойнак тақиб олган эди.

— Чиқмайсизми?— деди Азимжон, турган жойида бақириб.

Файзулла бошини кўтариб қаради-да, «вақт кетяпти», дегандек билагидаги соатга имо қилди. Азимжон

www.ziyouz.com kutubxonasi

ювиниб бўлгунча, Гулчеҳра ҳам кеча ўзи пиширган печенье билан консерва, яна алланималарни ипак тўр халтага жойлади. Эр-хотин бошлашиб пастга тушганларида, Файзулла машинага суяниб, сигарета тутатиб турарди. У кўзойнагини олиб, Азимжон билан қўл сиқиб кўришди.

— Ўтиринг,— деди ўнг томондаги эшикни кўрсатиб.

Азимжон Файзуллани анчадан бери кўрмаган эди. Ҳозир унинг хийла қорайиб, озганини пайқади. Пешанасидаги чизиқлар чуқурлашибди, қарашлари ҳорғин.

— Муборак бўлсин!— деди Азимжон ярақлаб турган машинага имо қилиб.

Файзулла камтарлик билан бош силкиб қўйди:

— Ҳа, энди...

Азимжон орқа эшикни очди-да, бурчакда ўтирган Нозима билан сўрашди. Нозима танга-танга гулли сариқ енгсиз кўйлак кийиб олган, шунинг учун бўлса керак, сепкилли юзи, қизғиш сочлари одатдагидек кўзга яққол ташланмас эди. Оч-қизил чийдухоба қопланган ўриндиққа ботинкаси билан чиқиб олган Шуҳрат, орқа томонда ойна тагига ўрнатилган, машина юрганида бошини ликиллатадиган поролон кучукчани олмоқчи бўларди. Нозима эса ўғилчасининг этагидан ушлаб пастга тортарди.

— Нилуфар қани?— деди Нозима Гулчеҳра билан ўпишиб кўришаркан.

— Нилуни қишлоққа жўнатдик, бувисининг олдига,— жавоб берди Гулчеҳра дугонасининг ёнига ўтириб.— Иссиқ кунда шаҳарда нима қилади?

Янги машинанинг ўзига хос ҳиди бўлади. Чарм, елим, яна аллақандай ислар аралашиб, ғалати, ёқимли бўй таратиб туради.

Азимжон олдиндаги ўриндиққа — Файзулланинг ёнига ўтириши билан энг аввало шу бўйни туйди. Эшикни тортган эди, енгилгина қирс этиб ёпилди. «Портси-

www.ziyouz.com kutubxonasi

гарга ўхшайди-я!» деб ўйлади. Шу ондаёқ Файзулланинг машина олганидан яна қувонди.

— Кетдикми?— деди Файзулла орқада ўтирган хотинига қараб.— Қаёққа юрамиз?

— Йигирма саккизинчига,— қисқагина жавоб қилди ҳамон бурчакка суяниб ўтирган Нозима.

— Сирдарёга кетаверишда — йигирма саккизинчи километрда зўр боғ бор,— деди Файзулла Азимжоннинг анграйиб турганини кўриб.

Машина қор устида сирғанган чанадек силлиқ юриб кетди. Бир зумда шаҳар кўчалари орқада қолди. Машина шовқинсиз гувиллаб борар, йўлнинг икки четида уфққача чўзилиб кетган пахтазорлар эрталабки қуёш нурида тўқ яшил тусда товланар, унда-мунда яккам-дуккам тутлар кўриниб қолар, олисда — уфқ этагида кетидан бир тутам ўт эргаштириб трактор ўрмалаб борар эди.

Файзулла радио қулоғини бураган эди, денгиз шовқинидек товуш тарала бошлади. Хор тантанавор оҳангда аллақандай маршни ижро этар, аммо сўзларини англаб бўлмас эди.

«Умуман, машина бўлгани яхши-да,— кечаги хаёл яна Азимжоннинг фикрини банд этди.— Одам дунёга келганидан кейин яшаши ҳам керак. Сайр қилиш, дам олиш — булар ҳам ҳаёт, ахир!»

Нозиманинг кескин, ингичка товуши унинг хаёлларини тўзитиб юборди.

— Анави ўлгурнинг овозини ўчиринг, кармисиз?

Азимжон беихтиёр бурилиб қаради. Нозиманинг сепкилли сариқ юзи жаҳлдан қизариб кетган, Гулчеҳра бўлса ойнани тушириб, ташқарини томоша қилиб борар эди.

Файзулла шошиб радиони ўчирди. Унинг чеҳрасида маъюс бир ифода пайдо бўлиб, юзи яна ҳам ҳорғин бир тусга кирди. Азимжон машинанинг юмшоқ ўриндиғида ўзини ноқулай сеза бошлади. Лекин шу ондаёқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

фикран қўл силтади: «Эр-хотин ўртасида шундай ёзилмаган қонунлар бўладики, унга аралашишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Менга нима?»

Яна чорак соатчадан кейин машина чапга, тупроқ йўлга бурилди. Файзулла машинани жилдираб ётган ариқчадан авайлаб ўтказиб, чанг кўтармаслик учун секин ҳайдаб кетди. Икки юз қадамча юргандан кейин олмазор боғ ичига кирдилар. Файзулла машинани чеккароқдаги бир туп чинор тагида тўхтатди. Олдинма-кетин тушишди. Шу ондаёқ Азимжон димоғида жуда таниш, жуда қадрдон бир ис туйди. «Беда! Беда бор экан», деб ўйлади у қувониб. Олмазор жуда катта бўлса керак, кети кўринмас, олмалар ҳали пишмаган, аммо шохлари мўл ҳосилини кўтаролмай эгилиб турар, дарахтлар остига сепилган беда тизза баравар қулф уриб ётар эди. Одатда, эрта тонгда беда айниқса ўткир ҳид таратади. Азимжон худди маст бўлиб қолгандек тўйиб-тўйиб нафас ола бошлади.

Файзулла багажникдан каттагина шолча олиб, олмазор ичига судраб кетди. Азимжон унинг бедани босиб-янчиб боришидан дили оғриди.

— Шу ерга ёзавермайсизми?— деди чинор тагига имо қилиб.

— Мана бу ер текисроқ,— Файзулла шолчани тўғридаги каттакон олма тагига ёзди.

— Қайси колхознинг боғи бу?— деб сўради Азимжон эски кўрпачани қучоқлаб бораркан. Файзулла елка қисиб қўйди. Нозима билан Гулчеҳра дарров тўр халталарни ташмалаб қолишди. Шуҳрат дарахтдаги олмаларни кўриб, хархаша қила бошлади.

Файзуллалар термосда чой дамлаб олишган экан. Топган-тутганларини ўртага қўйиб ёнбошлаб ётганча нонушта қилишди.

— Анҳор бўйига бормаймизми?— деди Файзулла чойдан кейин. Маслаҳат билан эркаклар сув бўйига борадиган, хотинлар шу ерда қоладиган бўлишди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Анҳор боғининг ёнгинасидан ўтаркан. Бедазорни четлаб соҳилга боргунча Азимжоннинг шими тиззасигача жиққа сув бўлиб кетди. У шимининг почаси оёғига ёпишаётганидан ғаши келар, айни пайтда ҳам ҳузур қилар, таниш беда ҳидидан роҳатланиб, ёш болалардек сакраб-сакраб борар эди.

— Мана, анҳор!— деди Файзулла худди ўзининг мулкини кўрсатаётгандек тантанавор оҳангда.— Ўтиринг.

Азимжон эркаклаб кетган ялпизлар устига ўтирди. Кўйлагини ечиб, ўт устига ташлади. Баданига дарров салқин шабнам нафаси тегди. Шундоққина оёғи остида олти-етти қулоч келадиган анҳор оқиб ётар, бу ер чуқур бўлса керак, сув текис, сокин, ойнадек сатҳида қоп-қора сузгичлар чаққон сузиб юрар эди.

— Ие, асосий нарсани унутибмиз-ку! — деди Файзулла ўрнидан илдам туриб. — Мен ҳозир. — У бедазорни шартиллатиб югуриб кетди. Сукунат чўкди. Шунақа сукунат чўкдики, Азимжон сув устидан учиб ўтган гунафша ранг қанотли ниначининг овозини ҳам аниқ эшитгандек бўлди. Кўнглида алланечук сокин бир енгиллик сезиб, нариги соҳилни томоша қилди. Сувнинг у бети ясси эди. Бу ерда моллар сув ичса керак, соҳил чеккасига туёқ излари тушиб қолган, тезак сочилиб ётарди. Сал нарироқдаги ёнғоққа кўп марта мол боғланган шекилли дарахт танаси сарғайиб, силлиқланиб кетибди.

Азимжон негадир жилмайганча, эътибди. Одамни бахтсиз қилиш учун арзимаган нарса кифоя. Уни бахтиёр этиш учун ҳам кўп нарса керакмас. Азимжон бу қадрдон манзараларни кўриб болалигини эслади. Эслади-ю, кўнглида қўмсашга ўхшаган бир туйғу уйғонди. Одатда одам, болалиги ўтган жойларни тушида кўриб, кечаси уйғониб кетса, анчагача соғинч ўйлар гирдобига ғарқ бўлиб ётади. Ҳозир у ҳам шундай бир ҳолда эди. Унинг болалиги ҳам шаҳар чеккасидаги қишлоқда кеч-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган. Уларнинг қишлоғидан ҳам шунақа анҳор оқиб ўтарди. Азимжон анча пайтгача сузишни ўргана олмаган, болалар: «Учта сузғични тутиб, сувга қўшиб ичиб юборсанг, сузоғич бўласан» деганда, паққос ишонган эди. Азимжон оппада кенжа ўғил бўлгани учунми, молҳолга қараш унинг зиммасига тушарди. Ўзи ҳам сигир боқиш, баҳор ёмғиридан кўпчиган ўтлоқларда чалқанча ётиб олиб, тубсиз осмонга тикилишни яхши кўрарди. Уларнинг тарғил сигири бўларди. Серсут, ювош сигир эди-ю, бир айби бор эди — ўзини ўзи эмиб қўярди. Тўрттала оёғини тарвақайлатиб ётганча, бурилиб ўзини ўзи эмаверарди. Шунинг учун сигирнинг тумшуғига ёғочдан найзадор қилиб тўртбурчак чамбарак илиб қўйишар, шунда сигир ўтлашга ўтларди-ю, ўрганган номаъқулчилигини қилолмас эди.

Азимжон ўша кунларни эслаб, бенхтиёр кулиб юборди. Боғ томонда мотор товуши гуриллаб, хаёли бўлинди. Зум ўтмай бир қўлида коньяк шишаси, бир қўлида газетага ўроғлиқ алланима кўтарган Файзулла яқин келди.

Газетага ўроғлиқ нарсани очиб, иккита кичкина пластмасса стакан, тўрт-бешта шоколад конфет олди-да, шишани очишга киришди.

— Сувга солмайсизми? — деди Азимжон дарров ичкиликни бошлашдан ғаши келиб. У ичишни кўп ҳам ёқтирмас, давраларда мажбур бўлганидан бир-икки қадаҳ ичарди.

— Совисин, демоқчимисиз? — Файзулла шишани чаққон очаркан, мамнун кулимсиради. — Ўзи совуқ, машинанинг холодильниги бор.

— Шунақами? — Азимжон стаканни қўлига олиб, бир зум индамай қолди. — Машинангиз буюрсин, — деди жилмайиб.— Рангини ҳам зўридан танлабсиз.

— Кучли машина, — деди Файзулла конфетдан газак қиларкан, кўзлари сузилиб. — Мотори зўр.

Азимжон кеча ўзи билан Гулчеҳра ўртасида бўлиб ўтган гапни беихтиёр эслади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Машина олиш ҳазил гапмас, — деди ўйчан оҳангда.

Файзулланинг авзойи негадир бузилди. Қошини чимириб қўлидаги конфет қоғозини думалоқлаб улоқтирди.

— Ҳа, ҳазил гапмас, — деди ўз стаканига коньяк тўлатиб. — Бу ҳам қайнағамнинг пулига келган. Менинг улушим оз.

Азимжон Нозиманинг акаси кўмир омборида ишлашини эшитган эди. Қайнағаси олиб берган экан-да... Кўмирнинг ўзи қора бўлсаям машинаси оқ бўларканда...

— Нега куласиз?

Азимжон бошини кўтариб қаради-ю, Файзулланинг тикилиб турганини пайқади. Боя машинада Нозима «Радионн ўчиринг» деб жеркиб берганида, Файзулланинг юзида қандай маъюслик пайдо бўлган бўлса, ҳозир ҳам ўшандай бир ифода бор эди.

— Нега куларканман?! — деди Азимжон жиддият билан. Кейин ўзини ўзи койиди: «Ким олиб бергани билан нима ишинг бор!»

Файзулла стаканларга яна коньяк қуя бошлади.

— Мен ичмайман! — деди Азимжон кескин бош чайқаб. — Сиз ҳам ичманг, рулдасиз.

— Ҳеч нима қилмайди!— Файзулла яна ичди. Негадир кўзлари дарров қизариб, бурни қисилиб кетди.—Мен бировдан қарздор бўлиб қоладиган бола эмасман, шуни билиб қўйинг.

— Нега қарздор бўларкансиз? Аввало қайнағангиз ўз акангиздай одам. Қолаверса, ишингизни ёқлаб олдингиз... Ҳаммаси яхши бўлиб кетади.

Азимжон бу гапни сидқидилдан айтди. Аммо Файзулла унга қошини чимириб, шубҳаланиб қараб қўйди. Негадир яна стаканни тўлдирди.

— Бўлди! — деди Азимжон стаканни кафти билан ёпиб. Файзулла унинг қўлини силтаб ташлади. «Тез айнар экан», деб ўйлади Азимжон ундан кўз узмай.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ўзи ҳам диссертацияни ёқлагунимча, домлам мана бу еримга олиб келди-да! — Файзулла икки бармоғи билан томоғини бўғиб кўрсатди.

— Қилдирмаган иши қолмади. Участка қурди. Эшакдек ишладим. Пойдевор қуйишдан тортиб, лўмбоз босишгача мени текин мардикор қилди. Қизини узатаётганида: «Гарнитурга қарашиб юборасиз» деди. «Пулнинг чўғи йўқроқ», десам, ишимни бир ярим йил пайсалга солиб юрди. Уйига меҳмон келса ҳемири бермай бозорга ғизиллатади. Тағин «Арман коньягидан бўлсин», дейди. — Файзулла бир зум тўхтаб яна ичди. Сузилган кўзларини Азимжонга тикиб, негадир кулди.—«Москвичи» бор эди. Қайси детали синса менинг гарданимга! Ҳаммасини қилдим. Ҳаммасини!..— Файзулла энди шанғиллаб гапира бошлади.— Фақат домланинг ич кийимини ювиб бермадим, холос. Шундан бошқа ҳаммасини қилдим. Аммо ўзини ҳам бопладим. Ишим тасдиқланган кундан бошлаб саломни ҳам йиғиштириб қўйдим. Энди бошқа аҳмоғини топсин. Меники расчёт!

Файзулла ҳамон шанғиллаб гапирар, қўлларини силкитиб қўяр, аммо Азимжон унинг сўзларини эшитмас, тўғрироғи, эшитишни истамас эди.

Энди Азимжоннинг кайфиятидаги бояги тетиклик йўқолган, нариги соҳилдаги ёнғоқнинг оқиш-силлиқ танаси ҳам, туёқ излари ҳам кўзига аллақандай ғариб кўринар эди. Ҳозир рўпарасида ўзи ҳурмат қилган одам эмас, олим эмас, майда, бачкана бир кимса турарди.

— Сиз нега бу гапларни менга айтяпсиз? — деди у ниҳоят бўғилиб.

— Нега?! — Файзулла қизарган кўзларини унга тикди. — Энди мен бировдан қарз бўлиб юрмайман, демоқчиман. Машинанинг ҳақини ҳам тўплайман, хоҳлаган нарсамни оламан, демоқчиман! Диссертацияни осонликча ёқлаганим йўқ, демоқчиман. Энди тушундингизми? Кўтаринг!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Азимжон ярим стакан коньякни ҳамон қўлида ушлаб турганини энди пайқади. Бир лаҳза иккиланиб турди-да, ўт устига сепиб юборди.

— Ичкиликка тобим йўқ, — деди Файзуллага қарамай.

— Қадрини билмас экансиз. Бунда гап кўп. Ичкилик деганни...

— Менга қаранг, — деди Азимжон унинг гапини бўлиб.— Сиз диссертация ёқлаб фанга қандай янгилик олиб кирдингиз?— у Файзулланинг пирпираб турган кўзларига қаттиқ тикилди.— Фақат ростини айтинг.

Файзулла конфетнинг қоғозини очар экан, ҳиринглаб кулди:

— Янгилиги борки, диссертация дейилади-да!

— Мен сиздан ростини сўровдим, — деди Азимжон хотиржам оҳангда. Файзулла конфет чайнашдан тўхтаб, унга жиддий қараб қолди. Кафтининг орқаси билан оғзини артди. Лаблари учганча кўзини қисиб, тез-тез гапира бошлади:

— Агар диссертацияни ёқлаётганларнинг ҳаммаси фанга янгилик олиб кирганида, одамлар аллақачон Марсни узиб олишган бўларди. Баъзан шунақа одамлар учрайдики, қобилияти бўлса ҳам, бўлмаса ҳам диссертация ёқлаб олишни кўзлайди. Биласизми, нега?— Файзулла Азимжоннинг тепасига келиб қўлидаги стаканни силкитганча таъкидлади. — Шунинг учунки, бир куни ишим орқага кетганида, барибир икки юз сўм ойлигим тайин бўлади-ку, дейди. Домласи ҳам шунинг учун унинг бурнини ишқаб, ўз фойдасига эшакдай ишлатади.—Файзулла кўзларини қисиб, қаттиқ пишқирди:

«Ўзинг кимсану, сени паноҳига олган домланг ким бўларди! — деб ўйлади Азимжон ғижиниб. — Яхши олим бўлса, қобилиятли шогирднинг бошини силамасмиди?!» У кўзларини юмганча, бир лаҳза ўйга толди. Фар-

www.ziyouz.com kutubxonasi

мацевтика институтида ўқиб юрган кезлари ўзига сабоқ берган домлаларини эслади. Наҳотки, улар ҳам шунақа одамлар бўлса? Олим Собитович деган кекса бир профессор бўларди. У студентлар дарс тайёрламаса ҳеч койимас, фақат битта гапни кўп такрорлар эди. «Илмга хиёнат қилиш, ота-онага хиёнат қилишдан оғир гуноҳ. Негаки, илм тараққиётга хизмат қилади. Тараққиёт йўлини тўсган одам — энг қабиҳ одам...»

Бу гап болаларга ёд бўлиб кетган эди. Ҳозир ҳам Азимжон шу сўзларни эслади. Тепасида эгилиб турган Файзулла кўзига яна ҳам ғариб, хунук кўриниб кетди.

— Дуруст,— деди юзини ўгириб,— фанни даромад манбаига айлантириб олибсиз.

— Битта менми?— Файзулла ҳиринглаб кулди.— Бунақа кандидатлардан яна қанчасини топиб берай?

Азимжон шошилиб туфлисининг боғичини бўшатди. Наридан-бери ечинди-да, анҳорнинг чуқур-саёзлигини ўйлаб ҳам кўрмай, сувга тушди. Анҳор саёз экан, белидан келди. Сув секин оқаётгани учун Азимжон илиқ бўлса керак, деб ўйлаган эди. Йўқ, муздай экан. Оёги юмшоқ, силлиқ лой қоплаган ўзанга ёпишди.

Файзулла ҳамон шишани чангаллаганча қирғоқда унга тикилиб турарди.

— Эҳтиёт бўлинг, оёғингизни шиша-пиша тилмасин,— деди у меҳрибончилик қилиб.

Азимжон яна бир бор кўз кўзга тушса унга оғир гап айтиб юборишини билиб, сувга шўнғиди. Боя сувга тушганида бадани увушиб турган эди. Ҳозир жуда ёқимли туюлди. Анчадан кейин бошини кўтарди. Файзулла эллик қадамча нарида, қирғоқда ивирсиб юрарди.

Азимжон сувдан чиқди. Файзулла ҳамон ўша жойда чўнқайиб ўтирар, чамаси қармоққа ўтказиш учун чувалчанг қидирар эди. Азимжон бир лаҳза иккиланиб турди-да, кейин бедазорни четлаб ўтиб, машина турган жойга келди. «Жигули» ўрнидан жилган, чамаси ҳали мотор гуриллаганида, Файзулла уни салқинроқ жойга жилди-

www.ziyouz.com kutubxonasi

риб қўйган эди. Очиқ эшикдан ўриндиқда ухлаб ётган Шуҳратнинг оёқчалари кўриниб турарди.

Шолчадаги кўрпача устида похол панамаси билан юзини тўсиб оппоқ сонларини офтобга тоблаганча Нозима ётар, унинг бош томонида Гулчеҳра бедадан чамбар эшиб ўтирар эди. Азимжон бостириб бормаслик учун йўталиб қўйди. Гулчеҳра бурилиб қаради. Нозимани туртди шекилли, у эринибгина ўрнидан турди. Азимжон яқин келди-ю, шолча атрофидаги аллақанча беда майдони пайҳон бўлиб кетганини кўрди. Нариоқда ярми қизил, ярми кўк каттакон резина копток ётарди.

— Вой, чўмилдингизми? — деди Гулчеҳра эрининг сочи ҳўллигини кўриб.

Азимжон индамай бош силкиди.

— Мен кетаман! — деди совуқ оҳангда.

Иккала дугона ҳайрон бўлиб баравар сўрашди:

— Вой, нега?

Азимжоннинг ёлғон гапиришдан бошқа чораси қолмади.

— Эсимдан чиқибди. Бугун аптекада навбатчи эдим.

— Шошманг, сизни обориб ташлайдилар, — Нозима ўрнидан туриб ҳозиргина Азимжон келган томонга— — боғ этагига қаради.

— Йўқ, йўқ — деди Азимжон шошилиб, — Файзулланинг ҳозир кайфи бор. Мен ўзим етиб оламан.

— Гули қолади, а? — Нозима бир Азимжонга, бир дугонасига қаради. Гулчеҳра ҳам иккиланиб гоҳ Нозимага, гоҳ эрига қараб турарди.

Азимжон хотинига ҳозир ҳамма гапни тушунтириб ўтириш мумкин эмаслигини билгани учун қўл силтаб қўя қолди.

— Майли.

У катта йўлга чиқиб олганида кун қизиб кетган эди. Йўлдан қайноқ ҳовур кўтарилар, аксига олиб, кафтдек соя жой йўқ эди. Машиналар тўхтамай ўтиб кетаверди. Азимжоннинг тоқати тоқ бўлиб, энди пиёда юра бош-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лаган эди, бир «ЗИЛ» самосвали нарироққа ўтиб пишиллаб тўхтади.

* *
*

Гулчеҳра кечқурун уйга қайтди-ю, диванда оёғини чалиштириб ётганча, телевизор кўраётган Азимжонга кўзи тушиб ҳайрон бўлди.

— Ҳа, навбатчилигингизга бормадингизми?

— Йўқ, — Азимжон қовоғини солди... — Сиз ҳам энди бормайсиз.

Гулчеҳранинг бир кундаёқ қорайиб улгурган лўппи юзларида савол аломати пайдо бўлди:

— Қаёққа?

Азимжон боши билан имо қилди:

— Ўша ёққа.

Гулчеҳра қошини чимирди:

— Ғалати одамсиз. Ўзингиз ололмайсиз, бировникини кўролмайсиз.

— Ҳа, мен шунақа бахил одамман!

Гулчеҳра Азимжоннинг товушидаги совуқ ғазаб оҳангини сезиб, тепасига келди.

— Нима бўлди ўзи?

Азимжон индамай хўрсиниб қўйди. Гулчеҳра унинг кўзларига тикилиб қаради-да, нигоҳида ғазаб аралаш чуқур изтироб кўрди. Хато қилганини, нотўғри гапириб юборганини билиб, ўзидан ғаши келди. Азимжоннинг сочлари тўзиб кетган бошини кафтига олиб, кўксига босди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

УЛОҚ

«Биз — ер фарзандимиз» туркумидан.

Эрта билан туриб айвонга чиқсам, ҳамма ёқни оппоқ қор қоплабди. Кечаси бутун қишлоқ жимжит бўлиб қолгани, итлар акилламагани, шифер томдан тушаётган ёмғирнинг шовиллаши тўхтагани шунинг учун экан. Айвоннинг пастак томида узун-узун сумалаклар осилиб турарди. Ҳавода ҳамон паға-паға учқунлар эринибгина айланади. Шифер томлар ҳам, тошдан тикланган паст-баланд деворларнинг усти ҳам, шохлари эгилган дарахтлару тутун бурқсиб турган мўрилар ҳам оппоқ. Борлиқ ўзининг майин сукунати билан бор жонзотни йўргаклаб ташлагандек. Фақат эгри-бугри кўча бўйлаб тушиб қолган излар қишлоқда тонг ҳаёти бошлаганидан дарак беради. Аллаким қишлоқ этагидаги булоқ бошига сув олиш учун кетган бўлса керак, изи тушиб қолибди.

Кеча тоғлар қўл чўзса етгудек жойда эди. Энди эса қор пардаси орқасида қолибди. Ҳовли бурчагидаги ошхонада костюмчан бўлиб олиб гурсиллатиб ўтин ёраётган мезбон — Ваҳобжон ака бурилиб мени кўриб қолди-да, болтани ташлади. Тош териб ётқизилган, ҳозир устини қор босган йўлкадан сирғана-сирғана айвон томон юрди. Ердан бир ҳовуч қор олди-да, қўлини, кейин юзларини ишқаб ювди. Бир зумда қорамағиз юзи қизариб кетди. Кўзларидан ўт чақнаб қичқирди:

— Ювининг қорга, маза қиласиз!

Юзимга қор ишқашим билан ловиллаб ёниб кетгандек бўлди.

— Бугун зўр улоқ бўлади, томоша қилмаймизми?— деди Ваҳобжон ака ҳовур кўтарилиб турган юзини сочиқ билан ишқалаб артаркан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳар қандай одамда ҳам гўдаклигидан қолган бир одат бўлади. Ёш бола ўзи билмаган нарсага қанчалик қизиқса, кап-катта одам ҳам шунчалик интилаверади.

Улоқни эшитдимму, типирчилаб қолдим. Тезроқ улоқ бўладиган майдонга боргим, отлар дупури, чавандозларнинг ҳайқириғини эшитгим келди. Умрида улоқ кўрмаган одамга қизиқ-да.

Чой устида ҳам гап бошдан-оёқ улоқ ҳақида бўлди. Бир уй одам худди футбол ишқибозларига ўхшаб қизишиб, тортишарди.

— Эшитдингми, Пскентда бир йигит отини «Волга»га алишмапти.

— Баракалла! Нима, алишиб, эсини ебдими! Ҳақиқий чавандоз отини бировга раво кўрмайди.

— Шокирвойнинг отини кўрдингми, осмонга сапчийди жонивор.

— Қўйсангиз-чи, гижинглагани бир пул! Кўрдим, бўйни узун бўлгани билан илиги тўқ эмас.

— Кўрармиз, ҳали нима бўлишини!

— Йўлдошвой тўғри айтади. Боши япалоқ от улоққа ярамайди.

Гангир-гунгур гап билан чой ҳам охирлади. Меҳмон деб сийлашди шекилли, Йўлдошвой деган хушмўйлов йигит ўз отини берадиган, уни тоғ тепасидаги адиргача мен миниб борадиган бўлдим.

Ҳовлига тушдик. Қор тинибди. Яқин-яқиндаги тоғлар ўзининг кул ранг ўнгирлари билан кўзга яққол чалинади. Чўққилар бошига ҳамон қор ёғаётган бўлса керак, тутаб ётибди.

Зум ўтмай Йўлдошвой кўзлари чақнаб турган, пешанасида юлдуздек қашқаси бор қоп-қора отини етаклаб келиб қолди.

Ҳовлига кириши билан от сапчиб кишнаб юборди. Депсиниб пишқира бошлади.

— Келаверинг, меҳмон! — деди Йўлдошвой жиловдан маҳкам тутиб.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сузишни билмайдиган одам ҳайқириб оқаётган сой устидаги лопиллаб турган яккачўпга қандай оёқ қўйса, мен ҳам отга шундай хавотирда ёндошдим. Яқинлашишим билан от шундай сапчидики, дарров жиловидан қўлимни ола қолдим.

— Қўрқманг, ўзи сал асоврок,— Йўлдошвой жиловни маҳкам тортиб, жилмайиб қўйди. Бу гап «олиб қочса мен жавоб бермайман», дегандек эшитилди-ю, улоқ майдонигача пиёда бормоқчи эканимни айтдим.

Боядан бери тагига қор уюб қўйилган олма дарахти ёнида турган Сарсенбой ака деган сийрак соқол қирғиз киши энди гапга аралашди.

— Менинг отимни олинг, жуда ювош.

Бирпасдан кейин у каттакон кўкиш-кул ранг отни етаклаб келди.

— Исми Кўктой,— деди у жиловини қўлимга тутқазиб.

От чиндан ҳам ювош экан. Ким миняпти, деб қайрилиб ҳам қарамади. Фақат мудроқ кўзларини ярим очиб қўйди.

Йўлдош чавандоз билан кетма-кет йўлга тушдик. Қора жийрон учишга қанот тополмай елиб кетяпти. Кўктой бўлса эринибгина қадам ташлайди. Ҳадеб ниқтайверсанг, «уриниб нима қиласан», дегандек пишқириб қўяди.

Қир ошишимиз билан ажойиб манзара намоён бўлди. Олисда Оҳангарон шаҳрининг узун мўрилари, шаҳарни кўмир кони билан боғловчи электровоз излари, довонга чўзилиб кетган қора тасмадек асфальт йўл, пастдаги қишлоқ — бари қор остида мудрайди. Юқорида эса виқорли тоғлар.

Бирдан олдинда кетаётган қора жийрон қаттиқ кишнаб ўзини отди-ю, елдек учиб кетди. Қир ортидаги адир томондан бошқа бир от жавоб қилди. Адир одамга тўлиб кетган, саксон-тўқсон чоғли отлиқлар уймалашиб турибди.

Айни вақтида етиб келибмиз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ҳозир улоқни олиб келишади, — деди тўдадан кимдир.

Йўлда тизза бўйи қор кечиб келгандик. Бу ерда бутун майдон от туёқларидан текисланиб кетибди. Беқасам чопон кийиб, телпагини бостириб олган болакайлар қорбўрон ўйнайди, кураш тушади. Успиринлар уларни койиган бўлади-ю, зум ўтмай ўзлари ҳам бир-бирини думалата бошлайди. Қий-чув, кулги, аския.

— Олиб келяпти! — деган ҳайқириқ эшитилди.

Қир этагида алланимани ёнбошида осилтириб келаётган отлиқнинг қораси кўринди. Бирпасда терлаб кетган от майдон ўртасига етиб келди. Отлиқ ҳамманинг кўз ўнгида тарғил улоқни ерга ташлади.

Боядан бери отини силаб-сийпаб турган чавандозлар ҳаракатга тушиб қолишди. Яқингина жойда турган оқиш кул ранг соқолли чол бир жуфт кулчани қийиқчага ўраб, белига боғлади. Атрофдагилар секингина пичирлашди.

— Нон балодан асрайди, қувват бўлади.

— Отанинг билгани-билган, йиқилса нон кўтаради.

Шундан кейин ҳеч нимани кўриб бўлмай қолди. Ўнларча отлиқ улоқни ўраб олди. Кейин кимдир улоқни олди шекилли, қий-чув бўлиб кетди.

Бир оздан кейин сариқ жийрон майдонни айланиб томошабинларга яқинлаша бошлади. Шу пайт худди ўша чол улоқни тақимига босиб келаётганини кўриб, ҳамма қарсак чалиб юборди. Ёшгина отлиқ йигит томошабинлар тўдасига яқин келганда чолга етиб олди. Кекса чавандоз хавфни сезиб, улоқни шартта кўтарди-ю, бошқа тақимига олмоқчи бўлганда йигит маҳкам ёпишди. Аммо қариянинг тажрибаси устун келди. У отнинг жиловини четга тортди. Йигит улоқни қўйиб юборди. Шунда бутун оломон бир қалқиб тушди. Ҳаммаси бир зумда бўлиб ўтди. Улоқ отнинг олдинги оёғига теккан бўлса керак, от мункиб ўн қадамча нарига бориб йиқилди. Лекин кекса чавандоз аллақачон узангидан оёғини чиқариб улгурган эди. Бир лаҳзада қорини қоқиб, ирғиб турди-да,

www.ziyouz.com kutubxonasi

отига югурди. От ҳам пишқириб ўрнидан туриб кетди. Икковлари яна тўдага урилишди.

Шу тобда ҳамма бир ҳаяжонда нафас олар, ҳаммасининг томирида ғайрат қони жўш урарди. Шундоққина олдимиздан терлаб кетган саксон чоғли от кишнагунча, дупур-дупур қилиб учиб ўтар, чавандозлар ҳайқирар, қамчи қарсиллар эди. Фақат Кўктой ҳамон мудрарди. Тушсам қайтиб минишим мушкуллигини билганим учун эгарда қимир этмай ўтирибман. От бўлса пинагини ҳам бузмайди. Улоқчи шерикларининг кишнашига қайрилиб қарамайди. Тавба, шунақаям танбал от бўладими!

Ёнимда Сарсенбой ака турганини анчадан кейин сездим. Қишлоқдан энди келган бўлса керак. Чопонини ечиб, чийдухоба кўйлакда қолибди. Белини маҳкам боғлаб олган. У улоқчилардан кўз узмайди, янаям қисилиб кетган қийиқ кўзларида ўт чақнайди.

— Чопасизми?— дедим унинг ҳаяжонини кўриб.

— Майли,— деди у ҳам дарров.

Эгардан тушдиму жиловини тутқаздим. Шунда анчиқа ҳодиса рўй берди. Бирдан ўша мудроқ Кўктойнинг кўзларида худди эгасиники каби ўт чақнаб кетди.

Чавандоз узангига оёқ қўяр-қўймас ингичка, ҳаяжонли товушда ҳайқирди.

— Ҳа, жонивор!

От ғужанак бўлиб туриб, бир сакради-ю, беш газ нарига бориб тушди. Кейин кўз очиб юмгунча тўдага урилди.

Бир оздан кейин икки отлиқ тўдадан ажралиб чиқди. Тавба, қизил жийрон билан баб-баравар югуриб келаётган от ўша Кўктойми?

Лаҳза ўтмай чавандозлар томошабинлар тўдасига яқинлашди. Бошини танғиб олган ўрта яшар киши тишларини ғижирлатиб отини ниқтар, қамчи дастасидан тишлаб олган Сарсенбой ака эса жиловини бутунлай қўйиб юборган, икки қўллаб рақибининг тақими остидаги улоққа ёпишиб олган эди. Шу тобда у икки от ўр-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тасидаги кўприкка ўхшарди, ярим ётиб келарди. Кўктой югуриб борар экан, оёғи остига эмас, бурилиб улоқ-қа қарарди. Ниҳоят, у эгасининг улоқни маҳкам ушлаб олганига ишонч ҳосил қилди шекилли, шартта бурилиб терс томонга югура кетди. Ҳамма ёқни қий-чув, ҳайқи-риқ босиб кетди. Кўз ўнгимда бўлиб турган ҳодисага ақлим бовар қилмасди. Наҳотки, наҳотки, бу ўша Кўк-той бўлса?

Кўктой ҳаммани догда қолдириб, яна бир неча бор улоқни олиб чиқди. Сарсенбой ака бир неча марта улоқни Йўлдошвойга оширди. Кечгача майдоннинг тит-пити чиқиб кетди. Терлаган отлар, қизишган чавандоз-лар кун қандай кеч бўлганини сезмай қолдилар. Олис-олисларда қиш қуёши бир мўралади-ю, сувга тушган чўғдек ўчиб қолди. Қор босган ўнгирлардан совуқ из-ғирин эсганда, Кўктой яна бояги-бояги хотиржам қа-дамлар билан мудроқ кўзларини юмиб-очиб сўқмоқдан қишлоққа йўл олди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДАРД

Санталат ая хомуш уйғонди. Кун ёришиб кетган, дераза ортидаги куртаклари бўртиб қолган тол шохлари, худди биров атайлаб силтаётгандай шамолда кескин-кескин силкинар, аллақаерда мусича маъюс ку-кулар эди. Санталат ая патнис, мис самовар, қадимий гардиш чойнаклар билан безатилган токчадаги қўнғироқли соатга қаради. Етти бўлай деб қопти. У инқиллаб ўрнидан турди-да, намат тўшалган айвонга чиқиб, ғишт ётқизилган зинадан ҳовлига тушди. Атрофда гул иси кезади, баҳор ҳавоси мусаффо, илиқ. Кечаси қаттиқроқ шамол бўлган шекилли, ҳовли ўртасидаги каттакон ўрик гуллари дув тўкилибди. Этакдаги ошхонанинг шифер томи, ўрик остидаги икки бўйра жойда барқ уриб ётган пиёз устига оч пушти ранг тангачалар ёғилибди.

Мухторжон кузакда армияга кетиш олдидан кекса ўрик тагига шу пиёзни сепган эди. Ўшанда Санталат ая кулувди. «Сичқон сиғмас иннга, ғалвир боғлар думига... Кафтдай жойда деҳқончилик қилиб қаёққа борардинг, болам», деганди. Мухторжон бўлса, «Эрмак бўлади-да, сизга, кампир» деб кулиб қўйган эди. Билиб гапирган экан. Мана, қор эриши билан Санталат аяга эрмак топилди-қолди. Ёлғиз ўзи ўтириб-ўтириб зерикканида эрмак учун пиёз ўтайди. Саралаб-саралаб юлади, қўшниларга тарқатади. Юлган сайин бу ёқдан униб чиқаверади, жонивор.

Санталат ая йўлак бошидаги водопроводдан обдастага сув тўлдирди. Тошиб чиққан сув водопровод остидаги цемент ҳовузчага тўпланиб қолган ўрик гулларини оқизиб кетди. Санталат ая яна Мухторжонни эслади:

www.ziyouz.com kutubxonasi

мана, шу ҳовузчани ҳам Мухторжон ясаб берувди. Қўли гул бола-да, омон бўлгур... Отасиям шунақайди. Бутун маҳаллага донғи кетган дурадгор уста эди...

Шу гап Санталат аянинг хаёлига келиши билан нима учун боядан бери кўнгли ғаш эканини пайқади.

Қизиқ, шу кеча Мухторжоннинг отаси тушига кирибди. Неча йил илгари ўлиб кетган одам, келиб юрибди. Тағин ҳадеб кўча эшикнинг олдини супураётган эмиш. «Ҳой дадаси, кўча супураётганингиз нимаси, биров кўрса уят қилмайдими, деса ишдамасмиш».

«Тавба, нимага отаси безовта бўлиб юрибди, ё Мухторжонга бир нима бўлдимикан?!»

Санталат ая ўзининг хаёлига келган фикрдан чўчиб кетди. «Илойим ўзи паноҳида асрасин! Битта шу бола деб сўққабош ўтди, ахир».

...Ўгай ота-онаси уни ўзига ўхшаган етимгина болага узатишганида Санталат энди ўн саккизга кирганди. Ўзи қаттиқчилик билан ўсган эмасми, дарров рўзғорга киришиб кета қолди. Тилаб-тилаб олган қизалоқлари энди йўлга кирганда эри урушга кетди. Беш йил ваҳима-ю, хавотир билан ўтди. Санталат Қоратошдаги туғруқхонада кир ювувчи бўлиб ишлади. Ёлғиз овунчоғини ҳам худо кўп кўрди, қизи терламадан нобуд бўлди. Тағинам толеи бор экан: эри бирон ери тирналмасдан, эсон-омон қайтиб келди. Қаҳрини аямаган толе меҳрини ҳам аямайди, деганлари рост экан. Икки йилдан кейин мана шу Мухторжон туғилди. Эр-хотин қўш ҳўкиз деганларидай биргалашиб ишлаб, каталакдай бўлсаям мана шу ҳовлини сотиб олишди. Эрининг ўзи уста эмасми, бир уй, бир айвон қурди. Аммо бу сафар ҳам толе уларнинг қувончини кўролмади: бир куни эрининг ўлигини кўтариб келишди. Ҳавозадан тушиб кетибди.

Санталат дод солди, сочини юлди. Лекин начора, кўнди. Орадан ой ўтди, йил ўтди... У кўзга яқингина жувон эди. У ер-бу ердан совчи чиқди. Санталат кўнмади. Аввалига Мухторжон сал эсини танисин, бировга қа-

www.ziyouz.com kutubxonasi

рам бўлмасин, деди. Бола эсини таништандан кейин ўзи уялди...

Йўқ, бунга у афсусланмайди. Мухторжон битта бўлсаям ўнтага татийдиган йигит чиқди. Ахлоқли, одобли... Институтни битирди, инженер бўлди. Санталат ая энди орзу-ҳавас билан тўй қиламан деб турган эди ўғли армияга кетиб қолди.

Санталат ая Мухторжонга жуда суяниб қолган экан. Анчагача бир нимасини йўқотгандай бўлиб юрди. Ҳар сафар Мухторжоннинг хонасига кирганида ўғлининг дўпписигами, кўйлагигами кўзи тушади. Санталат ая кўйлакни бағрига босиб йиғлайди, денг... Уйга киришга юраги йўқ. Бир кунгли ўзи йигирма етти йил ишлаб пенсияга чиққан туғруқхонага яна борай деди-ю, ниятидан қайтди. Билмаган одам пенсияга қаноат қилмай яна ишга кирибди, демайдими? Дунёда энг позик юрак ҳам, энг чидамли юрак ҳам онаники бўлади. Санталат ая буниси гаям кўнди.

Мана, кўпи кетиб ози қолди. Эртага ёз ўтиб куз келса, қарабсизки, Мухторжон кеб турибди-да. Бир қарс-бадабанг тўй қилсинки!

«Илойим боши тошдан бўлсин!» деб қўйди у бет-қўлини артар экан. Ўзи билан ўзи овора бўлиб, кўча эшиги тақиллаганини эшитмай қолди шекилли, кимдир ҳалқани қаттиқ-қаттиқ қоқа бошлади.

— Ҳув,— деди Санталат ая йўлак томон юриб.— Келаверинг!

Пастак эшик очилди-ю, елкасига сумка осган почтачи хотин энгашиб ичкари кирди. У болонья плаш кийиб, бошига қизил дурра тангиб олганди. Санталат ая дарров таниди. Бу — бир вақтлар Мухторжонинг газетасини олиб келадиган татар жувон эди.

— Мухторжондан хат борми, Альфия қизим?— деди Санталат ая калишини судраб яқин бораркан.

— Юқ, телеграмма!— деди Альфия жилмайиб. Санталат ая юраги бир қалқиб кетди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Вой, нима деяпсан, айланай, қанақа дилгиром? — деди ранги ўчиб.

Альфия телеграмманинг қатини очиб, овоз чиқармай ўқиди-да, яна жилмайди.

— Иби, ўғлингиз киля икан, подвиходной куни.

Санталат ая барибир ҳеч нима тушунмади.

— Нимага келади? Тани-жони соғмикин?

Альфия уни юпатиб елкасига қоқди.

— Биспоконтся итмагиз. Отпускка киля икан. Заслужить итган олай.

Санталат ая бир лаҳза анграйиб турди-да, Альфиянинг у юзидан, бу юзидан ўпди. Димоғига арзон, аммо хушбўй атир ҳиди урилди. Бултур саккизинчи мартда Мухторжон ўзига олиб келган «Шарқ» деган атир эсига тушди. Ўшандан буён очилмай қутичасида турган эди.

— Шошма, ўргилай болам, шошма,— деди у телеграммани чангаллаганча югуриб. Бир лаҳзада уйга кирди-ю, тахмондаги тўйга атаб тикилган атлас, духоба кўрпаларнинг ёнбошига яшириб қўйган атир қутисини олиб, яна ҳовлига тушди.

Альфия водопровод тутқичини ўйнаб турарди.

— Хушхабар обкелган оғзингдан айланай,— деди Санталат ая атирни узатиб.— Олмасанг хафа бўламан. Мухторжон келганда албатта меҳмонга келгин, онанг гиргиттон!

— Ийя, курябсиз,—Альфия суюнчи атирни иккиланиб олди.

Санталат ая Альфияни кузатди-ю, яна ҳовлиқиб уйга кирди. Яхши тушунмаса ҳам телеграммани қайта кўздан кечирди.

«Шанба куни келса, бугун сешанба... Чоршанба, пайшанба, жума... яна уч кун бор экан. Қаранг-а, бежиз туш кўрмаган экан-да. Мухторжон келар эканки, отаси йўл очиб юрган экан-да».

Санталат ая ўзини қўярга жой тополмай яна ҳовлига тушди, кўчага чиқди. Тошлоқ тор кўчанинг у юзидаги

www.ziyouz.com kutubxonasi

кўк эшикни бир-икки тақиллатди-ю, эсига тушди. «Хайрибиби эгачисиникига келин тушарга кетувди-я... Рисолат уйдамикан?» У нарироқдаги жимжимадор дарвоза томон юрди. Етиб бормасиданоқ дарвоза биқинига ўрнатилган эшик очилди-да, папка кўтарган, галстук таққан бола чиқди. Салом берди.

— Ваалайкум ассалом, мулло бўлинг, Асаджон, — деди Санталат ая меҳри ийиб.— Ойинглар уйдамилар?

— Бугун сменалари-ку, Пошшабувн, — деди бола бир зум тўхтаб.

Рисолат касалхона ошхонасида ишлайди. Кун ора ишга боради. Бугун сменада экан-да...

— Мухторжон аканг келяпти, ойингларга шуни айтмоқчийдим, — деди Санталат ая.

Бола қувониб кетди.

— Ура! — деди бақириб. — Келсалар ременларини менга берасиз-а?

— Албатта, болам, албатта.

Санталат ая тошлоқ кўчада ирғишлаб-ирғишлаб бораётган боланинг кетидан қувониб қараб қолди. Зум ўтмай қизалоғини етаклаган ёшгина жувон унинг олдидан салом бериб ўтди. Боласини боқчага олиб бораётган бўлса керак. Яна икки йигит шоша-пиша ўтиб кетишди. Уларнинг кўчаси ҳар куни эрталаб шунақа гавжум бўлади. Ҳамма ўзининг юмушига шошади. «Хайрибиби йўқ. Рисолат ишда. Қаёққа борса экан!..»

У яна ҳовлига қайтиб кирди. Гуллаб ётган ўрикка, жўмрагидан сув томчилаётган водопроводга, цемент ҳовузчага тикилиб турди-да, тўсатдан хаёлига ғалати бир ўй келди. «Беш-олти боғ пиёзни Пастбозорга олиб тушсачи? Икки қадам жой бўлса. Гап пулдамас. Ҳарна, одамларни кўради, гаплашади. Баҳонада Мухторжонга у-бу харид қилади. Пенсиясидан Мухторжоннинг туфлисига атаб ўттиз икки сўм ажратиб қўйган. Эртага отпускага келса, этик кийиб юрмайди-ку.

www.ziyouz.com kutubxonasi

У шоша-пиша ишга киришди. Текис-текис пиёзларни саралаб юлди. Цемент ҳовузчада яхшилаб ювди. Кейин қазноқдаги узун михга илиқлик турган, қурум босган саватни олиб, униям латта билан совунлаб ювди. Пиёзларни катта-катта қилиб боғлаган эди, йигирма икки боғ чиқди. Саватга солиб, йўл-йўл қизил дастурхонга ўради. Кексалик қурсин, икки қадам наридаги бозорга етгунча ичи узилиб кетди. Саватни гоҳ бошига олади, гоҳ қиррасини биқинига тираб кўтаради. «Ўлсин, нима зарил эди», деб қўяди ўзича афсусланиб. Аммо Мухторжон отпускага келаётгани, бу хабарни одамларга айтиш зарурлигини ўйлади-ю, яна кўнглини қувонч ёритди. Қадамини тезлатди.

Кўкат бозорда одам тумонат. Санталат ая саватини пештахтанинг бир чеккасига қўймоқчи эди, редиска сотаётган жувон бобиллаб берди.

— Вой, манави кампирни қаранглар, мани олдимни тўсиб қўйди!

Нарироқда туршак сотиб ўтирган чол Санталат аянинг бўшашиб қолганини кўриб маслаҳат берди:

— Менга қаранг, сингил, бозорга киравериштаги майдончада сотмайсизми? У ердаям одам гавжум.

Чол тўғри айтган экан. Санталат ая гавжум майдончанинг бир чеккасидаги харсанг тош устига ўтирди. Тош атрофида писта пўчоқлари, мороженое қоғозлари ётган экан. Калиши билан суриб тозалаган бўлди. Кейин пиёзнинг устини очиб қўйди. Аммо орадан анча вақт ўтдиямки, унинг пиёзини биров сўрамади. Аксига олиб, Санталат аянинг гапини эшитадиган бирорта таниш одам йўқ. Санталат ая энди зерика бошлаган эди, шундоқ қулогининг тагида таниш овоз эшитилди.

— Тирикчилик дардига тушиб қолибсизми, Сантал хола!

Санталат ая бошини кўтарди-ю, тепасида турган Бонуни кўрди. Маҳаллада Бонуни танимайдиган одам йўқ. Эри уч қаватли магазинда ишлайди. Машинаси бор.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бултур пишиқ ғиштдан участка қуришган. Ҳар тўкисда бир айб бўларкан-да. Бечораларнинг фарзанди йўқ. Шундоқ-ку, лекин Бону жуда катта оғиз хотин. Бойвучча-да. Ҳозир ҳам ялтироқ кўйлак устидан: қимматбаҳо жемпер кийиб олибди. Қўша-қўша олтин билагузук тақилган қўлида катта сумка. Нима бўлгандаям Санталат ая таниш одам учраганидан қувониб кетди. Мана энди боятдан бери кўнглини ҳовлиқтираётган янгиликни айтиб, Бонуниям суюнтиради. У пиқиллаб ўрнидан турди-да, Бонуни бағрига босиб кўришди. Энди гапиришга оғиз жуфтлаган эди, Бону ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, осмонга қараб қақиллаб кулди. Шунда тилла тиш тўла оғзидан туфук сачраб кетгандай бўлди.

— Мана, қариганингизда энди эсингиз кирибди, Сантал хола! Бозордан қолманг, бозордан! Бозорда ҳикмат кўп.

Санталат ая тилининг учида турган гапни айтди.

— Мухторжонингиз отпускага келяпти.

Шундоқ деди-ю, негадир бу хабар оғзидан ҳаяжон билан эмас, совуққина оҳангда чиқди. Нега шунақа бўлганига ўзи ҳам ҳайрон қолди.

— Ҳой, менга қаранг, хола, келинингизга атлас олиб қўймайсизми?— Бону унинг гапини эшитмагандай, бутунлай бошқа ёқдан келди. Кейин сирли бир нарсани айтаётгандай овозини пасайтирди.— Барибир келин қиласиз-ку, ўғлингиз бўйдоқ ўтмас ахир!

Санталат аянинг дили оғриди. Туфлига ажратиб қўйган ўттиз икки сўми эсига тушди.

— Вой, нега келин қилмас эканман, қани атласингиз?

Бону каттакон қора сумканинг занжирини суриб атласнинг бир учини чиқарди. Санталат ая дарров билди: яхши атлас, майда тароқли.

— Қанча экан бир кийимми?

— Юз ўттиз сўм! Пулингиз ўзингиз билан кетади. Асл мол. Атласнинг энг тозаси.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Магазинда ўттиз сўмдан ошмайди, дейишади-ку, Бону.

— Бунақа мол магазинга чиқмайди!

Бону тилла тишларини ярақлатиб яна кулди. «Кучинг етмаса чираниб нима қиласан» дегандай зарда билан сумканинг занжирини тортди.

— Ҳув анави сили-симённи кўряпсизми, Сантал хола?— деди у нарироқдаги тўдани кўрсатиб. Санталат ая Бону кўрсатган томонга қараб устидаги кўйлаги кафандек осилиб турган озғин, рангсиз аёлни кўрди.— Ўша-чи,— деди Бону кўзлари ҳасаддан ёниб,— кеча бир сумка лакерованний туфли сотди, ер ютгур! Обувной отделни бутунлай ўзиники қилиб олди, яшшамагур!

Боя Бону атласни кўрсатганида, кўзи тушган экан шекилли, қош-кўзи попукдай нозиккина қиз уларнинг олдига келди. Студент бўлса керак ихчамгина папка кўтариб олибди. Бону атласини чиқаргунча қиз папкасини тиззасининг кўзи билан туртиб-туртиб сабр қилиб турди.

«Мухторжонимга хўпам муносиб эканми?» деб ўйлади Санталат ая беихтиёр.

— Мана, бир юз қирқ беринг, тепкилаб-тепкилаб кияверинг!— Бону сумкасининг занжирини суриб атласнинг бир чеккасини қизга кўрсатди.

— Арзонроқ қилинг, опа,— деди қиз ялиниб. Унинг кўзлари жавдираб туришидан, шу атласдан жудаям кўйлак кийгиси келаётгани билиниб турарди.

— Бунақа атласни ҳеч қаёқдан тополмайсиз, оповси!

— Биламан,— қиз маъюс жилмайди.— Билганим учун сизга келдим-да, опа.

Санталат аянинг қизга раҳми келди.

— Арзонроқ бера қолинг, Бону, ўқувчи қизга ўхшайди. Савоб бўлар.

Бону унга қайрилиб ҳам қарамади.

— Ҳозир текинга мушук офтобга чиқмайди, оповси,— деди қиз томонга эгилганча бидиллаб.— Магазин-

www.ziyouz.com kutubxonasi

чилар анойими? Ўзимга нари борса беш сўм қолади. Нима қилай, тирикчилик экан, оповси! Бева бошим билан тўртта етимчани боқиб ўтирибман.

Санталат ая Бонунинг шунчалик ёлғон гапиришига ҳайрон қолиб, оғзи очилиб қолди. Бону эса ҳамон бидиллар эди.

— Аммо лекин-чи, синглим кўҳликкина қиз экансиз, ўзиям шу кўйлакни кийсангиз ёниб кетасиз-да. Ана ундан кейин кўрасиз, шайдоларингизни кўпайишини.

Қиз қизариб юзини ўгирди. Бону тилла тишларини ярақлатиб қақиллаб кулди. Лекин тўсатдан кулгиси кесилиб қолди.

Санталат ая нима бўлганини тушунолмай қолди. Бирпасда майдондагилар тумтарақай бўлиб кетишди. Санталат ая ўзига келганида Бону эллик қадамча наридаги дарахтзор ичида лапанглаб қочиб борар, уч қадамча нарида форма кийган йигитча турарди. Санталат ая қўрққанидан ўрнидан туролмай қолди. Йигит унинг тепасига келди.

— Шуям иш бўлдими, эна!— деди у қовоғини солиб.— Бозорда-ку, резавор растаси бор. Ўша ерга борсангиз ҳақингиз кетадими?

Унинг гап оҳангидан дағдағадан кўра койиниш кўпроқлигини пайқаб, Санталат аянинг кўнгли жойига тушди. Йигитчанинг аллақаерини Мухторжонга ўхшатди.

— Кўрмайсанми, болам,— деди куймаланиб.— Мухторжон отпускага келяпти. Шу дегин, болам тушмагур армияга кетмасдан олдин бўйрадаккина жойга пиёз сепган эди. Каллахонада турамиз. Шаҳар ҳовлида деҳқончиликни ким қўйибди бизга! Бошинг айланса, кетинг айланмайди. Ўтириб-ўтириб зерикдим. Қўни-қўшнилардан ортган пиёзни шу ёққа олиб тушувдим. Одамлар есин, буям баҳорнинг неъмати дедим-да, ўргилай. Аммо лекин сават кўтариб юрганимни кўрса, Мухторжоним хафа бўларди... Шанба куни келяпти, эшитдингми?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Вақтинг бўлса боргин, болам. Қаллахонадаги чойхона борку, худди шунинг биқинидаги ҳовли. Санталат ая десанг ҳамма танийди.

— Вой-бў!— формали йигит тоқати тоқ бўлиб, қўл силтади.— Бу ерда савдо қилиш мумкинмас, дедим-ку. Қани, кўтаринг пиёзингизни! Бўлмаса жарима тўлайсиз.

— Қўй, болам,— деди Санталат ая.— Шундан шу ёққа яна кўтариб юраманми? Ташлаб юбориш увол. Буям баҳорнинг бир неъмати дедим-ку. Майли, амаллаймиз.—У инқиллаб ўрнидан турди-да саватни дастурхонга ўради.

Формали йигит бирпас иккиланиб туриб, нари кетди. Санталат ая саватини бошига қўйди. Газ сув дўкони ёнида тутунга беланиб кабоб пишираётган баркашдай кабобпазнинг олдига борди.

Кабобпаз кир халатининг енгини қайириб, тутундан ачишган кўзларини артаркан, Санталат аяга иягини силкитиб имо қилди.

— Нечта қўяй?

— Кабоб керакмас,— деди Санталат ая, саватни дўкончанинг токчасига қўйиб.—Мана шу пиёзни кабобингга қўшиб тарқат.— У дастурхонини очди.

— Кабобни кўк пиёз билан сотиш не положенний.— Кабобпаз эски китоб муқоваси билан чўғни елпиди.

— Менга пулимас, савоби керак, болам. Мухторжон отпускага келяпти, эшитдингми!— Санталат ая пиёзларни кўра устидан ошириб узатди. Йигит бир лаҳза талмовсираб турди-да, пиёзни олиб алюмин патнисга солди. Халатининг чўнтагини титкилаб, ғижимланган бир сўмлик олди.

— Манг, кампир. Бизники таваррук!

Санталат ая индамай нари кетди. Шу ондаёқ бошидан тоғ ағдарилгандай енгил тортди. У қўлтиғига дастурхонини қистириб олган, енгиллашиб қолган саватни кўтариб келарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қизиқ, ҳозиргина тумтарақай бўлиб кетган майдонча бир зумда яна гавжум бўлиб қолибди. Тўданинг энг ўртасида турган Бонуни Санталат ая узоқданоқ таниди. У оғзидан чўғ сачратгудек бўлиб қақиллаб кулар, рўпарасида турган йигитга гап уқтирар эди.

— Магазинчилар ҳам анойимас, оповси! Ҳозир текинга мушук офтобга чиқмайди. Тўртта етимни деб...

Сал нарироқда эгнидаги кўйлаги кафандек осилиб турган озғин хотин қўлидаги бир пой туфлини силкитиб-силкитиб аллакимга кўрсатарди.

Санталат ая ўлакса талашаётган қузғунлар тўпига кириб қолгандай жирканиб қадамини тезлатди. Ҳамон бидиллаётган Бону, ялтироқ туфлисини силкитаётган қилтириқ хотин, костюмининг қўйни дўппайиб турган яна аллақандай одамлар олдидан ўтгунча нафаси қайтиб кетди. У илдам юриб борар, шу тобда кекса кўнглидаги бояги қувонч ҳам, Мухторжоннинг отпускага келишини айтиб, ҳамманн ҳайрон қолдириш истаги ҳам йўқолган, фақат бир нарсани — бу ердан тезроқ кетишни ўйлар эди. Бозор эса қизигандан қизиб борар, бу ердагилар ўз дарди — пул дарди билан овора эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

КЎПРИК

Хавонинг авзойи бузилди. Бошим устида энгашган чўққидан булутлар осилиб туша бошлади. Уфқда қизариб турган қуёш ҳам дарров кўз юма қолди.

Тоғлар бирдан ларзага келди, момақалдироқ... Зум ўтмай ҳамма ёқни қоронғилик қоплади-ю, шарилламатиб жала қуйиб берди.

Қишлоққа етишдан умидимни уздим. Бошпана излаб у ёқ-бу ёққа алангладим. Пастга қарадиму, вужудимга илиқлик югурди. Оёғимнинг таггинасида хира чироқ кўринди.

Улкан сандиққа ўхшаган қояни айланиб ўтиб, тўхтаб қолдим. Айқириб оқаётган ариқ шу ерда кескин бурилиб, тахта новдан шиддат билан пастга отиларди. Қўнқайиб турган пастак уйча дарчасида хира нур ўйнайди: тегирмон...

Оқариб кетган эшик ёнига келиб, иккиланиб қолдим. Худди менинг келишимни кутиб тургандек эшик очилди. Бошига чопон ёпиниб олган аёл чиқиб келди-ю, пастга қараб югуриб кетди. Шундагина унинг ёш қиз эканини англадим. Кетишни ҳам, қолишни ҳам билмай, анчагача туриб қолдим. Жала зўрайиб кетди. Эшикни тақиллатдим. Ичкаридан садо чиқмагач, эшикни итардим. Уйнинг ўртасида гулхан чирсиллаб ёниб турар, гулхан ёнида чўққи соқол чол ўтирарди. Олов чолнинг туртиб чиққан ёноқларига, бир-бирига туташиб кетган қуюқ қошларига нур сочарди.

Салом бердим. Чол чўчиб бошини кўтарди. Кўзларини хиёл қисиб, бошимдан-оёғимгача кузатиб чиқди. Истиҳола қилиб туриб қолдим. Чол секин ўрнидан қўзғолди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Жудаям ивиб кетибсиз-ку, меҳмон?

Уст-бошимга қараб уялиб кетдим.

— Ҳа... Ёмғирни кўрмайсизми...

Чол бошини сарак-сарак қилди.

— Ечинг кўйлакни, шамоллаб қоласиз...

...Чол топиб берган пахталик чопонга ўралиб олдим-да, каталакдек тегирмонни кўздан кечира бошладим. Аллақандай оғир, захкаш ун иси анқийди. Сув тинимсиз гувиллайди. Қизғиш тош гир-гир айланиб ун ялайди-да, охурчага пуркайди. Сувнинг шовиллаши ҳам, синчга наридан-бери ёпиштирилган гувалаклар ҳам аллақандай хаёлотга чорлайди кишини. Фақат узун михга илиб қўйилган яп-янги най эриш туюлди менга.

Чол дўлга буғдой ағдариб келди. Қайнаб турган қумғонни оловдан тортиб, чой дамлади.

— Қаёқдан сўраймиз, меҳмон.

— Геологман... Иш билан овора бўлиб кечроқ йўлга чиққан эдим...

Чол бошқа суриштириб ўтирмади. Чой қуя туриб бошини қимирлатиб қўйди.

— Рустамтошни булут ўрадими, сел келди деяверинг.

— Рустамтош?

— Ие, кўрмадингизми уни?— чол астойдил ажабланди.— Бу ерга келганлар Рустамтошни бир зиёрат қилиб кетмаса бўлмайди, ўғлим!

Икковимиз ҳам гулханга тикилиб қолдик.

— Рустамтош, Рустамтош... ҳеч эшитмаган экан-ман-да?

— Номи шунақа-да, асли ўзи чўпон бўлган у. Ўзимизнинг жўралардан эди.— Чол мункайиб олди. Ҳикоясини нимадан бошлашни билмагандек, узоқ жим бўлиб қолди... Енгига қўнган ун гардини қоқиб туширди.

— Бунга йигирма йилча бўлиб қолди. Ўша йили эрта кўкламда бир сел келди-ю, Томчисой тошиб, кўприкни олиб кетди. Бутун қишлоқни сел олса олсину кўприкка шикаст етмасин. Қишлоғимизни дунё билан

www.ziyouz.com kutubxonasi

боғлаб турган шу кўприк-да. Ҳамма ташвишга тушиб қолди. Бошқа вақт бўлса-ку, ҳаш-паш дегунча янги кўприк қуриб олардиг-а, лекин ўша сафар қўлимиз калталик қилиб қолди: қишлоқнинг манаман деган йигитлари урушга кетган, замон оғир...

...Чол арча шохидан синдириб ўтга ташлади. Оловнинг тили чўзилиб, пастак шифтга етай-етай деб қолди. Чол чуқур тин олди.

— Қари-қартанглар йиғилишиб, янги кўприк қурадиган бўлдик. Рустамнинг ўзи бош бўлди. Кексайиб қолган бўлса ҳам Рустаммисан Рустам эди-да, ўзиям. Томчисой қутуриб оқяпти-ю, парво қилмайди. Яктагини ечиб сой ўртасида туриб олганича йўғон-йўғон ходаларни узатиб тургани ҳали-ҳали кўз ўнгимдан кетмайди.

Ҳа-ҳув деб қош қорайганини ҳам билмай қолибмиз. Энди ишни тугатай деб турган эдик ҳамки, қишлоқ томондан сочлари тўзғиган хотин югуриб кела бошлади. Дарров танидим: Рустамнинг кампири. Аввалига сойнинг гувиллаши билан унинг овозини эшитмадик. Яқинроқ келиб юзтубан йиқилди. Базўр ўрнидан туриб, чўккалаб олганича зир титраб ҳайқирди.

— Ойинг ўлсин, болам! Ўн гулидан бир гули очилмаган бўтам...

Бир Рустамга, бир кампирига қараб қотиб қолдик. Аллаким воқеага тушуниб, қичқириб юборди:

— Рустам ота, ўғлингиздан қора хат кепти.

Рустам турган ерида бир қалқиди-ю, қаддини ростлаб олди. Тошдан-тошга ўтиб, секин қирғоққа чиқди. Кафтлари билан чаккасини қисиб олганича, узоқ ўтирди. Кўзларидан икки томчи ёш юмалаб тушиб, лабининг ёнида тўхтаб қолди. Назаримда бирданига кексайиб қолгандек бўлди... Аммо сир бой бермади.

Кўприк битгунча ўзи бош-қош бўлиб турди.

...Чол ўрнидан туриб кетди. Ўчай деб қолган оловга хомуш тикилди.

— Фалокат бир тикилса, қўймас экан. Икки ойдан

www.ziyouz.com kutubxonasi

кейин яна сел келди. Рустам билан шу ерда — тегирмонда ўтиргандик. Ўша кезлари у ўзини фақат най билан овутарди. Шу куни у айниқса узоқ чалди. Най Рустамнинг қайғусини сўйлаб берди менга.

Ярим кечада бирдан гумбур-гумбур бўлиб кетди. Рустам найни қозиққа илди-ю, кўчага отилди. Мен ҳам фонусни кўтариб кетидан югурдим. Аллақачон кўприкка етиб олибди. Сув қўпориб кетаётган ёғочларга ёпишиб олганича, ҳадеб сўкинарди. Ҳай-ҳайлашимга қарамай, кўприкнинг ўртасига кетиб қолди. Кейин мен уни кўздан қочирдим.

...Чол узоқ жимиб қолди. Чуқур уҳ тортди.

— Рустамнинг жасадини эрталаб сув оқизиб кетган харсангтош устидан топдик. Ўшандан бери юқоридаги чўққининг номи Рустамтош бўлиб қолди.

...Чолнинг юзида ўйнаётган шуъла сўниб борарди. Олис хотиралар адаштирдими, оловнинг ўчиб қолаётганини ҳам сезмади. Ўтин синдириб ташладим. Олов ловиллаб кетди. Чол жойига ўтирди.

— Уруш тугаши билан янги кўприк қуриб олдик. Рустамдан ёдгорлик бўлиб ана шу най билан набираси Диёра қолди. Қиз отасини ҳам, бобосини ҳам танимайди. Уч яшар гўдак эди, ўшанда. Бувисининг қўлида ўсди. Яхши фарзанд отанинг ўрнини босаркан. Диёрани ҳар кўрганда шуни ўйлайман. У ҳам отасининг, ҳам бобосининг ўрнини босди. Ақлли-ҳушли қиз бўлди. Мен билан ота-боладек бўлиб кетган. Ҳар куни ишдан кейин олдимга бир келиб кетмаса ҳисобмас. Шундай жалага қарамай ҳалиям келиб кетди.

...Чол қулт этиб ютинди. Ўйчан кўзларини найга қадаб тикилиб қолди. Қайта-қайта оғиз жуфтлаб охири кўнглимдагини айтдим.

— Найни чалиб кўрсам майлими?

— А?— чол гарангсигандек, ўрнидан турди. Инқиллаб юриб бориб, найни қозиқдан олди. Авайлаб қўлимга тутқазди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Чалинг ўғлим, «Чўли ироқ»ни чалинг...

Болалигимда ҳаваскорлар тўгарагига қатнашардим. Унча-мунча най чалардим. Аммо ҳеч қачон найни бунчалик берилиб чалмагандим. Най эмас, юрагимнинг ўзи куйларди назаримда.

Чолнинг кўзлари намланди. Тутилиб-тутилиб гапирди:

— Ўғлим... йўқ демаинг, ўғлим... Келаётган якшанбага Диёранинг тўйи бўлади, ўзингиз бош бўлинг. Тўйда бир жуфт машқ қилиб берасиз, хўпми?

Шу топда мен эртагаёқ Тошкентга — институтга етиб боришим зарурлигини ҳам унутдим...

— Хўп бўлади,— дедим қўлимни кўксимга қўйиб.

Чол ташқарига чиқиб кетди. Анчадан кейин бир қучоқ нам ўтин келтириб, гулхан ёнига ташлади. Этагини қоқиб чўккалади.

— Хайрият сел тинибди... Кўприкдан хабар олиб келдим... Бизлардан ёдгорлик бўлиб қоладигани шу кўприк-да, ўғлим! Рустамнинг навқирон ўғли, не-не йигитлар ҳақ иш йўлида қурбон бўлди. Биз ҳам ҳеч бўлмаса битта кўприк қурдик, дермиз-ку...

Чолнинг юзларига мулойим табассум югурди.

— Шундай қилиб тўй яқин денг-а?— дедим мавзуни ўзгартириб.

— Ҳа, тўй бирдан жўнашиб кетди. Қишлоғимизнинг докторига узатяпмиз Диёрани. Кун бўйи бошқаларнинг ишини йиғиштириб қўйиб, тўйнинг унини тортдим. Эргаш бригаднинг ўғли Йўлдошвой ҳам беш қоп буғдой ташлаб кетган эди. Уникиям қолди. Ҳали замон келиб қолса керак. Кўнгли олинадиган бўлди-да, боланинг.

— Йўлдошвойники шошилинч эмасдир-ку,— дедим чолни юпатиб.

Чол индамасдан охурчага йиғилган унни қопга солди. Кейин икковлон ташқарига чиқдик... Ҳаво очилиб кетибди. Янги ойнинг ингичка ўроғи тик чўққига сан-

www.ziyouz.com kutubxonasi

чилиб қолибди. Тоғ тепасида юлдузлар титрайди. Биров сон-саноқсиз фонусларни ёқиб эринмасдан чўққи устига илиб тушгандай.

Пастликдан сузиб чиқаётган бир жуфт ёркин нур кўзимга урилди-ю, эътиборим бўлинди. Чол менга бир қараб қўйди.

— Йўлдошвойнинг лўккавойи... Ранжимаса бўлгани...

Машина чироқлари ўнгирларни пайпаслаб кўтарилиб келарди. Мотор кучайиб-кучайиб тиниб қолди. Чироғи ўчди. Оқиш «Москвич»дан енги шимарилган кўйлак кийган йигит тушди. Мени кўрмай қолдими, эътибор бермадими, ҳайтовур сўрашмади ҳам. Тегирмонга қараб кетди. Чол ҳам кетидан кирди. Бир лаҳза эшик ёпиқда туриб қолдим. Ичкаридан чолнинг босиқ овози эшитилди.

— Хафа бўлмайсан, ўғлим, тўйнинг иши чиқиб қолди.

— Ие, тегирмон навбати биланми, ахир? Шунақа гап чиқишини билиб олдиндан ташлаб кетган эдим.— Йўлдошвой ингичка овозда кучаниб гапирар эди.

Ҳайрон бўлдим. Эшикни қия очиб кирдим.

Чол тегирмон дўлига буғдой ағдарар, Йўлдошвой қўлини белига тираб турарди.

— Шуям иш бўлди-ю,— деди у яна кучаниб.— Ваъда бергандан кейин бажариш керак-да.

Чолнинг ранги ўчди. Кўзларини асабий пирпиратиб, қараб қўйди-ю, индамади. Мен чидаб туролмадим:

— Ким билан гаплашаётганингизни биласизми?

Йўлдошвой бурилиб қаради. Энди кўраётгандек, киноя билан лабини буриб қўйди-да, юзини ўгириб тўнғиллади:

— Эрта билан келаман. Тўйнинг хизматидан кейин тағин битта-яримта кампиршонинг иши чиқиб қолмасин-да, бахтимга...

Йўлдошвой чиқиб кетди. Олов лоп этиб эшикка ин-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тилди. Чолнинг гувалак девордаги сояси титраб кетди. Секин бориб билагидан тутдим.

— Қўяверинг, ўзи сал хуноб бўлиб турган экан.

Чол ичида ҳеч нарса қолмаган бўлса ҳам охурчани қиртишлайверди.

— Йўқ, сал ҳавоси баландроқ чиқиб қолди, бу боланинг... Майли, нима бўлса ҳам омон бўлсин...

Ўша кеча яхши ухлаёлмадим. Эрталабга яқин кўзим илинибди. Чўчиб уйғондим. Чол қумғоннинг тагини кавлаштирарди. Чой ичиб кетинг, деб қиссашига қарамай, тўйга келишга ваъда бериб хайрлашдим.

...Чорак соатча юргач, шошилмасдан тоққа чиқиб келаётган нозиккина қизга дуч келдим. Сочини майдалаб ўриб, дурра танғиб олибди. Ихчам нимчаси бўртган кўксини қисиб турарди. Қиз уялди шекилли, сирғана-сирғана ҳали нами қочмаган тошларни босиб, сўқмоқдан четлаб ўтиб кетди. Кечаги қиз — Диёра шу бўлса керак, деб қўйдим. Бенхтиёр ўгрилиб қарадим. Қиз ҳамон шошилмай борар, ҳар қадам ташлаганда майда қилиб ўрилган сочлари бир текис елпинарди. Қизнинг боши узра олис-олисларга, баланд чўққиларга тикилиб қолдим. Энг юқорида, шундоққина қуёш остида Рустамтош қояси мағрур турибди. Сой ёқасида тегирмон. Тегирмон эшигида қўлини пешанасига соябон қилиб, чўққи соқол чол турибди. Яна ҳам қуйироқда қиз. У борган сайин чолга яқинлашади. Пастда эса ҳали тор соялари сурилмаган тошлоқ йўлда оқиш «Москвич» ўрмалаб келарди. Йўлдошвой! Ана, у кўприкдан ўтиб кетди. Қизиқ, у ҳозир ўзи устидан ўтиб кетаётган кўприкни кимлар қурганини билармикан?

www.ziyouz.com kutubxonasi

УРУШНИНГ СЎНГГИ ҚУРБОНИ

Шоикром айвон тўридаги сандал четида хомуш ўтирарди. Аллақачон баҳор келиб, кунлар исиб кетганига қарамай, ҳамон сандал олиб ташланмагани, аммо ҳеч ким бу тўғрида ўйлаб кўрмаганини у энди пайқагандай ғаши келди. Бўз кўрпа устидан ёпилган, шишни доғи қотган қуроқ дастурхон ҳам ҳозиргина гўжадан бўшаган сопол товоқ, банди куйган ёғоч қошиқ ҳам унинг кўзига хунук кўриниб кетди. Аммо бепарволик билан қўл силтади-ю, дўпписини сандал устига ташлаб ёнбошлади.

Ярим кеча бўлиб қолган, атроф жимжит. Фақат олисларда ит улийди. Айвон тўсинидаги узун михга илиғлиқ лампочка хира нур таратади. Чироқ атрофида ўралашган чивинлар бир зум тинмайди. Ҳовлининг ярмигача ариқ тортиб экилган қулупнай пушталари орасида сув ялтирайди. Онда-сонда ранг олган қулупнайлар кўзга ташланиб қолади. Қаёқдандир шамол келди. Ҳовли этагидаги ёнғоқ шохлари бир гувиллаб қўйди. Шоикром уйқу элита бошлаган кўзлари билан ўша томонга қаради-ю, тер ҳиди анқиб турган лўлаболишга бошини ташлади. Шу ондаёқ яна ўша товоққа, банди куйган қошиққа кўзи тушиб, тағин ғашланди. «Зиқна бўлмай ўл!— деб ўйлади хотинини сўкиб.— Азалдан қурумсоқ эди, замон оғирлашгандан буён баттар бўлди».

Ичкарида чақалоқ йиғлади. Бешикнинг ғирчиллагани эшитилди. Бола худди шуни кутиб тургандай, баттар биғиллай бошлади. Каттаси ҳам уйғониб кетди шекилли, қўшилишиб йиғлашга тушди.

Шоикром силтаниб қаддини ростлади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Овозини ўчир, Хадича!

Ичкаридан хотинининг бешикни муштлагани, зардали товуши эшитилди:

— Овози ўчса кошкийди! Тўққиз кечасида жин теккан бунга!

«Камбағалнинг эккани унмайди, боласи кўпаяди ўзи,— деб ўйлади Шоикром ижирғаниб.— Шу кунимдан кўра урушга бориб ўлиб кета қолганим яхшийди».

Уни урушга олишмади. Тўқимачилик комбинатида монтёр етишмасмиди, ё ўзи яхши ишлардими, ҳар қалай, уни олиб қолишди. Шоикром уруш бошланишидан сал олдин уйланган эди. Уруш бўлди-ю, замона ўзгариб кетди. Бир хил одамлар тирноққа зор. Унинг хотини бўлса, ёнидан ўтиб кетса ҳам бошқоронғи бўлаверади. Худо бергандан кейин ташлаб бўлармишми, деб кетма-кет учта қиз туғиб берди. Урушнинг қора қаноти узоқлаб кетган бўлсаям, эрта-индин Гитлернинг тўнғиз қўпиши кўриниб қолган бўлсаям, ҳамон унинг сояси одамлар бошига кўланка ташлаб турибди. Ҳали у қўшниникида аза очилади, ҳали бу қўшниникида.

Ҳовли этагидаги пастак эшик ғийқиллади. Шоикром кафти билан кўзини чироқдан пана қилиб қаради-ю, шу томонга келаётган онасини кўрди. У уйланганидан кейин отадан қолган ҳовлини ўртадан икки пахса девор олиб бўлишган. Бунгаям бир чеккаси Хадичанинг инжиқлиги сабаб бўлган эди. Ҳар хил икир-чикир гаплар чиқаверганидан кейин Умри хола рўзғоринг бошқа бўлса ўзингга қайишасан, деб уларнинг қозонини бошқа қилиб берди. Ўзи кичик ўғли Шонеъмат билан нариги ҳовлида қолди.

Ранги унниққан чит кўйлак устидан нимча кийиб олган Умри хола шарпадай унсиз юриб келди-да, яп-алоқ «мусулмон» ғиштдан ясалган зинадан айвонга кўтарилди.

— Ҳали ухламовмидинг?— деди у зинадан энкайиб чиқаётганида сурилиб кетган рўмолини қайта ўраб.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Кўрмайсизми, чақалоқ тинчимаяпти. Ўзим ҳидай чарчаганман.

— Бола бўлгандан кейин йиғлайди-да,— деди Умри хола юпатувчи товушда.— Ётавер, болам.— У яна ўша унсиз одимлар билан ичкари уйга кириб кетди.

Қайнана-келин бир бало қилиб, болаларни тинчитишди. Кейин икковлари бошлашиб чиқишди. Хадича бир қўлида чойнак-пиёла, бир қўлида зоғора нон келтириб, дастурхон устига қўйди.

— Чой ўлиб қопти,— деди у зоғора ушатаркан.

Умри хола Шоикромнинг ёнбошига, шапарак кўрпачага ўтирди.

— Ол ўзинг ҳам,— деди у томирлари бўртиб чиққан қўллари билан, сочилган увоқларни йиғиб оғзига соларкан. Шоикром онасининг бармоқлари тарс-тарс ёрилиб кетганини энди пайқади. Илгари ҳам шунақамиди, йўқмиди, эслай олмади.

— Овқатингдан қолмадими? — деди у чўккалаб ўтирганча чой қуяётган хотинига қараб.

Хадичанинг узунчоқ сарғиш юзи қизарди. Айбдордек маҳзун товушда узр сўради:

— Қолмовди-я.

Шоикром унинг қизарганидан ёлғон гапираётганини сезди. Ким билсин, эрталаб ўзига иситиб бериш учун шунақа деяётгандир...

— Йўқ, болам, овқат керакмас,— деди Умри хола шошилиб.— Хаёл суриб ётиб уйқум ўчиб кетди...— У бир лаҳза жим қолди-да, ўзига гапиргандай секин қўшиб қўйди.— Пайшанба куни Комил тайибнинг уйига борувдим. Ҳар куни наҳорга бир косадан қўй сути ичса, дард кўрмагандай бўлиб кетади, деди.

— Ҳозир қўй сути қатта,— деди Хадича.— Сигир сути отлиққа йўғу... Шу пайтда сигиримиз туққан бўларди-я.

Шоикром хотинининг гапини эшитмади. Бирдан унинг кўз ўнгида пастак дераза остида шифтга тикилиб ётган

www.ziyouz.com kutubxonasi

укаси жонланди. Бир ҳовлида туриб ўн кундан буён ҳолини сўрамаганига афсусланиб, ичидан хўрсиниқ келди. Шонеъмат Россиядан кўчириб келтирилган завод қурилишида ишлай бошлаганида уни урушга олишмаганидан Шоикром суюнган эди. Гап бошқа ёқда экан. Укаси сил экан. Шунинг учун қолдиришган экан. Мана, уч ойдирки, ерга ёпишиб ётибди.

Шоикром ўн кунча илгари ишга кетаётиб бирров кириб укасидан ҳол сўраган эди. Ўшанда Шонеъматнинг қоқ суяк бўлиб қолганини, катта-катта кўзлари нимагадир чуқур маъно билан ўзига тикилганини кўрган эди.

«Яқинда ўлади,— деб ўйлади у онасининг кўзига қарамасликка ҳаракат қилиб,— барибир ўлади».

— Тузукми?— деди у ҳаммаси учун ўзи айбдордай қовоғини солиб.

— Шукур,— Умри хола қулт этиб ютинди.— Ҳозир ухлади.— Онаси шу топда чиқиб овора бўлмагин, деган маънода гапирганини Шоикром тушунди.

— Эрталаб хабар оламан,— деди у онаси ўрнидан турганида.

— Сендан нега гина қиларкан, болам,— деди Умри хола айвон лабида тўхтаб.— Кўриб турибди-ку. Эрталаб чиқиб кетасан, ярим кечада қайтасан. Бу кунлар унут бўлиб кетади, болам.— Зинага ечган калишининг бир пойи тўнкарилиб қолган экан, Умри хола оёғининг учи билан тўғрилайман деб, анча овора бўлди. Кейин зиналардан энкайиб тушди-ю, шарпадай унсиз юрганча, ҳовли этагига қараб кетди. Пастак эшик ғийқиллаб очилиб ёпилди.

— Падарига лаънат шунақа турмушнинг!— деди Шоикром бўғилиб. Кейин дастурхонни йиғиштираётган хотинига ўшқирди.— Сениям падарингга лаънат! Тумшуғингни тагидан сигирингни етаклаб кетса-ю, анқайиб ўтирсанг.

— Нега менга ўдағайлайсиз?— Хадича товоқни қо-

www.ziyouz.com kutubxonasi

шиққа уриб, йигламсираді.— Нима, мениям Илҳом самоварчининг хотинидай сўйиб кетсинмиди? Сиз кечалари сменда бўлсангиз. Мен учта жўжа билан жонимни ҳовучлаб ўтирганим етмайдими?!

Шоикром хотинини тарсакилаб юбормаслик учун юзини ўгириб, тишини ғижирлатди.

Сув қалқиса, лойқаси юқорига чиққандай, замон қалқиганидан буён ёмон кўпайди. Эрта баҳорда уларнинг туғай деб турган сигирини ўғирлаб кетишди. Ўша кеча Шоикром тунги сменада эди. Кечаси билан шаррос жала қуйиб чиқди. Шоикром тонг саҳарда бир нимани сезгандай кўнгли ғаш тортиб, уйига қайтди. Келса хотини, болалари, онаси дод солиб ўтиришибди. Хадича оғироёқ эмасми, ўзи билан ўзи овора бўлиб билолмай қолибди. Эрталаб турса кўча эшик ланг очиқ, ёнғоққа боғлоғлиқ сигир йўқ.

«Шу пайтгача сигир туғарди, укамнинг оғзига ақалли бир коса сут тутардим,— деб ўйлади. Шоикром ўкиниб.— Қани ўшалар қўлимга тушса, чопиб ташлардим».

Шундоқ дейди-ю, эгаси минг пойласин, ўғри — бир. Мана, бундан икки ойча илгари Илҳом самоварчининг хотинини пичоқлаб кетишди. Бечоранинг битта-ю битта эчкиси бор экан. Ҳовлига ўғри тушганини билиб, хотин шўрлик дод солибди. Эри чойхонада экан. Югуриб бориб эчкининг арқонидан ушлаганми, хуллас, етиб келган қўни-қўшнилар қора қонига беланиб ётганини кўришибди.

— Шу кунда яна ўғри оралаб қолди,— деди Хадича кўрпачани қоқиб танча четига соларкан.— Қулупнай қизармасидан битта қўймай териб кетяпти.

— Ваҳима қилма!— деди Шоикром қовоғини уйиб. — Болалар териб егандир. Ўғри қулупнайга келадими?

— Оғзига бир дона олган бўлса, буюрмасин. Нега келмас экан? Бир ҳовучини опчиқиб сотса бир коса жў-

www.ziyouz.com kutubxonasi

хори беради. Ана, бориб қаранг, деворнинг бир чети ўпирилиб ётибди!

— Ваҳима қилма! — деди Шоикром яна ғўлдираб. Аммо бу сафар ўзининг ҳам юраги сесканиб кетганини пайқади. Кўнглида пайдо бўлган ғашликни сездирмаслик учун ҳовлига тушди. Секин юриб, қулупнай пушталари олдига келди. Ариқлардаги сув чироқ нурида ялтираб, шамолда жимирлар, маржондай терилиб ранг олган қулупнайлар сувга тегай-тегай деб турарди.

«Рост-да,— деб ўйлади у пушталар атрофида айланаркан,— бир ҳовуч қулупнайга бир товоқ жўхори беради. Тансиқ нарса... Хадича ёлғон гапирмайди. Болалар еган бўлса, буюрмасин, деяпти-ку. Пишиқ, йўлатмайди...»

Бултур хотини худди шу қулупнай туфайли онасини ҳам қаттиқ ранжитган эди. Умри хола бир ҳовуч қулупнай олган экан, Хадича болаларга нон пули бўлар деб экканмиз, норасталарнинг насибасига тегманг, деб бобиллаб берибди.

Шоикром ўшанда онасининг ёз бўйи келини билан юзкўрмас бўлиб юрганини эслади-да, яна шу гап хаёлига келди. «Хадича анойи эмас, қурумсоқ...»

У айланиб ёнғоқ тагига борди. Борди-ю, чиндан ҳам кўча томондаги деворнинг бир чети ўпирилганини, остига тупроқ тўкилганини кўриб, юраги орқасига тортиб кетди. Назарида деворнинг кемтик жойидан биров мўралаб тургандай бўлди. Ёнғоқ шохларининг шамолда вишиллаши ҳам, оёғи остида тўкилиб ётган девор тупроғи ҳам шубҳали, ваҳимали кўриниб, дарров орқасига қайтди.

Хадича аллақачон уйга кириб кетибди. У чироқни ўчириб, сандал четига ётди-ю, кўнглидаги ғулғула кучайиб кетаверди.

Кузда ўзи билан ишлайдиган йигитнинг ҳовлисидаги сўритокдан ғарқ пишиб ётган узумларини ўғирлаб кетишганини эслади. Шамол борган сари авжга чиқар,

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳовлидаги ёнғоқ барглари шовиллаб, шохлари шубҳали ғирчиллар, аллаким шип-шип қадам босиб, айвон лабига келаётгандай бўларди.

Хадича рост айтади. Ўзи кечалари сменада бўлса, хотини учта жўжа билан жон ҳовучлаб тонг оттирса, ўғрига ўлжанинг катта-кичиги борми? Қўлига нима илинса олаверади-да. Борди-ю, ўзи йўғида уйини ўғри босса, хотини дод солса, пичоқлаб ташласа. У ёқдан онаси чиқса, униям пичоқласа... «Виждонсизлар! Одамларнинг бошига кулфат тушганидан фойдаланиб қоладиганларни қириш керак».

Бирдан хаёлига келган фикрдан унинг вужуди титраб кетди. Қора кунлари учун, не умидлар билан тишида тишлаб юрган ғунажинини ўғирлагани учун, ўлим тўшагида ётган укасининг охирги насибасидан маҳрум қилгани учун, нон пули бўлар деб етиштирган мевасидан жудо қилаётгани учун шундоқ қасос олсинки, ўша худо бехабарлардан.

У ўрнидан сакраб туриб кетди. Чироқни ёқиб, отилиб ҳовлига тушди. Ҳамон шамол ўкирар, осмоннинг гоҳ у, гоҳ бу бурчида чақмоқ ярақлаб, ёнғоқ шохлари шубҳали ғийқиллар, аммо энди булар уни қўрқитолмас эди. У ёнбошидаги ошхонага кирди-ю, чўнтагидан гугурт олиб чақди. Титроқ қўллари билан қорайиб кетган девордаги михга илиғлиқ турган икки ўрам симни олди. Бир вақтлар урушдан олдин у бу симларни базмларга олиб борар, одамларнинг ҳовлисини машъаладай ёритиб берарди. Эндиям яхшиликка хизмат қилсин!

«Менга деса отиб юбормайдими!— деб ўйлади у айвон лабига чўққайиб ўтирганича усти ёпиқ симни очиқ симга илдам уларкан.— Ҳарна битта харомхўрни ўлдирганим. Биттаси ўлса, бошқалари адабини ейди».

У чаққон ҳаракат қилар, аъзойи бадани терлаб кетган, аммо буни ўзи пайқамас, фақат бир сўзни такрорларди: «Менга деса отиб юбормайдими!»

www.ziyouz.com kutubxonasi

У симнинг очиқ қисмини қулупнай пушталари устига улоқтирди. Сим илондай биланглаб пушта устига тушди. Ёпиқ қисмини айвон этагидан олиб ўтди-да, бир учини устундаги илгакка тиқиб қўйди. Кейин бирдан болалар кечаси ҳовлига тушса нима бўлади, деган хаёл миясига урилди-ю, уйга кирди. Хадича ётган жойида уйқусираб бошини кўтарди.

— Ҳа?

— Ҳовлига чиқма, болалар ҳам чиқмасин, ўлади! — деди Шоикром кўзлари ёниб.

Хадича ҳеч нимага тушунмади шекилли, «хўп» деди-ю, бошини ёстиққа ташлади. Зум ўтмай текис, чуқур нафас ола бошлади. Шоикром айвон чироғини ўчириб, яна уйга кирди. Ҳар эҳтимолга қарши шундоқ эшик тагига, наматга кўндаланг ётиб олди.

«Менга деса отиб ташламайдими?» деб ўйлади яна ўшандай зарда билан. Шу топда негадир болаларини эмас, хотинини ҳам эмас, укасини ўйлади. Шонеъмат болалигида ҳам заифгина эди. Шоикром уни ҳар куни мактабдан ўзи олиб келар, иккинчи сменада дарс тугагунча пойлаб ўтирарди. Отаси ўлганида Шоикром олтинчида, укаси иккинчида ўқирди. Ўшанда Шонеъмат йиғламаган, аммо ичикиб касал бўлиб қолганди. Онабола уни авайлаб катта қилишди. Энди бўлса, беш кунлиги қолдими йўқми, ака бўлиб хабар ҳам ололмайди.

Шоикром ухладими, йўқми, билолмади. Бир маҳал бола йиғладими, ё ташқарида шамолнинг гувиллаши аралаш даҳшатли бир фарёд қулоғига кирдими, англай олмай қолди. Сапчиб ўрнидан туриб кетди. Айвон чироғини ёқиши билан қулупнай пуштасида мук тушиб ётган одам гавдасини кўрди-ю, даҳшатдан қотиб қолди. Шу ондаёқ хато қилганини, қотиллик қилганини пайқади. Сим учини шартта илгакдан юлиб олиб, ҳовлига отилди. «Бошқалари қочди» деган фикр лип этиб хаёлидан ўтди. Пушталар устида сакраб-сакраб юриб

www.ziyouz.com kutubxonasi

бораркан, оёғи ботиб кетаётганини пайқади. Кейин букланиб ётган одамдан уч қадам берироқда тўхтади-ю, бирдан чўккалаб қолди. Бир лаҳза кўзлари олайиб тикилиб турди-да, кўксидан шамол ғувурини ҳам, ўз вужудини ҳам ларзага солувчи бир нидо отилиб чиқди:

— Ойи-и-и!

У бошидан ҳуши учиб бораётганини элас-элас ҳис қилиб ўзини ерга отди. Титроқ қўллари билан лой чангаллаганча чўккалаб кўксига муштлай кетди.

— Ойи! Ойижон!

Умри хола бир қўли билан унниққан чит кўйлагининг этагини маҳкам чангаллаб олган, этак ичида икки ҳовуч пишган-пишмаган аралаш қулупнайлар кўриниб турар, бошқа қўли билан эса илондек сирпи ушлаб турарди. Шоикром унинг қулупнай қизили юққан, ёрилиб кетган бармоқларини, бўртган томирларини аниқ кўрди. Нариоқда, лойли ариқ ичида унинг калиши ётар, чамаси, сим оёғига текканида юлиб олмоқчи бўлгану, қўлига ўралашиб йиқилган эди.

Шоикром лойли марзадан эмаклаб борганча, ўзини онасининг қучоғига отди.

— Ойижон, очинг кўзингизни! — деди у гезариб кетган лаблари билан онасининг муздай юзидан ўпиб.

У анчадан кейин ўзига келди-ю, тепасида хотини турганини, қизчалари йиғлаётганини пайқади. Бошини кўтариши билан марза четида чўнқайиб ўтирган Шонеъматга кўзи тушди. Неча ҳафталардан буён ўрнидан жилмай ётган укаси, афтидан, қандайдир куч топиб эмаклаб чиққан, кўйлагининг елкалари осилиб турар, катта-катта кўзлари ваҳима билан боқар эди.

— Нима қилиб қўйдим, укам! — деди Шоикром яна балчиққа беланган кафти билан юзини чангаллаб. Кейин яна онасининг устига ўзини ташлади. У онасини кўтаришга уринар, аммо онасининг икки букланган гавдаси негадир ҳеч тикланмас эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Сут ичмай заҳар ичсам бўлмасмиди,— деди Шонеъмат овози титраб.

Шоикром бу ожиз, титроқ товушдан сесканиб, укасига тикилиб қолди.

— Заҳар ичсам бўлмасмиди,— деди Шонеъмат яна ўша оҳангда. Афтидан, у йиғлай олмас, йиғлашга мадори етмасди.— Кечаям айтувдим, кўнмадилар. Қулупнайга сут алишади, дедилар.

Шоикром бошқа ҳеч нимани эшитмади. Эшитолмади. Фойдаси ҳам йўқ эди.

* *
*

Умри холани пешин намозига чиқаришди. Гўристондан чиқиб келишаётганида Шоикром одамларнинг ўзаро гапини эшитиб қолди.

— Уруш тамом бўпти, эшитдингизми?

www.ziyouz.com kutubxonasi

БИР ШИНГИЛ ТАБАССУМ

Наим сартарошнинг «оҳони»

Бу одамни болалигимдан танийман. Ушандан буён уни биттаям туки ўзгармаган, десам лоф бўлмайди. У ёғини сўрасангиз, унда тукнинг ўзи йўқ, кўса. У ҳар куни эрталаб бир вақтда дарвозамиз олдидан маҳалла гузари томонга ўтиб кетади. Қишда куя еган телпак, муштдеккина гавдасига ярашмаган узун камзул, оёғига калиш-маҳси кийиб юради. Ёзда бўлса думалоқ қозон нусха бахмал дўпписини бостириб олади. Қўлидаги хўжалик сумкаси ҳам камида йигирма йил сидқидилдан хизмат қилган. Ғиж-ғиж суриладиган занжирининг тишлари тўкилиб яккам-дуккам бўлиб қолган. Бандининг тасмаси бир неча жойидан ямалган. Сумканинг ичида нима борлигини яхши биламан. Тиши тўкилган алюмин тароқ, бошингизга тегиши билан бир ҳовуч сочингизни юлиб оладиган қўл машина, қайиш билан олишавериб ихчам тортиб кетган устара. Хуллас, бутун маҳалладага донғи кетган Наим сартарошнинг жамики ашёлари шу сумкада жойлашган.

Наим сартарошнинг эски фанерлардан ямаб ясалган дўкониям йигирма йил илгари қандоқ бўлса, ҳозир ҳам ўшандоқ — маҳалла чойхонасига ёпишиб қўнқайиб турибди. Фақат вақт ўтиши билан толиқиб бир томонга қийшайиб қолган. Беш йил бурун автобус бекатининг рўпарасида янги ойнабанд сартарошхона очилди. Аммо Наим сартарош унга ўтмади. «Ман таҳоратсиз тиғ ушлайдиган ёш болалар билан ишламийман», деб туриб олди. Маҳалладагилар ҳам унинг феълини билишгани учун индамай қўя қолишди.

Шу Наим сартарошнинг денг, келиб-келиб мени жини суйиб қолибди. Бир куни эрталаб дарвоза олдидаги ска-

www.ziyouz.com kutubxonasi

мейкада ўтирсам, сумкасини кўтариб ўтиб қолди. Салом бердим. У менга қарамай, «валей», деб ўтиб кетди-ю, нарироққа бориб тўхтади. Сийрак сарғиш киприкларини пирпиратиб тикилиб турди-да, янгроқ, ингичка овозда сўради:

— Ҳой манга қара, Учқунмисан?

Мен индамай бош силкидим. Наим сартарош кўп йиллик қадрдонини бирдан топиб олгандек қувониб кетди. Тез-тез юриб ёнимга келди. Сумкасини скамейканинг бир чеккасига қўйди-да, қўш қўллаб сўрашди. Юзига фотиҳа тортиб, силлиқ иягини силаб қўйди.

— Бу дийман, дўконгаям чиқмайсан,— деди яна ҳам ингичкароқ товушда.

— Энди, хизматчилик...

— Ёзувчи бўпсан, газетада ишлавотсан, деб эшитдим, шу ростми? — Наим сартарош менинг қобилиятимни чамалаб кўрмоқчи бўлгандек, бошдан-оёқ бир сидра қараб чиқди.

— Ҳа, шунақа,— дедим бош силкиб.

У сумкасини нарироқ суриб ёнимга ўтирди. Узун камзулининг чўнтагидан қизғиш нос қовоғини чиқариб нос отди.

— Бу дийман, ука, газеталарингга бизаниям ёзса бўлавурадими? Ё буниям «оҳони» борми?

— Қанақа «оҳон?»

Сартарош кўзини қисиб қиқирлаб кулди.

— Ўзингни соддаликка солма, ука. Ман ҳаммасини биламан. «Оҳони» бўлмаса Олим паровозни газета мақтаб чиқармиди? Биринчи бўлиб паровоз ҳайдаганмиш. Ёлғон! Қачон қараса, кўмирга ботиб юрадиган рабочий эди. Ҳа, хўп, борингки ҳайдаган бўлсин. Хўш, нима қипти? Ҳаким найнов-чи! Биринчи ўқитувчилардан эмиш. Ман билмасам экан уни! Жинкўчалик отин ойининг қўлида бирга ўқиганмиз. Ўлгудек зеҳни паст бола эди. Олти ойгача «Ҳафтияк»ни туширолмаган... Тағин булар персаналний пенсионер эмиш!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Наим сартарош дунёнинг адолатсизлигидан тутақиб кетгандек, жаҳл билан носини туфурди. Кафтининг орқаси билан иягини силаб қўйди.

— Булар давлатга хизмат қиган бўлса, биззиям ўтқизиб қўйган жойимиз бор. Булар Масковга борган бўлса, манам борганман. Уларни кўтар-кўтар қиласанлару, мани ёзмайсанлар, шунақами? Мани суянчиғим йўқде, а?!

Қарасам, Наим сартарош ростдан хафа бўлипти. Тўғриси, унинг ўтмишига ўзим ҳам қизиқиб қолдим.

— Нега ёзмас эканман. Ёзаман. Москвага қачон боргандингиз?

— Ие, ҳозир йили эсимда қоптими, ука? Ўша босмачиларни қийратиб юрган пайтларимизда эди-да. Ўшанда санга ўхшаган қирчиллама йигит пайтим. Паркат томонда Рустам шердай қилич ўйнатиб юрсам, командиримиз чақириб қолди. «Чиноқ икковларинг яхши жанг қилганларинг учун Масковга дилигат бўлиб борасан» деса бўладими! Юнус чиноқ бир қулоғи йўқ бўлсаям, хўп азамат йигит эди. Иккаламиз пойизга ўтирдигу қайдасан Масков деб жўнадик-вордик. Ўн кун деганда етиб бордик. Бу Масков дегани хўпам катта шаҳар экан. Қават-қават уйлар десанг, кўча тўла тролебус, аптобус. Ер тагида пойиз юраркан.

У бирдан тўхтаб, менга синовчан қаради.

— Масковга борганмисан?

— Йўқ, — дедим бош чайқаб.

— Э, Масковга бормабсан — дунёга кемабсан! — Наим сартарош қўлларини ёзди, — шундоққина Қизил Майдоннинг олдидаги гастиницага тушдик. Ёнбошимизда бозор. Бизаникига ўхшаганмас. Ҳаммаси папаратка жойлашган. Қаймоқ бозор бир томонда, ширмой бозор бир томонда. Қабобпазлар десанг эрталабдан уриб жигар кабоб сотади. Аммо лекин сомон бозорнинг мазаси йўқ экан. Қоплари кичкина-кичкина. Бир туяга элликтасини ортиб келишади. Тағин бир қопи фалон пул. Одам кўплигиданми, сартарошхонаси тирбанд. Босмачиларни

www.ziyouz.com kutubxonasi

бир ёқли қигандан кейин шу томонларга келиб дўкон очаман, деб кўнглимга тугиб қўйдим... Аммо маишат зўр бўлди. Масковда бир ой турган бўсақ, шу бир ой ичида Чиноқ иккаламиз хўп ҳузур қилдик. Эрталаб лип этиб бозорга тушиб бир коса қаймоқ, тўртта ширмой, анжир, ҳолва обчиқиб кўк чойни урамиз. Пешинда кабобхўрлик, кечқурун лағмон дейсизми, пўстдумба солинган мошкичири дейсизми, нима хоҳласангиз муҳайё. Кечалари чойхонага чиқамиз. Бир жўжахўроз беданам бор эди десанг, ўзимам Исмоил калдан бир қўйнинг пулига олгандим. Шуни обкетувдим. Масковни манман деган беданаларини қочирди. Қайтиб келишимиздан икки кун олдин майлис бўлди.

— Қаерда? — дедим ўзимни кулгидан зўрға тийиб.

— Қатта бўларди, Қизил Майдоннинг ўзида бўлдида... Лак-лак одам. Чиноқ иккаламиз бир чеккага бориб турдик. Шу пайт десангиз, минбарда турган каттталардан биттаси югуриб тушиб мани қучоқлаб олса бўладими?

— Ким?

Наим сартарош сийрак киприкларини пирпиратди.

— Нима ким?

— Сизни қучоқлаган ким эди, деяпман.

— Катталардан биттаси дидим-ку! Шундоқ қучоқлаб у юзимдан, бу юзимдан ўпди. «Ия, кўса, баҳай? Сан бу ёғларда нима қилиб юрибсан?» дейди. «Мана, Чиноқ билан кеп қолдик. Босмачиларни қийратганимиз учун командиримиз ўйнаб келинглар, деб юборди». «Оббо, саней, кеганингга шунча бўбди-ю, нега ҳовлига ўтмадинг, — дейди.— Кечқурун бизникига ўтмасанг қаттиқ хафа бўламан, янгангга норин буюриб келганман» — дейди. «Йўқ, шошиб турибман. Бошқа мавруди кеп қолар» дедим. «Бўлмаса, мана бу мукофот санга» деб, ҳалиги одам чўнтагидан медаль чиқариб чопонимга тақиб қўйди.

— Қанақа медаль?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Наим сартарош «жудаям эзма экансан-да», дегандек илжайиб афтини буриштирди.

— Қаттан биламан! Бунақа керак бўлишини билганимда йўқотиб қўярмидим.— Наим сартарош бирпас ўйлаб турди-да, қўшиб қўйди.— Энди, ука, сан ўзимизнинг маҳаллани боласисан. У ёғини ўзинг келиштириб бир ёзгин, хўпми.

— Бўпти, — дедим жилмайиб.

У кафтини очиб дуо қилди.

— Илойим омадингни берсин! — Сумкасини кўтариб уч-тўрт қадам нари борди-да, тўхтаб ўгирилиб қаради.— Агар-чи, ука, шу иш амалга ошиб қоса-чи, ҳар куни соқолингни ўзим оп қўяман. Текинга.

— Қайси иш?

Наим сартарош қайтиб келди.

— Ие, ҳалитдан буёғи қулоғингга тамбур чертдимми? Газетангда мани мақтаб чиқарсанг, Олим паровозга ўхшаб персаналний пенса оладиган бўлсам, соқолингни ҳар куни ўзим оп қўяман. Эшитдингми, оғритмасдан оламан.

Мен уч-тўрт кунгача бу гапларни эслаб кулиб юрдиму, кейин унутиб юбордим. Аммо Наим сартарош унутмаган экан. Қайси куни автобус бекатида мени кўриб қолди. Атайлаб пойлаб турган экан шекилли, маҳкам ушлаб олди.

— Ану нарсани ёздингми-йўқми?—деди очиқдан-очиқ дағдаға билан.

— Ёздим.

— Ҳа, мана, бу бошқа гап.—Наим сартарошнинг юзи ёришиб кетди, — йигит кишининг гапи битта бўлади. Қачон чиқади энди?

— Эрта-индин чиқиб қолса керак. Ҳозир текширишяпти, — дедим ниҳоятда хотиржам оҳангда. — Агар рост бўлса, мақолани чиқариб сизга персоналний пенсия тайин қилишаркан. Агар нотўғри бўлса судга беришаркан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Наим сартарош бир лаҳза кўзларини пирпиратиб анграйиб қолди.

— Лаббай?! Сўтга! Кимни сўтга беришади?

— Сиз билан мени. Ёлғон гапирганингиз учун сизни, ёлғон ёзганим учун мени. — Шундай дедиму, бурилиб кетавердим.

Бир лаҳзадан кейин орқадан Наим сартарошнинг ингичка овози эшитилди.

— Ҳой, ука тўхтанг! Ҳой, Учқунжон...

Тўхтаб, бурилиб қарадим.

— Нима гап?

— Манга қаранг, ука,— деди у энтикиб.— Келинг, ўша нарса чиқмаса чиқмай қўя қолсин.

— Ия, нега энди?! Мен ёзиб топшириб қўйган мақолани қайтиб ололмайман.

Уч-тўрт қадам босган эдим, Наим сартарош пилдираб келиб йўлимни тўсди.

— Манга қаранг, ука, шу нарсани бости-бости қилиб юборсангиз-чи, ҳар куни соқолингизни икки мартадан оп қўяман. Шундоқ қилинг, жон ука.

— Ия, нега ахир? Персоналний пенсия олсангиз ёмонми?

— Хўп денг, жон ука! Оч қорним-тинч қулоғим. Шу ишни тинчитиб юборинг. Ман сўзимнинг устидан чиқадиган одамман. Айтдим-ку, ҳар куни икки мартадан соқолингизни олиб қўяман. Уйингизга бориб оламан.

Мен жуда қийин муаммо рўпарасида қолган одамдай, елкамни қисдим.

— Майли, бир уриниб кўраман. Аммо бу жуда мушкул иш-да...

Сартарош ўша куни мени уйимгача кузатиб қўйди. Кузатиб қўйди-ю, барибир тинчимади. Кечаси алламаҳалда эшик тақиллаб қолди. Чиқсам, сартарош қийиқчага ўроғлиқ бир нарса кўтариб турибди.

— Нима бу? — дедим ҳайрон бўлиб.

— Иссиғида еб ола қолинг! — у тугунчани узатди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Мошкичири. Ўз қўлим билан пиширдим.

— Э, Москвадаги мошкичиридан денг?

— Масковни мошкичириси қатта энди, ука! Унга қора қўчқорни пўстдумбаси солинарди. Бунисининг мазаси йўқроқ. Шундоқ бўлсаям илиндим, олинг, қўлим қайтмасин.

Майли, сазаси ўлмасин, деб сартарошнинг совғасини олиб қолдим. У ҳалиям косасини олгани йўқ. Аммо, эшитишимча, энди чойхонада Олим паровоз ундоқ, Ҳаким найнов бундоқ, менам персоналний пенсия олишим керак, деган гапларни айтмайдиган бўлибди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОДАМГАРЧИЛИК

Тўнғич куёв бўлганимиз учунми, қишлоққа борсак, дарров шаҳарлик куёв келди, деб овоза бўлиб кетади. Олмоқнинг бермоғи бор, деганларидек, тез-тез жавоб визитлари ҳам бўлиб туради. Яқинда яна шундай бўлди. Ишдан қайтиб эшикни очишим билан янгангиз Турсуной югуриб рўпарамга келди.

— Тш...— деди у кўрсаткич бармоғини лабига босиб.— Секинроқ. Номоз ўқияптилар.

— Ким?— дедим мен ҳам бенхтиёр пичирлаб.

— Боғбон амаки.

— Ким у, боғбон амаки?

Турсуной шунча йилдан буён боғбон амакини танимайсизми, дегандек қошини чимирди.

— Қишлоқда у кишини ҳамма танийди. Худо ярлақаб бир келиб қолибдилар.

Секин ечиниб оёқ учида уйга кирдим. Боғбон амаки телевизорнинг антеннасини мўлжаллаб айни саждага бош қўйган эканлар. Анчадан кейин бош кўтариб, ўнг томонга, чап томонга салом бердилар-да, қаддиларини ростлаб менга ўгирилдилар.

— Ассалому алайкум, куёв бола! Хўп саломатгина бормисиз? — боғбон амаки билан биринчи марта кўришиб турган бўлсак ҳам эски қадрдонлардек дилкашлик билан қучоқлашдик. Одамни бир кўришда билса бўлади. Боғбон амаки кўп одамохун киши экан. Дастурхон атрофига ўтиришимиз билан мош-гуруч соқолини тутамлаб гапга киришиб кетди.

— Бу дейман, куёв йигит, ишлар кўпайиб кетдими? Қишлоққа кам борадиган бўлиб қолдингиз. Қайнатангиз кўп асл одам-да! Болаликдан тепкилашиб катта бўлган-

www.ziyouz.com kutubxonasi

миз. Шу денг шаҳарга кетяпман, деб қолмайманми! Бизнинг фарзандларникида ўн-ўн беш кун туриб келмасангиз, қаттиқ хафа бўламан, деб туриб олди. Мен ҳам юзидан ўтолмадим.

— Жуда яхши қилибсиз, раҳмат, — дедим қувониб.

Боғбон амаки, у дунёни ҳам, бу дунёни ҳам баравар олиб борадиганлардан экан. Ош олдидан қиттак-қиттак ҳалиги нарсадан қилсакмикан, дегандим, ноз қилиб ўтирмади.

— Ҳа, энди бунинг ўзи ҳароммас. Қайфи ҳаром, — деди пиёлани қўлига олиб. Шундан кейин икковимизнинг ҳам қулфи дилимиз очилиб кетди. Боғбон амаки сғзидан бол томиб янгангизни мақтай кетди.

— Турсуной қишлоқнинг энг олди қизи эди-да, ўзиям. Бахтингиз бор экан. Шундоқ қизимизга уйландингиз. Қайнатангизни айтмайсизми? Шаҳарга узум сотгани кетяпман десам, гастиница-пастиница қилиб уриниб юрсангиз, бетингизга қарамайман, дейди-да! Бу йил бозорда узум сероб. Шу кунда сотиб қолмасак, эрта-индин янаям арзонлашиб кетади. Ўн-ўн беш кун бир ғайрат қиламизда, энди. Ёлғиз қўллик қилмайлик деб, жиянниям олиб келганмиз. Бозорда узумга қоровул бўлиб қолди. Уям сиз билан бир отамлашмоқчи ўзи. Уқишга кираман, сўт бўламан дейди. Топган ҳунарини қаранг.

— Нега олиб келмадингиз?—дедим астойдил ранжиб.

— Айтяпман-ку, бозорда қоровуллик қилиб қолди. Эртага албатта олиб келаман. Хўп улфати йигит-да, ўзиям!

Ярим кечагача гурунглашиб ўтирдик. Кейин Турсуной боғбон амаки иккаламизга уйга жой солиб берди. Ўзи балконга чиқиб ётди. Бир хоналик секцияда тургандан кейин одам ўрганиб кетаркан. Аёл меҳмон келиб қолса, мен, эркак меҳмон келса, Турсуной балконга чиқиб кетади.

Боғбон амаки сўзида турадиган одам экан. Эртасига ишдан келсам чуст дўппи кийган, ихчамгина йигит билан гурунглашиб ўтиришибди.

— Ие, ассалому алайкум!— йигитча сакраб туриб

www.ziyouz.com kutubxonasi

мен билан қучоқлашиб кўришди. — Соғ-саломат юрибсизми, поччажон? Тоғамлар билан бир келиб қолгандик. — У боғбон амакига ишора қилди. — Поччанг билан бир отамлашмасанг бўлмайди, деб туриб олдилар. Турсуной опамизнинг ўртоқлари билан танишаману қувонмайманми, деб югуриб келдим. Менинг бозор ўчарга тобим йўқ. Асли бу ерга ўқишга кириш учун келганман. Бир ёрдамлашиб юридическийга жойлаб қўймасангиз бўлмайди, поччажон. Ҳозир таниш-билишсиз иш битмайди.

— Биласизми, ўқишга кириш қийин, — дедим миннғиллаб. — Менинг танишларим йўқ.

Гапимни тугатмасимданоқ ошхона томондан Турсунойнинг йўталгани эшитилди. Бунақа адресли йўталларнинг маъносини яхши билиб қолганман. Мени чақиряпти. Дарров олдига чиқдим.

— Гўрни унақа дейсизми?— деди у пичирлаб.— Ўзини олиб қочяпти, деб ўйламайдими?

— Нима қилай, ростини айтяпман-да!

— Қишлоқдагилар сизни бутун шаҳарни ётқизиб турғизадиган одам деб, ўйлашади. Бир гап қилармиз, деб қўя қолинг. Ҳа, ундан кейин, — Турсуной овозини янаям пасайтирди. — Анаву сапожки ўлгурни олмасам бўларкан. Уйда бир тийин пул қолмабди. Меҳмонлар яна ўн-ўн беш кун турадиганга ўхшайди. Ойликкача бирор ердан пул топмасангиз бўлмайди.

Бу кеча ҳам меҳмонлар билан алла-паллагача гаплашиб ўтирдик. Тоға-жиянни ҳоли қолдириш учун алоҳида жой қилиб бердик. Янгангиз одатдагидек балконда, мен бўлсам ошхонада ётдим. Ошхонага ўрнашиб қолган пиёздоғ ҳиди кўнглимни бир оз беҳузур қилганини ҳисобга олмаганда жуда яхши ухладим.

Эрталаб қўнғироқ товушидан уйғониб кетдим. Шошапиша йўлакка чиқсам, Турсуной чаққонлик қилиб, аллақачон эшик олдига бориб олибди. У эшикни очди-ю, атлас кўйлак кийган, сочини майдалаб ўрган аёлни кўриб, қичқириб юборди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Вой, Адол, ўзингмисан?!

Икковлари бир-бирининг қучоғига отилишди. Ўз садоқатларини кўз-кўз қилмоқчи бўлгандек бор овози билан чўпиллатиб ўпишишди.

— Бу менинг дугонам — Адолат, — деди Турсуной энтикиб. — Болаликдан бирга ўсганмиз.

Адолат ичкарига кирар-кирмас нйманиб пичирлади.

— Мен ёлғиз эмасман, — у юзлари ловиллаб қизарганича, Турсунойнинг қулоғига бир нима деб шивирлади.

— Вой, шунақами! — Турсуной қувонганидан қарсак чалиб юборди.— Чақир бўлмаса.— У менга қараб тушунтирди. — Адолатнинг тўйи яқиндагина бўлган. Куёв икковлари Тошкентга ўйнагани келишган экан.

Зум ўтмай каттакон чамадон кўтарган новча, ориқ йигит кириб келди. Тоға-жиянлар, келин-куёвлар, ўзимиз тўпланишиб нонушта қилдик. Ҳамқишлоқлар соғинишиб қолишган экан, хўп гурунглашишди:

— Гостиницага борсак жой йўқ, — деди Адолат келинларга хос табассум билан. — Шу ёққа қараб келавердик. Ўн-ўн беш кун туриб Турсунойни хурсанд қилиб келинглар, деб аямларнинг ўзлариям айтгандилар.

Боядан буён жим турган куёв энди гапга аралашди.

— Тўйга бормадинглар-да!— деди у гавдасига ярашмаган ингичка товушда. Гапирганида учли бағбақаси ликиллаб тураркан. Энди пайқадим. «Бизни тўйга айтмовдинглар шекилли», дегим келди-ю, тағин ўйлаб қолдим. Ким билсин, балки Турсунойга хат-пат юборишгандиру мен бехабар қолгандирман.

— Мен Тошкентга уч йил олдин бир келгандим. Жуда ўзгариб кетибди, — деди куёв яна бағбақасини ликиллатиб.

— Бу кишининг ўзлари сизларга шаҳарни томоша қилдирадилар,— янгангиз менга имо қилди.— Шунақа пайтда ўйнаб қолмасанглар, кейин вақт топилмайди.

Нонуштадан кейин Турсунойни йўлакка чақириб маслаҳатлашдик.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Энди бундоқ қиламиз, мен ўзаро ёрдам кассасидан эллик-олтмиш сўм пул сўрайман. Жой масаласини бундоқ тақсимлаймиз. Келин-куёвга уйга жой қилиб берасан. Ёш нарсалар экан. Бир-биридан ажратиш яхшимас. Боғбон амаки балконда, жияни ошхонада ёта қолсин. Ўзинг бир амаллаб йўлакка жойлашарсан. Мен кечқурун, меҳмонлар билан ўтиришиб бўлгандан кейин ишхонамга бориб ёта қоламан. Ишимиз икки сменалик деб баҳона қиламан.

— Майли, — деди Турсуной пичирлаб. — Фақат тезроқ пул топмасангиз бўлмайди. Аксига олиб кўк чой ҳам қолмабди.

Пулни олгандан кейин қайси бозорга борсам экан, деган ўй билан зинадан тушиб кетаётгандим, бир оз хириллаган овоз эшитилди.

— Ие, ассалому алайкум, куёв тўра!

Чўчиб бошимни кўтардим. Рўпарамда юзлари офтобда қорайган, чайир гавдали, қўш белбоғ боғлаган киши турарди. Пастдан эса беш-олти ёшлардаги боласини етаклаган семиз хотин ҳарсиллаб чиқиб келарди.

Нотаниш киши кўришиш учун қучоқ очганди, қўлимни чўзиб қўя қолдим.

— Ие, танимадилар шекилли, куёв йигит, — деди у ранжиб. — Қишлоққа борганларида ҳамсуҳбат бўлгандик, карта ўйнагандик.

— Танидим, танидим,— дедим минғиллаб.— Қани кела қолинглар.

Шундай дедиму, гапларим шу қадар носамимий, шу қадар сунъий чиқдики, ўзимнинг ҳам ғашим келди. Рўпарамдаги киши зардаси қайнаб хотинига ўгирилди.

— Мен сенга нима дегандим, хумгазак! Шаҳарликлар одаммас, одамгарчиликни билмайди, демаганмидим! Мана сенга оқибат. Э, ўша Турсунойниям...

Эр-хотин болани чирқиллатиб йиғлатганча, диконглатиб зинадан тушиб кетишди. Мен бўлсам панжарага суяниб, чуқур хўрсиниб қўйдим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

МОДДИЙ ЁРДАМ

Бу ғавғоларнинг ҳаммаси арзимаган гапдан бошланди. Бир куни цехимиз касаба союз ташкилотининг раиси Ислом ака ёнимга келиб, елкамга қўлини ташлади.

— Аёлларни яхши кўрасизми?— деди негадир илжайиб.

— Ҳа, энди, эл қатори...

— Бўлмаса бундай. Бир хизмат қиласиз, — у яқинроқ келиб, овозини пасайтирди.— Ўзингиз биласиз, индинга хотин-қизлар байрами. Цехимиз эркаклари номидан кичкина банкет уюштирмоқчи эдик.

— Неча сўм керак? — дедим воқеани тушуниб.

Бизда бунақа ишлар тез-тез бўлиб туради. Кўникиб кетганмиз. Ишнинг кўзини биладиганлар ойлигидан бирон ўн сўм ажратиб қўяди. Биров пенсияга чиқади, биров туғади, биров уйланади дегандек.

Чўнтагимдан энди пул чиқараётган эдим, Ислом ака қўлимни ушлади.

— Йўқ, — деди у янаям сирлироқ қилиб. — Сиз пул бермайсиз, оласиз.

— Нима?

— Худди шундай, оласиз. Мана бу аризага қўл қўясизу, нақд ўттиз сўм оласиз. Биз шунга банкет қиламиз.

Мендан нима кетди? Барибир байрамни нишонлашимиз керак. Барибир ўтиришда ўзимам бўлишим керак.

«Менга моддий ёрдам беринглар, қийналиб қолдим», деган аризага шартта қўл қўйиб бердим. Ўша заҳоти кассадан учта ўн сўмликни олиб, Ислом аканинг қўлига тутқаздим. Байрам кўнгилдагидек ўтди. Шампань ичдик, танца қилдик...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу гапларни аллақачон унутиб юборган бўлардиму, бир куни цех касаба союз ташкилотининг навбатдаги мажлиси бўлиб қолди. Ислом ака қилинган ишлар тўғрисида тўлқинланиб гапираркан, бирдан қўлини бигиз қилиб мени кўрсатиб қолди.

— Мана, слесарь ўртоқ Алиевни олайлик. Шу йигит касал бўлиб ўлим тўшагида ётганида, биз унга ўттиз сўм моддий ёрдам бердик.

Залда ўтирганларнинг ҳаммаси гўрдан чиқиб келган одамни кўрмоқчи бўлгандай менга бурилиб қаради. Анграйиб қолибман. Бола бўлиб касал нималигини билмайман. Одамлар шамолладим деса, ҳайрон қоламан. Қишда қорда ювинаман. Бу одам бўлса, мени туппа-тузук чалажонга чиқариб қўйди.

Энди эсимни йиғиб, оғиз очмоқчи эдим, қарасам, Ислом ака бошқа масалага ўтиб кетибди. Индамай қўя қолдим.

Орадан ўн беш кун ўтар-ўтмас, мени Ислом аканинг хонасига чақириб қолишди. «Энди моддий ёрдам беришса, олмайман», деган ўй билан пастак эшикни очдим. Қарасам, устига газета тўшалган столнинг бир томонида Ислом ака, бошқа томонида кўзойнак таққан семиз хотин ўтирибди. Стол устида ҳар хил қоғозлар, маркалар...

— Танишинг, — деди Ислом ака мени аёлга кўрсатиб. — Ўртоқ Алиев мана шу киши! Илғор слесарь, рационализатор.

Аёл кўзойнак ортидаги мулойим кўзларини менга тикиб, юмшоқ кафти билан қўлимни қисди.

— Бу киши тафтиш комиссиясининг аъзоси бўладилар! — Ислом ака пайтдан фойдаланиб, аёлни ҳам таништирди.

— Қалай, ўртоқ Алиев, участкангизни тиклаб олдингизми? — деди аёл меҳрибон товушда.

Ҳайрон бўлиб Ислом акага қарадим. Унинг қовоғи учяптими, кўз қисяптими, тушунолмай гарангсиб тураверди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Э, унчалик ёнган эмас, — деди Ислом ака бидиллаб. — Бу кишининг ўғилчаси шўх-да. Онаси магазинга чиқиб кетганидан фойдаланиб, дазмолнинг илгагини разеткага тиқиб қўйибди. Шунга ақли етганини кўрмайсизми? Боғча боласи-я бўлмаса. Биз берган ўттиз сўм билан кўрган зарарингиз қопланиб кетди-а? Тўғрими, ўртоқ Алиев?

Нима деб ғўлдираганимни ўзим билмайман. Амаллаб хонадан чиқиб кетдим.

«Ариза бермай ҳам ўлай, пул олмай ҳам», деб беш-ўн кун хуноб бўлиб юрдим. Бора-бора бу ғавғолар унут бўлиб кетди.

Энди тинчиган эдим, завод касаба союз ташкилотининг умумий йиғилиши бўлиб қолди. Ўзингиз биласиз, мажлисда одамлар орқа қаторда ўтиришни яхши кўради. Бир оз кечиккан эканман, биттаям бўш жой қолмапти. Мажбур бўлиб, энг биринчи қаторга келиб ўтирдим.

Иккита одамдан кейин минбарга Ислом ака чиқди. Юрагим пўкиллаб турган эди, гапни худди ўша масаладан бошлади.

— Ўртоқлар! — деди у кичикроқ дастурхондек келадиган рўмолчаси билан терлаган пешанасини артиб.— Биз ҳадеб план-план демасдан, одамларга ёрдам беришниям ўйлашимиз керак. Мана, ўртоқ Алиевни олайлик. — У қўлини бигиз қилиб мени кўрсатди. — Илғор ишчи, интизомли. Аммо ҳар тўкисда бир айб дегандек, саккизта қизи бор. Шу йил баҳорда денг, келин тўққизинчи қизни туғиб ётганида, ўртанча қизалоқ яхмалак учаман деб, маҳалладаги ҳовузга тушиб кетибди. Биз ўртоқ Алиевга дарров ўттиз сўм моддий ёрдам бердик...

Этларим жимирлашиб, кўз ўнгим қоп-қоронғи бўлиб кетди. Сакраб ўрнимдан турдиму, минбарга қараб қичқириб юбордим.

— Дод!

Зал сув қуйгандек жимжит бўлиб қолганини, одамлар менга ҳайратланиб қараётганини салгина пайқадиму,

www.ziyouz.com kutubxonasi

аммо энди ҳеч кимни кўрмас, ҳеч нимани билишни истамас эдим.

— Мен ҳеч қанақа моддий ёрдам олган эмасман, — дедим қўлимни пахса қилиб. — Ҳеч қачон ўладиган касал ҳам бўлмаганман! Уйимга ўт кетганмас! Куядиган участкамнинг ўзи йўқ. Давлатнинг секциясида тураман, билдингми! Разеткага сим тиқадиган ўғлим ҳам, сувга чўкиб ўладиган қизим ҳам йўқ. У ёғини сўрасанг хотиним ҳам йўқ! Энди қутулдимми?!

Биров томоғимдан бўғаётгандай ҳарсиллаб жойимга ўтирдим. Ислом ака бузоқбоши кўриб қолган хўроздек киприкларини оғир-оғир қоққанча менга тикилиб турди-да, негадир илжайди.

— Ўртоқлар! — деди яна ўша оҳангда. — Биз худди шундай кишиларга кўпроқ моддий ёрдам беришимиз керак. Ўртоқ Алиев ажойиб ишчи. Аммо кўриб турибсизларки, шу бир йил ичида бошига кўп савдолар тушди. Уйига ўт кетди, ўзи касал бўлди, дўмбоққина қизи сувга чўкиб кетди. Инсоннинг бошида ҳар хил кун бор. — Ислом ака менга қараб жилмайди.— Кўрдингизми асабларингиз чатоқ бўлиб қолибди. Майли, парво қилманг. — Кейин у президиумга ўгирилди-да, «ана шунақа гаплар» дегандай маъноли бош силкиб қўйди. — Биз ўртоқ Алиевни тегишли касалхонага албатта жойлаштирамиз. Керак бўлса ўттиз сўм эмас, ўттиз беш сўм, ҳатто қирқ сўм моддий ёрдам берамиз.

Мен ўрнимдан сапчиб туриб кетдим. «Ёрдаминг бошингда қолсин», деб қичқирдиму, ҳеч ким эшитмади. Ҳамма гулдурос қарсак чалар, Ислом ака виқор билан минбардан тушиб борарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЗИЛ-ҲАЗИЛ

Равшан янги ишга ўтди-ю, худди жаннатга тушиб қолгандай бўлди. Конструкторлик бюросида қирқ икки лойиҳачи ишласа, шундан қирқтаси қизлар.

Равшан бола бўлиб бировнинг қизини билагидан ушлаган эмасди. Институтда ҳам жуда тортинчоқ эди, ҳеч ким билан аҳду паймон қилмаганди. Бу ерда шунча қизнинг орасига тушиб эсанкираб қолди. Бунинг устига идоранинг бошлиғи — заҳаргина опа ишга олаётганида Равшанни огоҳлантириб қўйди.

— Ўнг қулоқ, чап қулоғингиз билан эшитиб олинг, йигитча! Ташкилотимизда нима кўп — қиз кўп. Бирортаси билан ғиринг деб гап чиқадиган бўлса, иккковларингаям катта кўчани кўрсатиб қўяман. Келишдикми?

Равшан, опанинг ҳар сўзини чертиб-чертиб эркакча овозда гапиришидан, ингичка гардишли кузойнак орқасидаги кўзлари қисилиб кетишидан бу хотин ҳар ишга қодир эканини тушунди

— Хўп бўлади, опа,— деди довдираб.

Асли бу ерга ишга кирмоқчи эмасди-ку, лекин ўзидан бир йил илгари институтни битирган Турсунбой қўймади-да! Бу йигит ўзи оқ кўнгил, хушчақчақ. Фақат битта нуқсони бор. Биров билан бас бойлашиб, Турсунбойнинг юзига бир ҳовуч тариқ сепиб юборсангиз, бир-тасиям ерга тушмайди. Қачондир тошган чечак шўрликка шу тамғани босиб кетган. Равшан унинг нима учун шунчалик елиб-югурганини кейин билди. Илгари шунча қиз орасида битта ўзи ишларкан. Энди иккита бўлишди. Равшан Турсунбой билан бирга ишлайвераман-да, деб ўзини юпатган эди. Аксига олиб, бошқа хонага жойлашди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўртоғи уни ўн беш чоғли қизлар чизма чизаётган хонага олиб кирди-да, тантана билан таништирди.

— Ҳой, жононлар! Зерикдик деб, ҳадеб йиғлайверганларинг учун шу болани топиб келдим. Қўндиргунча она сутим оғзимдан келди. Энди маҳкам ушлайсизлар.

Қизлар қий-чув кўтаришди. Равшан уялганидан лавлагиси чиқиб тураверди. Уни сийлашди шекилли, энг тўрда, дераза рўпарасида жойлашган столни беришди. Тағин ёнида телефон ҳам бор.

Равшан аввалига хонада муттасил анқиб турадиган атир-упа, яна аллақанақа ислардан маст бўлиб юрди. Кейин-кейин кўникди. Янги ишхонанинг қонун-қоидаларини ўрганди.

Қизлар Турсунбойга «артист» деб лақаб қўйишган экан. Равшан шунисига тушунмади. Аммо «опа»га лақабни боплаб топишибди-да. «Кобра» келяпти, деса, сичқоннинг ини минг танга бўлиб кетади. Опа, умуман, эрга тегмаган экан. Шунинг учунми, қизларнинг бирортаси Равшаннинг олдидаги телефондан йигитига қўнғироқ қилса, бошқаси эшик олдига бориб «Кобра»ни пойлаб туради.

Бир куни одатдагидек телефон жиринглади.

— Ким бу?— деди нозиккина овоз.

— Кимни чақириб берай?— деди Равшан ҳафсаласизлик билан.

— Ҳеч кимни. Сиз Авазовмисиз?

— Ҳа.

— Равшанжон акаммисиз?

Равшан ҳайратдан эсанкираб қолди.

— Ҳа, нимайди?— деди дудуқланиб.

— Кечирасиз... — нотаниш овоз энтикди.— Сиз мени танимайсиз. Мен сизни танийман.

— Кимсиз ўзингиз?— деди Равшан довдираб.

Нотаниш қиз бир лаҳза жим қолди. Равшан атрофга олазарак аланглади-ю, қизлар бир-бирига маъноли қараб қўйишаётганини кўриб қулоғигача қизариб кетди

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Равшан ака!— деди нотаниш овоз,— мени одобсизлик қиляпти, деб ўйламанг. Троллейбус бекатига, газ сув дўкони олдига чиқсангиз... Гапим бор эди...

Равшаннинг юраги бир орзиқиб кетди. Мунча ширин бу овоз. Мунча маъюс гапиради?

— Ҳозир,— деди овозини пасайтириб.— Лекин...— у дудуқланиб қўшиб қўйди.— Лекин қандоқ танийман сизни?

— Атлас кўйлак... Қўлимда оқ сумка... — нотаниш овоз лаҳза жимиб қўшиб қўйди.—Мен танийман-ку, сизни.

— Ҳозир...

— Кечирасиз, овора қилдим-да, Равшанжон ака!

Нотаниш овоз «Равшанжон ака» деган сўзни шунақаям мулойим қилиб айтдики, Равшан ўзидан-ўзи питиллаб қолди. Ҳовлиқиб йўлакка чиқса, Турсунбой сигарет тутатиб турибди.

— Ҳа,— деди тутун қайтариб.— Йўл бўлсин?

— Ўзим,— Равшан бепарволик билан қўл силтади.— Сув ичиб келай.

У энди зина томон юрган эди, Турсунбой ҳам эргашди.

— Бормисан, оғайни! Кеча қиттай-қиттай бўлган эди, ичим ёниб кетай деяпти. Юр.

Равшан энсаси қотиб индамади. Кўчага чиққанларидан кейин баттар хуноб бўлди. У учгани қанот тополмайди. Турсунбой бўлса имиллайди. Ора-чора гап ҳам ташлаб қўяди.

— Поезддан қоляпсанми, нима бало?

Охири бекатга ҳам етиб келишди. Равшан сув ичаркан, атрофга аланглаб, атлас кўйлакли қизни қидирар, ҳар қултум сув томоғида тиқилиб қолаётгандай бўларди. Ана, биттаси автобусга чиқиб кетди. Равшанга қараб майин жилмайиб қўйди. Ўша! Худди ўзи! Қўлида оқ сумкасиям бор.

— Нима бўлди сенга, оғайни?!

Равшан Турсунбойнинг ўзига тикилиб турганини энди пайқади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ўзим!— деди тўнғиллаб.

У тўрвасини йўқотган гадойдек қовоғи уюлиб қайтиб келди. Кун бўйи чиройи очилмай юрди.

Эртасига худди ўша пайтда — соат ўн бирда яна телефон жиринглади.

— Лаббай,— деди Равшан овози титраб.

— Равшан ака, ўзингизмисиз? Салом, танидингизми?— Равшаннинг ичида чироқ ёниб кетгандай бўлди.

— Танидим, сиз...

— Ҳа, Ферузаман. Кеча мендан хафа бўлдингизми?

Равшан бир лаҳзада ишхонадаги ҳамма қизларни кўз ўнгидан ўтказди. Йўқ, Феруза деган қиз йўқ. Демак, кечаги автобусга чиқиб кетган атлас кўйлакли қиз шу — Феруза.

— Кеча нега кетиб қолдингиз, Ферузахон?— деди Равшан овозини пасайтириб.

— Ўзингиз бировни бошлаб чиқдингиз-ку.

— Э, уми?— деди Равшан Турсунбойни эслаб.— Сув ичгани чиққан эди-да!

— Мен уялдим...— Феруза бир зум жимиб қолдида, яна энтикди.— Майли, хайр.

— Шошманг!— деди Равшан жонҳолатда.— Қаердан гапиряпсиз?

— Яқин...— Феруза хўрсинди.— Гастроном олдидан.

— Ҳозир чиқаман. Кетиб қолманг, илтимос.

Равшан трубкани қўйди-ю, бир-бирига маъноли тикилиб қараётган қизлар орасидан ўтиб, йўлакка отилди.

Чиқиши билан яна Турсунбойга дуч келди. Индамай олдидан ўтиб кетаётган эди, Турсунбой гап отди.

— Ҳў, ака! Орқа-олдиларига қараб юрсинлар, мундай.

— Папиросим тамом бўпти, обчиқай!— деди Равшан тезроқ қутулиш учун баҳона қилиб.

— Мундоқ демайсанми, оғайни! Мениям сигаретим тамом бўлди. Юр, биргалашиб бориб келамиз.

— Менга қара!— деди Равшан тўхтаб.— Қанақа сигарет чекасан?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Турсунбой кўзини пирпиратди.

— Нимагайди?

— Ўн пачка обкесам қутуламанми сендан? Ўзимнинг ёнимдан обкеламан.

— Нима, мен сенга тиланчиманми?— Турсунбой ундан олдин йўлга тушди.— Дўқингни қараю! Мен «ВТ» чекаман. Гастрономнинг сотувчиси сени танимайди. Демак, бермайди!

Бугунги учрашув ҳам расво бўлди. Равшан гастроном атрофини уч марта айланиб қайтиб келди.

Эртасига худди ўша пайт тағин қўнғироқ жиринглади.

— Ўзингизмисиз, Равшан ака,— деди Феруза.— Нега кеча анави юзи ғалатироқ ўртоғингизни бошлаб чиқдингиз? Кечирасиз-ку, у кишини камситмоқчи эмасману...

— Чўтирни чўтир, дейди-да! Сиз эмас, мен кечирим сўрашим керак,— деди Равшан астойдил куюниб.— Бир хил одамлар ўлгудай калтафаҳм бўлади-да, Ферузахон. Сояга ўхшаб эргашганини кўрмайсизми... Менга қаранг, илтимос, ҳозир учрашайлик.

Феруза бир лаҳза жим қолди.

— Бугун зачётга боришим керак... Икки кундан кейин имтиҳонлар бошланади. Майли, Равшан ака, кейин кўришармиз.

— Йўқ, йўқ!— Равшан ўрнидан туриб кетди.— Мен ҳозир чиқаман. Қаердасиз?

— Бекатдаги автоматда.

— Ферузахон, илтимос,— деди Равшан ҳовлиқиб.— Кўчанинг у юзига ўтиб, юз қадамча юрсангиз сартарошхона бор. Шунинг олдига бориб туринг.

Феруза тушунмади шекилли, эсанкираб сўради.

— Вой, нега?

— Гап бор, кейин тушунтираман. Хўп денг, Ферузахон, илтимос.

Равшан трубкани қўйди-ю, йўлакка отилди. Хайрият, бу сафар Турсунбой кўринмасди.

— Турқинг ўчгани рост бўлсин,— пичирлади у Тур-

www.ziyouz.com kutubxonasi

сунбой ўтирадиган хонанинг эшиги олдидан оёқ учида юриб ўтар экан. Лекин ўн қадамча юрган эдики, зина панжарасига суяниб турган Турсунбойни кўриб, тўхтаб қолди.

— Папиросга кетяпсанми?—деди Турсунбой.

— Йўқ! — деди Равшан тўнғиллаб.— Очиқ мозорга!

— Унақа бўлса, бу ёққа юр!— Турсунбой уни қўлтиқлаб олди.— Соқол-поқолларни олдириб борсанг, фаришталарнинг ўзи жаннатга подручка қилиб обкириб кетади.— У бирдан жиддий тортди.— Бу соқол деган нарса мунча тез ўсади-а? Кунора олдириб турмасанг маймунга айланиб кетасан. Қара, сеникиям тиканакдак бўлиб қопти. Юр, биргалашиб олдириб келамиз. Опани билсан-ку, ўзига қараб юрмаган ходимларни ёмон кўради.

— Ҳой, менга қара, тинч қўясанми-йўқми одамни? — деди Равшан йиғлагудек бўлиб.— Ўз ҳолимга қўясанми-йўқми!

— Ие, сенга нима қилдим, оғайни!— Турсунбой астойдил ҳайрон қолди.— Яхшиликка ёмонликми? Бир бало бўпти, ўзи сенга. Жин тегибди.

— Ҳа!— деди Равшан бақириб.— Жин тегди. Ўша жин сенсан!

Бу сафар ҳам худди Равшан ўйлагандай бўлиб чиқди. У Турсунбой билан жиқиллашиб бўлгунча, Феруза эркакларнинг сартарошхонаси ёнида ярим соат турармиди?

Эртасига Равшан телефон ёнидан жилмади. Тушликка ҳам чиқмади. Феруза кечқурун телефон қилди.

— Кеча нега келмадингиз?

Равшан қизнинг овозидаги ўкинчни сезиб, титраб кетди.

— Кечирасиз,— деди ёлвориб.— Анави шилқим ўртоғим яна осилиб олди. Менга қаранг, Ферузахон, бугун...

— Равшан ака!— Феруза унинг гапини бўлди.—Сизга биринчи бўлиб ўзим телефон қилганимни нотўғри тушундингиз-а... Майли, кечирасиз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ферузахон!— Равшан жонҳолатда трубкани чангаллаб олди.

— Хайр, кечирасиз...

Трубкада қисқа-қисқа, аламли сигнал эшитилди. Равшан шалвираб ўтириб қолди.

Муҳаббат одамни девона қилиб қўяди, деганлари рост экан. Равшан йигирма кун ичида озиб кетди. Телефон жиринг этса, трубкага ёпишади. Турсунбойни кўрса, кўнгли айнийди. Кечалари Феруза тушларига кириб чиқади. Сариқ атлас кўйлак, қўлида оппоқ сумкача... Бу орада опа, ишни эплай олмаяпсиз, деб икки марта дакки берди.

Ниҳоят, йигирма биринчи куни телефонда қадрдон овоз эшитилди.

— Равшан ака!

— Қаердасиз?— деди Равшан энтикиб.

— Бекатда...

— Кетдим!

Равшан хонадан отилиб чиқди. Ҳар вақтдагидек йўлида пайдо бўлган Турсунбойни шундай туртиб юборди-ки, шўрлик гандираклаб деворга урилди. «Етиб бўпсан, чўтир!»— деб қўйди ичида Равшан зиналарнинг учтасини бир қилиб тушиб бораркан. Машина йўлини кесиб ўтди-ю, бекатга қараса, телефон будкаси олдида худди ўша—кечалари тушини, кундузлари ҳушини ўғирлаган Феруза жилмайиб турибди. Эгнида атлас кўйлак...

— Ферузахон!— Равшан югуриб бораркан, беш қадамча беридан қичқириб юборди. Яна икки қадам қўйган эди, забардаст бир қўл билагини омбурдай сиқиб ўзига қаратди.

— Акаси керакмасми, акаси!

Равшан бошини кўтарди-ю, барзангидай йигитни кўриб қотиб қолди. Атлас кўйлакли қиз илдам келиб, йигитнинг қўлидан тутди.

— Қўйинг, ўзингизни босинг.— У Равшанга ижирғаниб қаради.— Жинни шекилли бу.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Равшан кўчанинг бу бетига ўтгунча совуқ терга ботиб кетди. Бир маҳал аллаким чақиргандай бўлди. Қараса, йўл четидаги скамейка олдида Турсунбой илжайиб турибди.

— Тинчликми?— деди у меҳрибончилик қилиб.

Равшан скамейканинг бир чеккасига ўтирди-ю, неча кундан буён ичида йиғилиб ётган аламини тўкиб солди.

— Шуни аввалроқ айтсанг бўлмасмиди!— деди Турсунбой куюниб.— Аҳволингни қара! Бир йил қилтомоқ бўлиб ётган одамга ўхшайсан-а! Э, сендақа ошиқдан ўргилдим.— У бир лаҳза ўйлаб турди-да, сўради.— Пулинг борми?

— Бор,— деди Равшан талмовсираб.— Нимайди?

— Юравер!

Турсунбой Равшанни гастрономга бошлаб борди. Икки шиша шампань, икки бўлак шоколад олдирди. Кейин ишхонага қайтишди.

— Қизлар!— деди Турсунбой шампань шишаларини баланд кўтариб.— Бугун биз янги томоша премьерасини ювамиз. Шишалар очилсин! Асосий ролларни ижро этганлар шарафига ичилсин.

Қизлардан бири қиқир-қиқир кулиб стакан топиб келди. Яна бири эшик олдига бориб, «Кобра инига кириб кетди» деб хабар қилди. Равшан бир чеккада анграйиб тураверди.

— Равшан акажон!

Равшан таниш овозни эшитди-ю, сесканиб бошини кўтарди. Овоз эгасини қидириб аланглар экан, Турсунбой стаканни унинг қўлига узатди.— Равшан акажоним!— деди Турсунбой қизларникидай майин ингичка товушда.— Кўришадиган кунимиз бор экан-ку, бирам соғиниб кетдим-ки!

Қизларнинг қаҳқаҳасидан Равшан ёниб кетди. Турсунбой бўлса ҳамон ўша товушда давом этарди:

— Чўтирни чўтир дейдими-а? Ўша чўтир ўртоғингизни эргаштириб чиққанингиз учун сиздан аразлаган

www.ziyouz.com kutubxonasi

эдим. Майли, энди ярашамиз. Келинг, шуни ичиб юборинг, жон Равшан ака!

Равшан бирданига ҳаммасига тушунди. Қизлар нима учун Турсунбойни артист деб аташини ҳам, нима учун телефонда Феруза билан гаплашганда, қизлар бир-бирига маъноли қарашини ҳам, нима учун Турсунбой доим унга эргашиб юрганини ҳам... Равшаннинг важоҳати ўзгариб, мушти тугилди. Турсунбой бу ёғини ҳам ҳисобга олиб қўйган экан шекилли, лапанглаб қочиб қолди. Равшан унинг кетидан отилган эди, қизлар қий-чув қилиб йўлини тўсишди.

Шу куни кечгача Турсунбой илжайиб, қизлар ҳиринглаб, Равшан ўшшайиб юрди.

Иш тугашига чорак соатча қолганида яна қўнғироқ жиринглади. Равшан зарда билан трубкани кўтарди.

— Ким бу?— деди яна ўша товуш.

— Ким керак?— деди Равшан жеркиб.

— Авазовмисиз?

— Авазов бўлсам сенга нима? Қани айт, нима қилмоқчийдинг?

— Менга Авазов керак! — деди телефондаги овоз қатъият билан. Бу овозда илтимос эмас, буйруқ оҳанги бор эди.

— Ҳа, мен Авазовман. Аммо сенга эр бўлмайман. Эр керак бўлса кўчадан қидир!— Равшан боягидан ҳам қаттиқроқ қичқирди.

— Бу қанақа одобсизлик?!— телефон жаранглаб кетди.— Нима деяпсиз?

— Эр керак бўлса кўчадан қидир, деяпман, эшитдингми, қари қиз!

— Тарбиясиз!

— Чўтир!

Телефондаги ҳокимона овоз бир гап айтса, Равшан учтасини қўндираверди. Охири телефондаги овоз чидолмай додлаб юборди.

— Ўчир овозингни, сурбет!

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ўзинг ўчир, чўтир. Бўлмаса, башарангни текислаб қўяман!

— Трубкани қўйиб қўй дейман, аҳмоқ!

— Қўймайман! Қўлингдан келганини қил.

— Шу бугуноқ қорангни ўчир бу ташкилотдан,— телефондаги овоз баттар чийиллади,— шу бугуноқ!

— Аввал сеники ўчади. Масхарабоз! Қизлар Кобрага бир оғиз айтса, кўзойнагини ечиб туриб шундай чақадики, тил тортмай ўласан, овсар!

— Нима? Ким Кобра? Ким ўргатди бу гапни сенга?

— Ҳа-ҳа-ҳа!— Равшан осмонга қараб, мириқиб қаҳқаҳа урди.— Алам қилсин!

У ўзига шунча азоб берган чўтирни яна анча бопламоқчи эди-ю, трубкада қисқа-қисқа сигнал эшитилди. «Бопладим — деди Равшан трубкани жойига қўйиб.— Мен билан ҳазиллашиш шунақа бўлади». Худди шу фикр миясидан ўтиши билан эшик тарақлаб очилди. Энди пардоз-андозини келиштириб, сумкасини йиғиштиришга тушган қизлар жой-жойида қотиб қолди. Равшан ҳайрон бўлиб бурилиб қаради-ю, остонада турган опага кўзи тушди. Опа ранги докадай оқариб, лаблари гезариб кетган, ҳозиргина чангаллаган бўлса керак, сочлари тўзиб, кўзойнагига тушган эди.

— Авазов!— ҳайқирди у оғзидан кўпик сачратиб.— Ҳозир телефонда гаплашган сизми?

Равшан ранги ўчиб, ўрнига ўтириб қолди.

— Жавоб бер!— деди опа қўлини пахса қилиб.

Равшан Турсунбойни Феруза деб қанақа алданган бўлса, опани Турсунбой деб ўйлаб баттар алданганини, энди ҳаммаси тамом бўлганини тушунди-ю, индамай бош силкиди.

— Қани, бу ёққа!— деди опа лаблари титраб.

Равшан унинг олдига тушиб йўлакка чиқди. Опа ўз сўзида турадиган хотин экан. Чиндан ҳам унга катта кўчани кўрсатиб қўйди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУНДАРИЖА

Янга 5
Тасодиф 14
Уч хил одам 25
Нимадир бўлди 38
Улоқ 52
Дард 58
Кўприк 69
Урушнинг сўнгги қурбони 76
Бир шингил табассум 86
Одамгарчилик 93
Моддий ёрдам 98
Зил-ҳазил 102

На узбекском языке

Уткур Хашимов

ЧТО-ТО СЛУЧИЛОСЬ...

Рассказы

Редактор *Х. Мансурова*
Рассом *Н. Холиқов*
Расмлар редактори *А. Кива*
Техн. редактор *А. Саитова*
Корректор *Ш. Соатова*

Босмахонага берилди 4/XI-75 й. Босишга рухсат этилди 20/I-1976 й. Формати 70×108¹/₃₂. Босма л. 3,5. Шартли босма л. 4,9. Нашр. л. 4,78. Тиражи 60000. Р—11016. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 55—75.

Узбекистон ССР Министрлар Советининг Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича давлат комитетининг 2-босмахонасида № 1 қоғозга босилди. Янгийўл шаҳри, Самарқанд кўчаси, 44. 1976 йил. Заказ № 15. Баҳоси 16 т.

www.ziyouz.com kutubxonasi